

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

И.М. ХАКИМОВА

ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР  
ПСИХОЛОГИЯСИ

*Ўқув қўлланма*

Тошкент 2014

Тақризчилар:

психология фанлари доктори, профессор **Н.С.Сафаев;**

юримдик фанлари номзоди, доцент **А.А.Отажонов**

**Ҳакимова И.М.**

**Х-16**      **Девиант ҳулқ-атвор психологияси: Ўқув қўлланма.** – Т.:  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 155 б.

Қўлланмада шахсда учрайдиган «хулқ оғиши» тушунчаси, унинг турлари, намоён бўлишининг сабаб ва шароитлари психологик таҳлил нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шунингдек, ички ишлар идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг турли тоифадаги шахслар билан ишлашида муҳим ҳисобланган ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи психологик, ижтимоий ва биологик омиллар ҳамда уларни юзага келтирувчи мотивлар билан боғлиқ масалалар ёритилади. Шахсларда учрайдиган девиациянинг дифференциал ва гендер фарқлари, уларнинг психологик қонуниятлари очиб берилади.

ИИВ Академияси тингловчилари, ички ишлар идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

**ББК 88.5я73**

---

---

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жамиятнинг барча соҳаларида эришган улкан ютуқлари билан дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллаб, барча соҳаларда туб ислохотларни амалга оширмоқда. Бу ислохотларнинг мақсади аввало **инсон омилини** ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага кўтариш, унинг кучи, савияси, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини таъминлаш, юксак тараққиётга эришиш орқали барча соҳаларда жаҳон ҳамжамиятида етакчи ўринни эгаллашдан иборатдир.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган **комил инсонлар** этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади»<sup>1</sup>.

Инсон психологиясини билишда, ўз имконияти, иқтидорини англай олиш, фаолиятини ташкил этиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлилиқни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммолари илгари сурилади.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват баҳолашни, шунингдек, психологик билимлар захираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Инсоннинг қизгин ва ўзгаришларга бой ҳаёти эндиликда ундан психик ҳодисалар қонуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш зарурлигини талаб қилмоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 61.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида, фанлар тизимида психология фани муҳим аҳамиятга эга. Академик Б.М. Кедровнинг фикрича, психология ўзлаштирилаётган гуманитар, аниқ ва махсус фанларнинг марказини ташкил этади.

Ҳозирги кунда психологик билимларга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади...”<sup>1</sup>.

Инсон хулқ-атвори, психологик хусусиятлари билан боғлиқ масала инсониятни қадим замонлардан буён қизиқтириб келган. Бу соҳада изланиш олиб борган кўплаб олимлар инсоннинг туғилганидан бошлаб шаклланиши билан боғлиқ барча ходисаларни ўрганишни тадқиқ қилиш орқали, унинг ўта мураккаб жиҳатларини кашф этган. Ҳақиқатдан ҳам, инсон хулқ-атворининг жамиятда белгиланган ҳаётий нормал мезонлардан оғиши, бузилиши билан боғлиқ муаммони психология фани ўрганади. Демак, психологияда девиант, яъни оғувчи ахлоқнинг турли шакллари, аномал турлари, сабаб ва мотивлари мавжуд бўлиб, бу педагоглар, психологлар, психотерапевт ва бошқа инсон онги ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи соҳа мутахассислари билан бирга, ички ишлар идоралари касбий психология соҳаси ходимларининг ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланма «Касбий психология» фани бўйича тайёрланган дастурга мувофиқ ёзилган бўлиб, тингловчилар ва ички ишлар идоралари амалиётчи ходимларига девиант хулқ-атвор психологияси билан боғлиқ мураккаб руҳий жараёнлар ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.93.

---

---

*I боб.* ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

**1-§. Меъёрдан оғувчи хулқ-атвор  
ҳақида умумий тушунча**

Маълумки, кишининг девиант ахлоқини жамиятда қабул қилинган меъёрларга зидлиги ва руҳий жараёнларининг мувозанатсизлиги, мослашувчан эмаслиги кўринишида ёки унинг шахсий ахлоқи устидан ахлоқий ва эстетик назоратдан бўйин товлаш кўринишидаги ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилишида намоён бўлувчи алоҳида қилмишлар ёки қилмишлар тизими сифатида белгилаш мумкин.

Нормал ва уйғун ахлоқ шаклларини руҳият билан боғлиқ уч даражада ифодалаш мумкин:

- руҳий жараёнларнинг мувозанати кўринишидаги мизож хусусиятлари;

-мослашувчанлик ва ўзини фаоллаштириш кўринишидаги хос хусусиятлар;

- кишининг маънавияти, масъулияти ва виждонлилиги кўринишидаги шахсийлик.

Оғувчи хулқ (девиант, лот. *deviatio* – оғиш) деб, кишининг қилмишлари, фаолияти тури одатий, умум эътироф этилган меъёрлардан фарқ қиладиган ёки у ўзи аъзоси бўлган жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмай, барқарор равишда уларнинг ижтимоий меъёрларидан оғишида намоён бўладиган ахлоққа айтилади.

Демак, девиант хулқли шахс деб, биринчи навбатда, ахлоқий жиҳатдан қариндош-уруғлари ва дўстларининг кўнглини оғритадиган ва атрофдагиларнинг ҳаёти учун хавф туғдирадиган шахсларга (индивидларга) айтилади. Катта ёшдаги индивид аввал бошданок ички мақсадга интилиш кучига эга бўлиб, шунга кўра, фаоллигининг барча кўринишлари юзага чиқади. В.А.Петровскийнинг фикрича<sup>1</sup>, бу ўзига хос мувофиқлик постулати (исботсиз

---

<sup>1</sup> Қаранг: Петровский В.А.Идея свободной причинности в психологии. <http://www.psychology.ru>

кабул қилинадиган қоида)да ифодаланади. Бу ўринда ҳар қандай руҳий жараёнлар ва хулқий хатти-ҳаракатларнинг бошланғич мослашув йўналиши ҳақида сўз юритилмоқда. Мувофиқлик постулатларини уч турга ажратилади: гомеостатик, гедоник (ҳузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос хислат деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот), прагматик.

*Гомеостатик* вариантида мувофиқлик постулати муҳит билан ўзаро муносабатлардаги зиддиятларни бартараф қилиш, руҳий зўриқиш даражасини пасайтириш, мувозанат ўрнатиш шаклидаги талаблар каби намоён бўлади.

*Гедоник* вариантида кишининг ҳаракатлари икки бирламчи аффект: қониқиш ва азоб орқали аниқланади; ахлоқнинг намоён бўлиши эса қониқишни максималаштириш ва азобни камайтириш сифатида изоҳланади.

*Прагматик* вариант мақбуллаштириш тамойилидан фойдаланади, бунда диққат марказига ахлоқнинг тор амалий жиҳати: фойда, наф ёки муваффақият қўйилади.

Демак, кишининг воқелик (борлик) билан ўзаро алоқаларининг таҳлили девиант ахлоқни баҳолашнинг асоси бўлиб хизмат қилади, зеро меъёрнинг ҳукмрон тамойили шахснинг нимагадир ёки кимгадир (яъни реал борлиққа) мослашувидан келиб чиқади.

Шахс ва борлиқнинг ўзаро муносабатларини бешта усул билан аниқлаш мумкин:

- 1) мослашув;
- 2) қаршилик кўрсатиш;
- 3) рўпара бўлиш;
- 4) вазиятдан қочиш;
- 5) менсимаслик.

Етук интеллектуал салоҳиятли шахслар воқеликка мослашувни танлайди. Қаршилик кўрсатишда шахс фаол равишда ўзига, дунёқарашига мос келмайдиган борлиқни ўзгартиришга, яъни уни ўзининг шахсий қарашлари ва қадриятларига мувофиқ ўзгартиришга ҳаракат қилади. У ўзи дуч келаётган барча муаммолар борлиқнинг ижтимоий меъёрларига асосланганлигига ишонади ва борлиқ билан кураш, борлиқни ўзига мослаштириб ўзгартиришга ҳаракат қилиш ёки жамият меъёрларини бузувчи ахлоқдан максимал даражада фойдаланиш унинг ўз мақсадларига эришишининг ягона усули бўлиб қолади. Бунда мазкур шахсга нисбатан

борлиқ томонидан қайтариладиган жавоб ҳам худди шундай қарши ҳаракат қилиш, шахсни ўзгартириш, уни воқелик талабларига мослаштиришга қаратилган бўлади.

Борлиқнинг шахснинг дунёқарашига зид бўлган ижтимоий меъёрларига қаршилик кўрсатиши криминал ва делинквент хулқ-атворда учрайди. Борлиқнинг қаршилик кўрсатиши, уни ўзлаштириш ва тушунишнинг субъектив равишда бузиб кўрсатилиши сабаблари, теварак-олам томонидан душманларча қабул қилинадиган руҳий нуқсон аломатлари ва руҳий-патологик бузилишлар билан боғлиқ. Руҳий касаллик аломатлари атрофдагиларнинг қилмишлари сабабларини бир хил баҳолаш имкониятини издан чиқаради, бунинг оқибатида муҳит билан ўзаро самарали муносабатлар қийинлашади.

Борлиқни негатив ва оппозицион баҳолайдиган кишилар борлиқ билан ўзаро муносабатда ўзини унга мослашишга лаёқатсиз деб ҳисоблаб, онгли ёки онгсиз равишда танлайдилар. Улар шунингдек, номукамаллиги, консервативлиги, бир қолипдалиги, экзистенциал қадриятларни эзиб ташлаши ёки очиқчасига инсонпарварликка қарши фаолият олиб бориши сабабли, мослашишга «лойиқ бўлмаган» борлиққа мослашишни истамасликни назарда тутишлари ҳам мумкин. Борлиқни менсимаслик, шахс ўзининг шахсий тор дунёсида мавжуд бўлган ҳолда борлиқнинг талаблари ва меъёрларини ҳисобга олмаганда, унинг ҳаёти ва фаолиятининг автономизациялашувида (мустақиллигида) намоён бўлади. Бунда на тўқнашувлар, на қарши ҳаракатлар ва на воқеликдан чиқиб кетиш ҳолати содир бўлади. Ҳар ким ўзича (мавжуд бўлиб) яшайди.

Демак, бундай ҳолатда девиант ахлоқни жамиятга зид ва ижтимоий характердаги кўринишларга таҳдиди ва жамоат учун хавфлилигининг намоён бўлиш даражаси бўйича фарқлаш мумкин.

Жамиятга зид (антисоциал) бўлган оғишларга одамлар орасидаги шахснинг ғаразли, ғаразли-зўравон, тажовузкор-зўравонлик қарашлари ёки жиноий ахлоқнинг бошқа турларига хос бўлган криминал шаклдаги жамиятда қабул қилинган ўзаро муносабатлар қоидаларини онгли (камдан-кам ҳолларда онгсиз) равишда бузишга қаратилган қилмиши ва ҳаракатларини киритамиз. Ғаразли йўналиш деганда, ноқонуний йўл билан моддий манфаат, пул ёки мулкый манфаат олиш мақсадида моддий бойликларни

тақсимлашга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарлик ва қилмишларни тушуниш лозим. Бу тоифага қуйидагилар киради:

а) ғаразгўй-хўжаликка оид жиноятларни содир этишга мойил жиноятчилар (товарларни қалбакилаштириш, ишлаб чиқаришнинг экологик меъёрларига риоя қилмаслик, солиқ тўлашдан бош тортиш, ноқонуний тадбиркорлик, хакерлик ва бошқалар);

б) ғаразгўй-мансабдор жиноятчилар (мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, савдо қоидаларини бузиш, мизожларни алдаш, порахўрлик ва бошқалар);

в) ўғрилар, талончилар (мулкни яширин равишда ўғирлаш – ўғрилик билан боғлиқ ғаразли тажовузлар);

г) фирибгарлар (ҳужжатлар, қимматли қоғозлар, пул белгилари ва бошқаларни қалбакилаштириш);

д) зўравон бўлмаган товламачилар – порахўрлар.

Талон-тарож қилиш – ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш, босқинчилик ёки қароқчилик шаклида ноқонуний равишда ўзганинг мулкани текинга олиш

Ўғрилик – ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш.



Пора – мансабдор шахс томонидан пора берувчининг фойдасига бажарилган ҳаракат учун пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки манфаатлар олиши

Фирибгарлик – алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш.





Ғаразғўй-зўравон йўналиш деганда, шахс устидан зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ғаразли жиноий тажовузларни тушуниш лозим. Бу тоифага қуйидагилар киради:

- а) босқинчилар;
- б) босқинчилик хужумлари иштирокчилари;
- в) зўравон талончилар – рэкетирлар (товламачилар);
- г) ғараз мақсадда одам ўлдиришдан қайтмайдиган қотиллар.

Тажовузкорона-зўравонлик деганда, инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи ва шахсий кадр-қимматиға ўта ҳурматсиз муносабатда намоён бўладиган инсонпарварликка зид жиноий йўналиш тушунилади.

Бу тоифага қуйидагилар киради:

- а) безорилар;
- б) ҳақоратлаш ва тухмат қилиш йўли билан шахснинг шаъни ва кадр-қимматиға зарар етказувчи шахслар;
- в) шахсга қарши оғир жиноят содир қилувчи шахслар – одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, оғир тан жароҳатлари етказиш ва бошқалар.

Бундай ҳолда, тажовузкор-зўравонлик йўналиши ҳам вербал (оғзаки) (сўз билан ҳақоратлаш), ҳам новербал (жисмоний таъсир) ҳолатда, криминалгача ва криминалдан сўнгги даражада, яъни маънавий қоралашни келтириб чиқарувчи қилмишлар ва ахлоқсизлик кўринишида ёки жиноий жавобгарликка тортилувчи ҳаракатлар шаклида намоён бўлиши мумкин.

**Ҳақорат** – ўзга шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беадаб шаклда ифодаланган ҳаракат орқали камситиш.

**Безорилик** – фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёхуд зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитиш, шунингдек ўзганинг мулкани нобуд қилиш ёки шикаст етказиш тарзида жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини қўпол равишда бузиш.

**Калтаклаш** – баданнинг анатомик бутунлигини бузмаган ҳолда кўплаб зарбалар бериш.

**Қийнаш** – зўрлик ишлатиш йўли билан муттасил равишда жисмоний ёки рухий азоблар бериш.

**Номусга тегиш** - зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, қурбоннинг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

**Одам ўлдириш** – бошқа одамга нисбатан қасддан ўлим етказиш.

**Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар** деганда - жиноий эҳтиётсизлик ёки ўзига ишонганлик оқибатида воситалар ва тизимлардан фойдаланиш орқасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маиший, тиббий, экологик хавфсизлик ва шу кабиларнинг бузилишига олиб келувчи ҳаракатлар тушунилади.

Ижтимоий *ахлоқнинг оғиши* жамиятга қаршилиқ кўрсатишнинг нисбатан «пассив» (қолоқ) типи деб тавсифланади. Улар фаол ҳаёт тарзидан воз кечишга интилиш, ўз фуқаролик мажбуриятлари, бурчидан бўйин товлаш, шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишни истамасликда ифодаланади. Бундай ҳолларга ишдан, ўқишдан бўйин товлаш, дайдилик, фоҳишалиқ, кишини сунъий хомхаёллар дунёсига ғарқ қилувчи ва унинг руҳиятини емирувчи алкоголь, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилишни киритиш мумкин. Асоциал ахлоқнинг ошиб кетиши – ўзини ўзи ўлдириш - **суицид** (*суицид - suicide инг. тилидан ўз жонига қасд қилиш*) дейилади.

Шундай қилиб, девиант (оғадиган) ахлоққа, шахснинг мазкур жамиятда (ижтимоий гуруҳда) расмий ўрнатилган ёки илгаридан вужудга келган меъёр ва таомилларга мос келмайдиган ва субъектни ундан ажратиб қўйишга, даволаш, тузатиш ёки жазолашга олиб келувчи ахлоқ ва ҳаракатлар киритилади.

## **2-§. Меъёрдан оғувчи хулқ-атворнинг шаклланиш сабаблари ва турлари**

Девиант ахлоқнинг асосий турларига жиноятчилик, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик, ўзини ўзи ўлдириш, дайдилик, фоҳишалиқ ва руҳият бузилишини киритамиз.

Оғувчи ахлоқ - ахлоқ мослашувини йўқотишнинг турли шаклларда ифодаланувчи салбий руҳий-ижтимоий ривожланиши ва ижтимоийлаштириш жараёни бузилишининг натижаси ҳисобланади.

**Мослашув** (лотинча *adaptare* – мослаштирмақ) - атрофдаги шарт-шароитларга мослашув. Инсоннинг мослашуви икки: биологик ва руҳий жиҳатга эга.

Биологик мослашув организмни муҳитнинг барқарор ва беқарор шарт-шароитлари: ҳарорат, атмосфера босими, намликка,

ёруғлик ва бошқа физик шароитларга, шунингдек организмдаги ўзгаришларга, касалликка, бирон-бир аъзони йўқотиш ёки унинг функцияларини чеклашга мослашувини ўз ичига олади. Мослашув мақсадида инсон ўзининг фаолият маҳсули ҳисобланувчи турли ёрдамчи воситалардан (уй-жой, кийим, ҳаракатланиш воситаси ва ҳоказо) фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, кишида баъзи биологик жараёнлар ва ҳолатларни эркин руҳий бошқариш қобилияти пайдо бўлади, бу эса унинг мослашув имкониятларини кенгайтиради. Руҳий мослашув кишининг шахс сифатида мазкур жамиятнинг талаблари ва шахсий эҳтиёжлари, сабаблари ва манфаатларига мувофиқ равишда ҳаёт кечиришини ўз ичига олади. Руҳий мослашув кенг маънода мазкур жамиятнинг меъёрлари ва кадриятларини ўзлаштириш йўли билан, шунингдек, энг яқин ижтимоий муҳитга – жамоатчилик гуруҳи, меҳнат жамоаси, оилага нисбатан амалга оширилади. Руҳий мослашувнинг асосий кўринишлари кишининг теварак-атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатлари ва унинг ташқи ва ички дунёсини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятидан иборат.

Унда ахлоқнинг мослашувни йўқотишини (дезадаптацияни) муаммоли вазиятни ҳал қилишга эмас, балки унинг чуқурлашувига, қийинчиликларнинг кучайишига ва ундан келиб чиқадиган кўнгилсиз вазиятларга олиб келувчи жараён кўринишида белгилаш мумкин. Ахлоқнинг мослашувни йўқотиш жараёнлари кичик ёшдаёқ, масалан, ижтимоийлаштириш институтлари вазифаларини бажарувчи ижтимоий ролларни, ўқув дастурларини, ижтимоий институтларнинг (оила, мактаб ва ҳоказо) меъёр ва талабларини ўзлаштириш бўйича қийинчиликларда намоён бўлиши мумкин. Мослашувни йўқотишнинг табиати ва хусусиятига қараб ҳам алоҳида, ҳам умумий уйғунликда тасаввур қилиниши мумкин бўлган патоген, руҳий-ижтимоий ва ижтимоий дезадаптацияни ажратиш мумкин.

**Патоген** дезадаптация эндоген ёки экзоген этиологик омиллар таъсири натижасида марказий асаб тизимининг жиддий функционал-органик шикастланишга сабаб бўладиган руҳий ривожланишдан четга чиқишлар ва нуқсонлар, шунингдек руҳий-асаб касалликларини келтириб чиқаради.


**Эндоген** – патогенези генетик (ирсий) жиҳатдан шаклланган ички механизмларга боғлиқ бўлган бузилишлар.

**Экзоген** – ташки моддий муҳит таъсиридан юзага келадиган бузилишлар.

Руҳий бузилишларнинг намоён бўлиш даражаси ва чуқурлигига кўра патоген дезадаптация: эпилепсия (тутқаноқ)лар, шизофрения, олигофрения ва ҳоказо кўринишидаги барқарор ёки сурункали шаклларга эга бўлиши мумкин.

**Психоз** – шахснинг ҳаракатлари бузилишида намоён бўлувчи, унинг дунёқараши, мотивацияси ва хулқини ўзгартирувчи ўткир оғриқли (иррационал) руҳий бузилиш. Шахснинг ижтимоий мослашувга лаёқатсизлиги, унинг муомалага лаёқати издан чиққанлиги, оғриқни сезиш ҳисси йўқлиги, воқелик билан мулоқотни йўқотганлиги билан тавсифланади.

**Эпилепсия** (тутқаноқ) – онгнинг талвасали, таъсирчан, вегетатив ва бошқа тутқаноқлари, қисқа муддатли ёки давомли хуружларида ифодаланадиган руҳий-асаб фаолиятининг пароксизмал бузилишлари.



**Шизофрения** - парчаланиш, мослашмаслик, фикрлар, муомала ва ҳаяжоннинг бўлиниши, руҳий функцияларнинг бўлак-бўлак бўлиб кетиши, воқеликдан четлашуви, фантазиялар пайдо бўлиши ва тизимсиз босинқираш ҳамда шунга боғлиқ ички дунёга ғарқ бўлиш билан кузатиладиган касаллик.

**Олигофрения** – туғма ёки кичик ёшида ирсий, травматик ёки зарарли таъсирлар натижасида орттирилган ақли заифлик.

Патоген дезадаптациянинг энг енгил шакли шахснинг муносабатлари тизимида унинг учун номақбул бўлган ўзаро муносабатлар натижасида юзага келадиган зиддият ёки руҳий шикастланиш ва неврозлар кўринишидаги руҳий-генетик дезадаптация ҳисобланади.

**Неврозлар** – бу турли тизимлар ва органларда функциянинг бошқа (кўпинча иккиламчи) ўзгаришлари билан бир қаторда рухий-асаб фаолиятининг онг ва рухият доирасини сон жиҳатдан издан чиқарувчи функционал бузилишлар.

**Шахс хулқининг меъёрдан чиқиши** – шахснинг беқарор характери, ўзи тўғрисидаги нотўғри тасаввур ва атрофдагилар билан муносабатларининг қийинлашуви оқибатида юзага келадиган бузилишлар.

Уларга: хавотирли бузилишлар, фобиялар, ёпишқоқ обсессив (ёпишқоқ ҳолатларнинг турлари бўлиб, ҳаракат ва кечинмаларда намоён бўлади) - компульсив, конверсион ва шикастланишдан сўнгги (посттравматик) стрессли бузилишлар ва ипохондрия (*ваҳимага тушиши натижасида асабий умидсизлик ҳолати*) киради.

**Хавотирли бузилишлар** – доимий зўриқиш, нотинчлик, қўрқувни ҳис қилиш.

**Фобиялар** – шиддатига кўра кучли ташвишлар, бўрттириб юборилган асосиз қўрқувлар (А расм)



а)



б)

**Обсессиялар** – мияга ўтириб қолган ва кишининг иродасига қарши юзага келадиган фикрлар, шубҳалар, қизиқишлар, қўрқувлар (Б расм)

**Компульсиялар** – истак ва иродага зид равишда юзага келадиган, бегона бўлиб англандиган ва қайсарликда ифодаланishi билан фарқ қиладиган таъсирлар, ҳаракатлар.

**Конверсион бузилиш** – ҳеч қандай физиологик сабабсиз бирон-бир орган ёки бирон-бир тана қисми сезувчанлигининг йўқолиши.

**Шикастланишдан кейинги стресс** – инсоннинг қачондир бошидан ўтказган изтироб ёки жароҳатловчи воқеани доимо янгидан бошидан кечиришга мажбур қилувчи бузилиш.

**Ипохондрия** – ўз соғлигига ҳаддан зиёд эътибор бериш ва у билан боғлиқ муаммоларни ўта даражада бўрттириш.

**Шахвоний девиациялар** – жинсий майл йўналиши ёки уни қондириш усуллари оғрикли бузилиши.

Руҳий социал дезадаптация шахс ривожланишининг жинсий, ёшга оид ва ўзига хос руҳий хусусиятлари билан боғлиқ. Ахлоқнинг бу ҳолатда намоён бўладиган ностандартлиги субъектда ахлоқ сабабларини танлашнинг жиддий чегараланишига олиб келувчи ривожланишдан орқада қолиш, шахсий қолоқлик, паст рефлексивлик ва ҳоказолар сабабли субъектда мавжуд ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар интериоризациясининг етишмовчилиги туфайли содир бўлади.

Бу ҳолда, организм эҳтиёжлари киши томонидан ихтиёрий бошқарувни йўқотади, шахсда уларни онгли мақсадда ифодалаш имконияти мавжуд бўлмайди. Шунинг учун, шахснинг эҳтиёжларини бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади ва қизиқишлар характерини эгаллайди. Агар бу ҳолда индивид бирданига бир нечта майлни ҳис этса, улардан энг кучлиси ғолиб бўлади.

Ўз табиати ва характерига кўра руҳий ижтимоий дезадаптациянинг турли шакллари *барқарор* ва *муваққат беқарор* шаклларга бўлинади. Характернинг психопатияси ёки акцентуацияси кўринишидаги барқарор шакллар генетик, она қорнидаги ёки шикастловчи жароҳатлар (энцефалит, бошнинг шикастланиши) натижасида, шунингдек нотўғри тарбия бериш натижасида вужудга келади. Шахсиятнинг бузилиши бу ҳолда майллар, истакларнинг гиперболизациясида, шунингдек шахснинг ўз олдида имкониятларига мутаносиб бўлган мақсадларни кўйиши ва уларга эришишига тўсқинлик қилувчи характер чизгиларида ифодаланади. Шундай қилиб, биринчи навбатда ҳис-ҳаяжонли, иродали, коммуникатив ёки кўзғатувчи муҳит бузилади, бу эса шахснинг атроф-муҳитга мослашувига халақит беради.

**Психопатия** – руҳиятнинг меъёрдан четга чиқиши бўлиб, унда шахснинг мутаносиб равишда ривожланиш, субъектив ҳиссий тажриба ва мувозанатдаги ҳис-ҳаяжонли хулқини намоён қилиш лаёқати камаяди.

**Характер акцентуацияси** – меъёрнинг энг кескин варианты бўлиб, унда характернинг алоҳида хислатлари устунлик қилади.

Руҳий-ижтимоий дезадаптациянинг муваққат беқарор шакллари, авваламбор, ўсмирлик ёшидаги ривожланишнинг танглик даврлари ва танглигининг руҳий-физиологик хусусиятларини киритиш мумкин. Маълумки, шахс ўсмирлик ёшида суяк-мушак ва юрак-томир тизими жадаллашган ва нотекис ривожланаётган, жинсий етилиш билан бирга содир бўладиган "эндокрин бўрон" билан тавсифланувчи глобал руҳий-физиологик ва руҳий-ижтимоий ёшга боғлиқ тангликни бошдан кечиради. Ҳаётининг бу даврида ўсмир жинсий масалаларга кучли қизиқишини намоён қилади, тенгдошлари билан мулоқот қилишга ва ўз шахсиятининг аҳамиятини кўрсатишга интилади. Унда ўзини ўзи баҳолаш ва ўзини англаш фаол шаклланади, у катталардан ажралиб туришга ҳаракат қилади, улар билан зиддиятга боради. Бунинг оқибатида ҳам атрофдагилар учун, ҳам ўсмирнинг ўзи учун ўта қийин бўлган ўсмирлик дезадаптациясининг вақтинчалик кўринишларига олиб келади.

Руҳий-ижтимоий дезадаптациянинг муваққат шакллари, шунингдек мактабдаги, уйдаги, тенгдошлар билан юз берган зиддиятли вазиятлар, илк муҳаббат ташвишлари ва ҳоказолар оқибатида вужудга келиши мумкин. Атрофдагиларнинг шаклланган талабларига ёки шаклланган шахсий идеалга мос келиш имконияти йўқлиги аффектив асабий ташвишларга ва ҳатто ёш учун хос бўлган руҳий-соматик парокандаликка, масалан, анорексия ёки булимияга олиб келиши мумкин.

**Анорексия** – кучли вазн йўқотиш билан кечадиган овқат ейишдан узоқ муддат бош тортиш.



Анорексия очликдан мажолсизланишдан иборат бўлиб, бу, хусусан, ҳайз келишини бостиришга олиб келади. Айрим муаллифлар анорексияни ҳомиладор бўлишни «кейин»га қолдириш қобилияти сифатида тавсифлайдилар ва уни тўхтатиб қўйилган шахвонийлик орқали келгусида муваффақиятли уруғланиш учун зарур маҳоратни шакллантиришга имкон берувчи соддалашган усул деб ҳисоблайдилар. Бу уларнинг эрта постпубертатли балоғатга етиши билан боғлиқ ёмон ижтимоий ва репродуктив истикболли қизларнинг ривожланиш траекториясини ўзгартириш имконини беради. Ўсмирнинг руҳий-ижтимоий дезадаптациясини енгиш, авваламбор, катталар, ўқитувчилар ва ота-оналардан катта педагогик маҳоратни, хушмуомалаликни, алоҳида ҳолларда эса – ўзини ўзи баҳолашни яхшилаш, коммуникатив малакани шакллантириш, салбий йўл-йўриқларни бекор қилиш, ҳиссий-иродали муҳитни ривожлантириш ва ҳоказолар бўйича махсус руҳий-ижтимоий ва руҳий-даволаш техникаларини қўллашни талаб қилади.

**Булимия** – овқатни орқасидан ич сурувчи ёки қайт қилдирувчи восита ичиладиган даражада назорат қилмасдан ютиш.



Ижтимоий дезадаптация одоб-ахлоқ ва ҳуқуқнинг бузилиши, ахлоқнинг антисоциал ёки асоциал шакллари ва ички бошқарув, референт ва қимматли йўналишлар, шахс ижтимоий йўл-йўриқлари тизимининг бузилишида намоён бўлади. Ижтимоийлаштиришнинг деформация жараёни даражаси ва чуқурлигига қараб ижтимоий дезадаптациянинг икки: педагогик ва ижтимоий қоқоқлик босқичини ажратиш мумкин.

Ижтимоийлаштириш (лотинча *socialis* - ижтимоий) – шахс томонидан ижтимоий тажриба, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар тизимини ўзлаштирилиши жараёни.



Ижтимоийлаштириш жараёнида инсон жамиятда нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ишонч, ахлоқнинг ижтимоий маъқул шаклларига эга бўлади. Педагогик қаровсизликда, ўқишдаги қолоқлик, дарсларни қолдириш, ўқитувчилар ва синфдошлар билан зиддиятларга қарамай, субъектларда қимматли-меъёрий тасаввурларнинг кескин деформацияси кузатилмайди. Бу ҳолда, шахс учун меҳнатнинг қадри етарли даражада баланд бўлиб қолади, у касб танлаш ва уни эгаллашга йўналтирилган бўлади, унинг учун атрофдагиларнинг фикрлари фарқсиз бўлмайди, ижтимоий ва референт муносабатлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Ижтимоий қаровсизликда асоциал ахлоқ билан бир қаторда қимматли-меъёрий тасаввурлар, қимматли йўналишлар, ижтимоий ҳукмрон ғоялар тизими кескин деформацияланади, меҳнатга салбий муносабат, тирикчилик учун шубҳали ва ноқонуний воситалар ҳисобига меҳнатсиз даромадлар топиш ва «чиройли ҳаётга» эришиш мақсади ҳамда унга интилиш истаги шаклланади. Бундай шахсларнинг референт муносабатлари ва қимматли йўналишлари позитив йўналишли ижтимоий алоқалар ва ижтимоий институтларнинг шахслардан анчагина бегоналашиши билан тавсифланади.

Ижтимоийлаштириш деганда, инсонларнинг ўтиб кетган авлод-аждодлари ва ҳозирги яқинлари томонидан ҳосил қилинган ва атрофдаги моддий ва маънавий борликда мужассамланган ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий қадриятлар тажрибасини (нутқ ва билимлар, инсон тафаккури ва онги, атрофдаги оламга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари, маҳорат ва билимлари, меъёрлар, одатлар, сифатлар, эҳтиёжлар, қобилият ва ҳоказо) бутун кўп қиррали жараёнини тушуниш керак. Бироқ, инсон цивилизациясининг ютуқларини ўзлаштириш турли шахсларда муваффақият билан бир хилда давом этмайди.

Ўсмирнинг девиант ахлоқини диагностика қилиш учун психологлар томонидан «қарши ҳаракат» деб номланувчи мезонлар ишлаб чиқилган. Бундай ҳолда, улар ижтимоий, ўқув ёки шахслараро соҳадаги бузилишлар билан боғлиқ экстернал девиацияни (нафрат, душманлик, тажовуз, ўғрилиқ, ёлғон) ўз ичига олади.

Ўсмирдаги девиант ахлоқнинг муомала белгилари (DSM – IV бўйича)

- ҳис- ҳаяжонли портлашлар;
- катталар билан жанжаллар;
- катталарнинг қоидалари ёки илтимосларини менсимаслик ёки бажаришни рад этиш;
- бошқа одамларни жўртгага безор қилиш;
- ўз хатоларида бошқа бировларни айблаш;
- жиззакиликнинг энг кескин даражаси;
- баджаҳллик, дарғазаблик, қасоскорлик, кек сақлаш;
- ҳақоратлар ва уятсиз сўзларни тез-тез ишлатиш.



Тадқиқотларга кўра, бундай тажовузкорлик, гипперфаоллик ва ота-оналари билан ўзаро муносабатларда қийинчилик аломатлари яққол кўриниб турган болалар каттароқ ёшга етганларида ҳаётда бундай муаммолари бўлмаган болаларга нисбатан беш марта кўпроқ жиноятчи ёки ичкиликбоз бўлиб етишганлар.

Шахсни ижтимоийлаштириш умумий жараёнининг бир қисми уни ҳуқуқий ижтимоийлаштириш бўлиб, унинг моҳияти шахс томонидан ҳуқуқий кадриятларнинг ўзлаштирилиши, уларни ўз ҳаёти ва ахлоқининг меъёрларига, шахсий сифатларига айлан-тиришидан иборат.

Ўз ҳуқуқини таниш – юридик аҳамиятга эга бўлган вазиятларда инсон ахлоқини тартибга солувчи юридик билимлар, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётига бўлган баҳоловчи муносабатлар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар ва қимматли йўналишлар шаклидаги ҳуқуқий борлиқни акс эттирувчи жамият, гуруҳ ва индивидуал онг доирасидир.

Ҳуқуқий ахлоқнинг ҳар қандай ҳаракатида албатта, унда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқий онги намоён бўлади. Бунинг

аниқ бир ҳуқуқ меъёрини билиши ёки билмаслиги, давлат ҳокимияти, қонун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нуфузининг турли даражаси, амалдаги ҳуқуқий тақиқлар ва уларни бузганлик учун ҳуқуқий санкцияларнинг мавжудлиги ва унга нисбатан шахснинг салбий муносабати билан тавсифланиши мумкин.

Оғувчи ахлоққа эга бўлган кишиларнинг катта қисми умуминсоний қадриятлар ва ахлоқ меъёрлари ҳақида тасаввурларни эслаб қолади, лекин бир қатор сабабларга кўра ўз хулқидаги бу меъёрларга таяна олмайди ёки турли мотивацияланган ҳимоя механизмлари билан ўзининг жамоатчиликка зид оғишларини оқлашга ҳаракат қилади. Руҳий ҳимоя механизмлари - субъект учун оғриқли, чидаб бўлмайдиган ташвишларга қарши ҳимоя усули бўлиб, унинг борлиқни, «Мен» (образ)ини ёки ташқи дунёни бузиб кўрсатиш кабиларнинг натижасидир.

Шундай қилиб, оғувчи ахлоқ ўзини намоён қилишнинг кенг шаклларига эга. Девиант ахлоқ намоён бўлиши хусусиятларининг дифференциациясини ўтказиш учун замонавий психологиянинг кўйидаги қоидаларига таяниш зарур.

1. Гарчи психопатологик бузилишлар мавжуд бўлган барча субъектларнинг ахлоқи девиант деб ҳисоблансада, девиант ахлоқнинг ҳар қандай тури орқасида ҳам психопатология яшириниб ётавермайди.

2. Руҳият бузилишлари, яъни когнитив, ҳис-ҳаяжонли ва бошқарувчи жараён, жараёнлар боришидаги бузилишлар албатта, шахснинг нуқсонини белгилаб бермайди.

3. Бузилишларнинг бир қанча кўринишлари шаклланишида органик омилларнинг роли дезадаптив таъсирланишларга ўрганиш имкониятини инкор этмайди.

Бу ҳолда, дезадаптациянинг турли шакллари кўриб чиқиладиган ҳолатнинг даражаси ўз характерловчи белгилари бўйича яқин бўлган маълум гуруҳлар кўринишида тасаввур этамиз.

Биринчи гуруҳни шахснинг делинквент ахлоқи (лот. *delinquens* – жиноий хулқ, қилмиш) вакиллари гуруҳи ташкил этади. Унга юқорида қайд этиб ўтилган тоифадаги жиноятчилар, шунингдек фоҳишалар ва маълум яшаш жойига эга бўлмаган дайдилар ҳам киради.

*Делинквент ахлоқ* – ушбу жамиятда ва айна вақтда ўрнатилган ҳуқуқий меъёрлардан оғишган, жамоатчилик тартибига хавф солувчи муайян шахс ҳаракати<sup>1</sup>.

*Делинквент шахс* – кескин оғувчи ахлоққа эга бўлган жиноий жазога мос ҳаракатларни намоён қилувчи субъект.

Иккинчи гуруҳга кишининг ўзини ўзи барбод қилувчи, яъни ахлоқи ва ҳаракатлари орқали, руҳияти ёки яхлит организмнинг янада тезроқ ёки секинроқ ва тиклаб бўлмайдиган емирилишига олиб келувчи ахлоқи вакиллари киритилган. *Бу - ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, ўз жонига қасд қилувчилардир.*

Ва ниҳоят, учинчи гуруҳни кишининг меъерий бўлмаган ахлоқи вакиллари ташкил этган бўлиб, унинг таркибига турли руҳият бузилишлари билан касалланган кишилар киради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Комилова Н.Ф. хулқи оғишган болалар психологияси. Услубий қўлланма.* – Т., 2008.

---

---

**II боб. ДЕЛИКВЕНТ АХЛОҚ ВА АГРЕССИВ  
ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАРИ**

**1-§. Деликвент ахлоқ – девиант хулқ-атворнинг  
шакли сифатида**

Деликвент (қонунга зид, антиижтимоий) ахлоқ муаммоси кўплаб ижтимоий фанларнинг тадқиқоти учун асосий ҳисобланади. Қонунга зид ахлоққа нисбатан турли ёндашувлардан фойдаланилади. Психологик адабиётларда уни кўпинча деликвент ахлоқ сифатида кўрсатадилар. *Delin-quent* сўзи лот, «ножўя хатти-ҳаракат, айбдорлик» маъноларини англатади. Бу атама остида биз шахснинг қонунга зид ахлоқи – ушбу жамиятда ва ушбу вақтда ўрнатилган қонунлардан оғишган, бошқа одамлар ёки ижтимоий тартибга, тинчликка хавф солувчи ва ўзининг охириги кўринишларида жиноий жазоланадиган аниқ шахснинг ҳаракатини тушунамиз<sup>1</sup>.

**1. Биологик-генетик ёндашув.** Биологик омилларнинг шахснинг оғувчи ахлоқи шаклланишига ва келгусида жиноят содир этишга мойиллигига жиддий таъсирини биринчи бўлиб таниқли италиялик олим ва криминалист Чезаре Ломброзо таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, биологик белгилар ташқи қиёфа ва ахлоқда қай даражада ўз ифодасини топишига қараб, жиноятчи шахси тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Тадқиқотнинг асосий усуллари сифатида Ломброзо антропометрик характеристикаларни ҳам кузатиш усулини қўллаган ва улар ёрдамида киши қиёфасини баҳолаш аломатлари тизимини ажратган. Бу аломатлар туғма жиноятчинини тўғри кишидан фарқлаш имконини берди. Бунинг устига, Ломброзо кишининг ташқи белгиларига кўра ҳатто жиноятчиларнинг алоҳида тоифаларини дифференциаллаштириш (табақалаштириш) мумкин деб ҳисоблаган.

Шундан кейин, Ломброзо жиноятчилар оилаларининг генеалогик жадваллари ва кадастрларини тузиш билан шуғулланиб,

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Комилова Н.Ф.* Хулқи оғишган болалар психологияси: Услубий қўлланма. – Т., 2008.

жинойй ахлоқнинг ирсий омиллар шаклланишида улкан рол ўйнашини таъкидлади. Мазкур ҳолатни у атавизм кўринишига – авлодларни бир неча авлод орқага улар аجدодларининг жиноий ўтмиш(лар)ига қайтарувчи руҳий ривожланиш регрессига киритди. Атавизм ёки авлод наслининг бузилиши аломатлари олим томонидан деликвентнинг сусайиб қолган сезувчанликда, "ҳиссиёт тўмтоқлиги"да ва унинг атрофдаги инсонларнинг дарди ва қувончидай ҳиссий таъсирланишга лаёқатсизлигида намоён бўлувчи ўзига хос ахлоқий телбалик ("moral insanity") сифатида кўриб чиқилади. Шундан сўнг, Ломброзонинг фикрига кўра, бу субъект идентификациясининг ўзи яшаётган жамият аъзолари билан алоқасининг узишга олиб келади. Ҳозирги вақтда Ломбозо томонидан белгилаб берилган жиноятчи шахсининг пушаймонликни инкор этишга сабаб бўлувчи ахлоқий ҳиссиёти ва умуминсоний қадриятларни тан олиш лаёқатининг ривожланмаганлиги хусусиятлари жиноят оламида етарли даражада кенг тарқалган.

Ломбозо томонидан таъкидланган насл бузилишининг бошқа белгиси деликвент хулқнинг «Каиннинг муҳри»<sup>1</sup> сифатида изоҳланган татуировкалар (баданга тасвирлар чизиш) чизишга бўлган кучли истакдир. Ҳозирги вақтда татуировкалар жиноят оламининг ўзига хос тимсоли бўлиб қолган. Улар ҳуқуқбузарлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар белгиларидир. Баданнинг турли қисмларидаги татуировкалар ўз мазмунига ва чизилган жойига қараб жиноятчига руҳи, ихтисоси бўйича аниқ бир жиноят иши бўйича яқин бўлади (қабр хочи - қотил "тури"; татуировка қилинган доллар – босқинчилик содир қилган; қизларнинг кўлидаги учта нуқта – ўғри ва ҳоказолар), уларни ташувчиларнинг таъблари ҳақида кўп нарса айтиб бериши (аёллар, қадахлар, шприц ва бошқа тасвирлар), айрим биографик маълумотларни билдириши («тарбияланган» муассаса, туғилган йили ва бошқалар), маълум бир жиноий тўдага аъзолигидан далолат бериши мумкин (панжара, хоч, карталар, шприц ва бошқалар). Бундан ташқари, бошқа алоҳида белгилар орасида татуировка унинг қимматини, фикрлаш тарзини, мақсадини акс эттирувчи мустаҳкам шахсий хусусиятларидан дарак беради.

---

<sup>1</sup> Каин бу ерда – Одам Ато ва момо Хавонинг ўғли Қобил номи билан боғлиқ.

## Татуировкаларнинг маъновий диагностикаси<sup>1</sup>

**Капалак** – озодликка интилиш ("Қаерда истасам, шу ерда қанот қоқаман") ва ҳатто қочишга мойиллик ("Учиб кетишим ҳам мумкин"). Кўпинча бўйин асоси олдига ва билакларга чизилади.

**Қоплон** - "Ур, фаол, шохни кес" худди қисқартма сўзларидек маънога эга. Оғзи иржайган ҳолдаги қоплон калласининг тасвири куч-қудрат, ғазаб ва душманга нисбатан шафқатсизликни англатади.

**Кўзлар** – тасвир қориннинг пастки қисмига ёки елка соҳасига чизилади ва ортиқча безак характериға эға бўлади. баъзан татуировка эғаси фаол бесоқолбоз эканлиғиға ишора қилади. Бундай ҳолда, у психологик жиҳатға эға бўлиб, унинг эғаси "Тубан эмас" лиғини кўрсатади. Орқа томондаги бўйин асоси олдидаги тасвир унинг ташувчиси тажрибалилиғи ва ўзига нисбатан ҳеч қандай нохушликларға йўл қўймаслиғидан далолат беради ("орқани кўряпман"). Думбада жойлашган татуировка, қоидаға кўра, пассив бесоқолбоз ёки "тубан" эканлиғини англатади.

**Жин** – гиёҳвандлар орасида кенг тарқалган.

**Кўнғиз** – бу тасвир худди аббревиатура кўринишида учрағани каби, расм сифатида ҳам учрайди ва " ўғрилиқда муваффақият тилайман" деган маънони англатади. Татуировка эғаси ўзини ўғри ёки ўғрилиқ учун судланган деб ҳисоблайди.

**Юлдуз** – тиззаға чизилган тасвир уларнинг эғаси жиноий фаолиятиға чек қўймаганлиғи ва муассаса ички тартиби талабларига бўйсунмағанидан далолат беради.

**Кўнғироқ** - тўлиқ ўтаб бўлинган жазо муддати; шунингдек татуировка эғаси «кўнғироқ қилишини», яъни муддатни тўлиқ ўташини англатади.

**Илон** - қаҳри қаттиқлик, эҳтиёткорлик ва донишмандлик тимсоли.

**Бўйинни ёриб ўтган ханжар** -- татуировка эғаси озодликдан маҳрум этиш жойларида юриб, янги жиноят содир қилганлиғини англатади.

**Мушук** – ўғрилиқ ва босқинчиликка мойиллик.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Капитанский А., Литвин В. Искусство криминальной татуировки / The Art of Criminal Tattoo. Логос. 1998. 35с.

**Шер** - " ҳокимлик тимсоли", татуировка эгасининг обрў-эътиборга эга эканлигини англатади.

**Курбақа** – тасвир бошнинг сочли қисмига туширилади ва унинг эгаси лагер ҳаётида ақли бойиган, бир неча марта судланган ("пиёда") ва "бутун онгли умрини шу ботқоқда ўтказган» эканини англатади. Шунингдек курбақа тасвири энса соҳасида ҳам учраб туради, бу эса "ишонч бўлмаса – қувиб ўтма", яъни «олдиндан келишмай туриб ҳеч қандай ҳаракатлар қилма» маъносини англатади.

**Бургут** – куч-қудрат, озодлик ва ҳокимлик тимсоли. Муқаддам «ўғрилиқ» мартабаси ҳисобланган, шунинг учун ҳозирги вақтда «ўғрилиқ қонунини ҳурмат қиламан» маъносини англатади.

**Ўргимчак** - қоидага кўра, ўргимчак тўрида тасвирланади ва гиёҳвандларнинг татуировкаси ҳисобланади. Баъзан татуировка эгасини «ҳокимлик чирмаб ташлаган»лигини англатади. Тасвир эгасининг баданида қанчалик юқорида чизилган бўлса, у ўзини шунчалик тузатиб бўлмайдиган деб ҳисоблайди. Елкада, бошнинг сочли қисмида ва қулоқ супрасида учрайди. Бу унинг озодликдан маҳрум этиш жойларида узоқ муддат бўлганлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ўта салбий муносабатини ифодалайди.

**Денгиз қароқчиси** – босқинчиликка, безориликка мойиллик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан салбий муносабатни англатади. Штурвал олдидаги қуролланган қароқчи тасвири: "Ўлжа изляпман" деган маънони англатиши мумкин.

**Фил** – озодликка чиққанидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан ўч олиш мақсади.

**Татуировкаларнинг кўринишлари.** Ломброзо томонидан белгилаб берилган биологик табиатга эга бўлган навбатдаги диагностик аломат – бу ташқи қиёфада ҳам ахлоқ, ҳам соф «эркакча» белгиларнинг яққол устунлигидир. Эркак ва аёлнинг мардликка, совуқликка, таваккалчиликка, жисмоний куч ва чидамлиликка мойилликда ифодаланувчи хос фарқлари делинквентда зўрлик ва тажовузга, шафқатсизлик ва нафратга мойиллик, қуролга, ичкилик ичишга ва тамаки чекишга бўлган иштиёқ шаклида акс этади.



Шахснинг оғувчи ахлоқига таъсир кўрсатувчи бошқа жиддий биологик омиллар, Ломброзонинг фикрича<sup>1</sup>, кишининг руҳий парокандалиги ёки телбалиги ҳисобланади. Бундай ҳолда, тутқаноқли ва аффектив касаллар учун хос бўлган руҳий бузилишлар асоссиз тажовуз кўринишида, автоматик равишда, кўринмас ташқи сабабсиз, шунчаки у ёки бу жиноий қилмишни содир этишда, кескин руҳий кўзғалиш оқибатида намоён бўлиши мумкин.

Ломброзонинг жиноятчи ва фоҳишанинг ўхшашлиги ва кейинги ахлоқий хусусиялари ҳақидаги хулосаси шак-шубҳасиз криминал назарияга қўшилган ҳисса бўлди:

- фоҳишалар барвақт юзага келган ахлоқсизлик, рашк ва шафқатсиз қасоскорлик, умуман ҳеч қандай ахлоқий ҳиссиётларнинг йўқлиги ва ўзганинг мулкига ҳурматсизлик, хусусан альтруистик туйғулар ва бирон-бир дўстликнинг батамом мавжуд эмаслиги билан тавсифланади;

- уларда оналик ва қариндошлик ҳислари умуман бўлмайди;

- фоҳишалар орасида кўпинча ўғрилик ва унда иштирокчилик, шантаж кенг тарқалган бўлиб, улар дамба-дам тана дахлсизлигига қарши жиноятлар содир қиладилар;

- фоҳишаларга спиртли ичимликларга бўлган иштиёқ ҳам хосдир;

- уларга очкўз ҳирс хосдир ва шу вақтнинг ўзида уларнинг жиноий иштиёқлари уларда жиноят сабаблари бўлиб хизмат қилмайди, чунки жинсий соҳада улар тез қониқиш оладилар;

- фоҳишаларда уятчанлик ҳисси бўлмайди ва уларда кеккайиш кучли ифодаланган;

- фоҳишалар баъзан ҳайвонларга яхшилик қилиш ва уларга меҳрибонлик кўрсатишни намоён этадилар, бу эса уларнинг одатий худбинлиги ва атрофдагиларга бефарқлиги билан номутаносиб равишда ифодаланади;


- улар ақл борасида чекланганлиги ва болаларга хос яхши етилмаганлиги, татуировкаларга бўлган муҳаббат, эстетик фаросат ва сертакаллуфликлари билан ажралиб туришади;

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ломброзо Чезаре. Женщина преступница и проститутка.* – Поппури, 2004.– 42 с.

- фоҳишалар, худди жиноятчилар каби, ўз махсус жаргонларига эга бўладилар;
- уларда ўйинларга, ширинликларга, очкўзликка иштиёқ кучли бўлади;
- улар ялқовликни ёқтиришади, енгилтаклик, мулоҳазасизлик ва режасизлик улар учун хосдир.

### **Фоҳишалик ва жиноятчилик**



Жиноятчи ва фоҳишалар анатомик ва психологик муносабатларда ўхшашдирлар. Худди биридаги каби, бошқасида ҳам ахлоқий туйғуларнинг худди ўша нуқсонларини, ўша тошбағирлик ва эрта пайдо бўлаётган ёвузликка мойилликни, жамоатчилик фикрига бефарқликни кўриш мумкин. Шулар туфайли бири жиноятчининг, бошқаси эса фоҳишанинг ҳолатига бир хилдаги эҳтиётсизлик, енгилтаклик ва ялқовлик, кеккайиш ва шовқинли ўйин-кулгига, айш-ишрат ва кайф-сафога иштиёқ каби осонгина кўникади. Фоҳишалар орасида ҳайратомуз равишда ўғрилик, товламачилик ва тан жароҳати етказиш каби нисбатан енгил жиноятлар содир этиш тарқалган. Психологик нуқтаи назардан фоҳиша худди ўша жиноятчига ўхшайди, агар у жиноят содир этмаётган бўлса, бунинг сабаби – унинг жисмоний заифлиги ва ақлий ривожланиши чекланганлигидадир, яна ундан ортиғи, фаҳшда у ўзининг барча истакларини қондириш воситасига эга ва шунинг учун энг кам энергия сарфлаш қонунига кўра, у айнан шу воситани бошқасидан устун қўяди. Шундай қилиб, фоҳишалик аёллар ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос шаклидир. Оғир ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган ҳақиқий жиноятчи аёллар, ҳар доим ўзларида у ёки бу жиҳатдан йирик аномалияларга

эга бўлган ҳолда, эркаклардан анча устун бўлган ғаройиб ахлоқий бузуқлиги билан ажралиб туришади ва биологик нуқтаи назардан караганда соф эркакча характерга эга бўладилар – бир сўз билан айтганда, уларга аёллик хусусиятларидан мустасно аёллар деб қараш керак. Шундай қилиб, бизнинг ҳақиқий аёллар жиноятчилигини айнан фоҳишаликда кўриш мумкинлиги тўғрисидаги нуқтаи назаримиз тасдиғини топади. Энди бизга нима учун фоҳишалар орасида айнан енгил, аҳамиятсиз бўлган жиноятлар устун туриши тушунарли бўлади. Ўз табиатига кўра, жиноятчи бўлганлари ҳолда, улар ҳамма жиноятчилар учун умумий бўлган йўлдан, лекин фақат маълум чегараларга қадар боришади, ушбу чегаралар орқасидан эса жиноятчилик энди ўзгача, ўзига хос шаклда, фоҳишаликда намоён бўла бошлайди. Биз ёшлигида ўғри бўлган, улғайганидан кейин эса ўғрилиқни ташлаб, фоҳишага айланган кўп қизларни билардик<sup>1</sup>.

Ломброзо назариясининг издошлари орасида девиант шахснинг шаклланишига эволюцион ёндашув муаллифи В.В. Джосни эслатиб ўтиш зарур. Жонли табиатнинг эволюцион ривожланиши, Джоснинг фикрига кўра, "homo sapiens" - табиат неъматини бўлган «онгли одам»ни яралишида тўхтаб қолмади, балки ўзининг тур ичида ривожланишини давом эттирмоқда. Одамнинг эволюцион ривожланиши натижасида уни икки турга: олий тур - homo pontific – оламга рационал ва иррационал муносабатини бирлаштира олган одамлар, ва қуйи тур - деликвентлар, homo criminalis - ўз истакларини асабий равишда бошқарадиган одамларга ажратилади. Джосанинг фикрига кўра, айнан деликвентлар, эволюцион (ривожланиш) зинапояда ҳаммадан кўра ҳайвонларга яқин турадилар, чунки уларнинг ташвишларидаги акс эҳтиёж бевосита фаолликларини асослайди, уларнинг бу эҳтиёжларни қондириш борасидаги ҳаракатлари эса ғайриихтиёрий ва импульсив равишда содир этадилар. Ҳолбуки, бу эволюцион ривожланиш кишининг ўз эҳтиёжларини қондиришини ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўз инстинктига асосан эмас, балки ўзининг ўтмишдаги тажрибаси ва кўзлаган мақсадига асосан амалга оширади. Зеро мақсадни кўзлаш, худди борлиққа

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ломброзо Ч. Гениальность и помешательство. – М., 1995 – С. 275

рационал ёндашув каби, иррационал ёндашувга ҳам асосланиши мумкин, деб ҳисоблайди Джос.

Бу дунёдаги барча ўзгаришлар мазкур мантиқни ўзлаштирган киши учун тушунарли ва олдиндан маълумдир. Ўз ахлоқини бу мантиққа бўйсундирган кишининг ҳаракатлари доимо олдиндан кутилган натижага олиб келади. Ўз эҳтиёжини қондириш учун одам ўзи учун фақатгина уни кўзланган мақсадга олиб келувчи ҳаракатларни танлайди.

Иррационал дунёда ҳамма нарса инсонга номаълум бўлган қонунлар, гўёки тасодифан, лекин кимнингдир хоҳиши билан содир бўлади. Инсон бу дунёда гўёки таваккалига ҳаракат қилади. У олдида мақсадлар қўяди, келажакни олдиндан сезади, бироқ бунга тўлиқ ишонч ҳосил қила олмайди. Иррационал олам кимгадир хайрихоҳ бўлиши мумкин, бундай одамнинг «омади юришади», ёки аксинча, душманлик руҳида бўлиши мумкин, ундан "омад юз ўгиради". Иррационал дунёда худди рационал дунёдаги каби ўз фаолиятини режалаштириш мумкин. Аммо агар инсон ўз иқтидорига ортиқча баҳо бериб юборса, манзилга тошбақадан олдин етиб боришига ишониб, ярим йўлда қолиб кетган куённинг аҳволига тушиб қолади. Иррационал дунёда бутунлай ҳамма нарсани билиш мумкин эмас, чунки иррационал олам – бу объектив умумий оламдир. Инсон учун у доимо - "кимникидир", бу дунёда у фақат "меҳмонда" бўлиши мумкин, холос. Рационал олам эса субъективдир, инсон бутун ҳаёти давомида ўзини бошқа одамларнинг рационал фикрлари билан текшириб, уни объективликка яқинлаштиришга интилан ҳолда тиклайди. Лекин бу объективлик доимо нисбийдир.

Рационал ва иррационал дунё нисбати турли одамларда сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Масалан, ёввойи ёки қабила бўлиб яшайдиган халқларда оламга нисбатан иррационал, ривожланган (маданийлашган) халқларда эса - рационал муносабат устун туради. Бироқ мақсадни кўзлашнинг ривожланиш аънанаси мазкур қутбларнинг ажралиб кетишида эмас, балки секин-аста яқинлашувида ётади. Бундай ҳолда, деб ҳисоблайди Джос, кишининг ривожланиши инсониятнинг инсон-жиноятчидан тақводор бўлишга – худо томонга юз буришини эслатади.

Вақт ўтиши билан, таъкидлайди Джос, эволюцион ривожланиш, табиий саралаш орқали ўтиб, кишининг ҳозирча ягона

кўринишини икки турга бўлади. Олий тур – (ўзини худо деб даъво қилувчилар) понтифексменлар - ва қуйи, делинквентменлар деб номланувчи понтифекс-одам ва одамсифат маймун ўртасидаги оралиқ кўринишдаги одамлар. Джоснинг фикрича, мазкур бўлинишни, инсониятни «одамлар» ва «одам эмаслар»га ажратиш унча катта хато бўлмайди. Зеро, делинквентменлар турининг шаклланиши бирламчи ҳисобланади ва айнаи вақтда, понтифексменлар туридан кўра ўнгланиш эҳтимоли мавжуд.

### Делинквентменлар. Улар кимлар?



(Скинхедлар)

Ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш диалектикаси уларда йиртқич ҳайвонларга ўхшаб "фақат истеъмол қилиш учун" соддалаштирилган. Ишлаб чиқариш ўрнига – истеъмол маҳсулотларини уларнинг қонуний эгаларидан зўрлик билан олиб қўйиш. Шунинг учун, улар фақат товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар бўлсагина вужудга келиши мумкин. Мулкни олиб қўйиш ва одамларга зўрлик ишлатиш бўйича акциялардаги муваффақият қудратлилик хомхаёлини, худога нисбатан тажовузкорона муносабатни пайдо қилади. Лекин омадсизлик (қамок, айниқса, ўлимга маҳкумлар камераси) бундай шахсларни мутаассиб, художўй қилиб қўяди. Уларнинг ҳаёти қолган инсонлардан кўра икки-уч марта қисқароқ бўлиб, ўлим кўп ҳолларда зўравонлик орқасида ёки қамокда орттирилган сурункали касалликлар оқибатида содир бўлади. Бу турдаги шахсларда худуд учун кураш, баъзан ўта шафқатсиз ва қонли кураш билан кечади. Аффектнинг устунлик қилиши уларни оддий одамларга нисбатан ўта таъсирчан қилиб қўяди. Улар ўғирланган нарсаларни

«камбағаллар» ва «бахтсизлар» билан бажонидил бўлишишлари мумкин. Куч ва кучлилар, айниқса ҳокимиятга эга бўлганлар олдида эҳтиром кўрсатишади, зеро, онгсиз равишда улар ўзларини улар билан тенглаштирадilar. Уларнинг «ҳокимиятга кириш»га интилишлари шундандир. Қамокда табиий равишда аёлларнинг жинсий хизматларига жуда катта талаб юзага келади. Кучли маҳбуслар мазкур талаб тазйқиқа қарши тура оладилар, заифлар эса – ён босадилар. Тур ичида икки гуруҳга бўлиниш юз беради: "эркаклар" ва "тубанлашганлар" ёки "хўрозлар". Кучлилар гуруҳи доирасида ўз жинсий аслзодалари - "қонундаги ўғрилар" ажралиб туради. Делинквентменлар тури ўлимнинг кўплиги ва одамларнинг оралиқ туридан янги аъзолар оқими ҳисобига юқори даражада янгиланувчанлиги билан ажралиб туради. Бу эса турнинг бусиз ҳам етарли даражада хавфли бўлган юқори даражада мослашувчанлигидан далолат беради. Қуйи тур вакиллари катта бўлмаган, лекин яхши кўриқланадиган, улар кўпая олмайдиган жойда сақлаш билан олий турни қуйи турдан хавфсизлантириш мумкин. Бироқ бу усулнинг самарадорлиги турнинг янгиланиш даражаси юқорилиги сабабли пасаяди. Худди шу сабабга кўра геноцид<sup>1</sup> ҳам самара бермаслиги мумкин.

### Ўғрилар тилининг (арго) қисқача луғати<sup>2</sup>

**Актив** – АТМ маъмурияти билан ошкора ҳамкорлик қилувчи маҳкумлар.

**Баклан** – безорилик учун қамалган маҳкум.

**Баланда** – ЖИМ ошхонасидаги овқатнинг умумий номи.

**Бандерлоглар** – вояга етмаганлар орасидаги иерархик зинапояннинг қуйи поғоналарига мансуб маҳкумлар йиғиндиси.

**Батек** – вояга етмаганлар камерасидаги вояга етган маҳкум.

**Беспредел** - қонунни бузишнинг сўнгги даражаси.

**Блатной** – жинсий муҳитда ҳурматга эга бўлган қонундаги ўғриларга яқин бўлган жиноятчи тоифаларидан бири.

---

<sup>1</sup> Империализм ва фашизмнинг ирқий, миллий ёки диний ваз билан аҳолининг бирор тоифасини киришга қаратилган сиёсати; инсониятга қарши энг оғир жиноят.

<sup>2</sup> Қаранг: *Джос В.В.* Постдарвинизм или эволюция человека в судьбоанализе.

**Братва** (биродарлар) – ўғрилиқ анъаналарига риоя қилувчи маҳкумлар йиғиндиси.

**Бродяга** (дайди) - ўғрилиқ анъаналарига риоя қилувчи маҳкум.

**Бухгалтер** – маҳкумларнинг жирканч тоифаларидан бири (бирон нарсада айб қилган маҳкумнинг қулоғи орқасига жинсий аъзоларини қўйишади).

**Қонундаги ўғри** - жинойи иерархиянинг олий поғонаси.

**Ўғрилар туси** – бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи ўғрилар гуруҳи.

**Ганс** – югурдақ одам.

**Ўчирмоқ** - ўлдирмоқ.

**Йўл** – колониялар ўртасидаги ёки колониялар ва эркинлик ўртасидаги махфий алоқа.

**Жиган** – ўғрилиқ қонунига риоя қилувчи жиноятчи-рецидивист.

**Ҳаёт** – одамнинг жиноят оламида эгаллаган мавқеи.

**Заточка** – ўткир чархланган штир.

**Игрулька** – янги келган аъзони жинойи ҳамжамиятга «прописка» қилиш, қабул қилиш ишларида қўлланиладиган топишмоқ тури.

**Кабур** – камералар орасида яширин очилган тешиқ.

**Кипиш** – тўполон, жанжал.

**Кондуктор** – бошқа маҳкумларнинг тирноғини тишлаб ташловчи маҳкум.

**Кормушка** – камера эшигининг овқат узатиш дарчаси.

**Косить** – ўзини касал қилиб кўрсатиш, муғомбирлик қилиш.

**Криса** – ўзиникиларни туновчи маҳкум.

**Лагерь** – озодликдан маҳрум этиш жойларининг умумий номи.

**Лепень** – камзул.

**Маза** – ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, бир-бирига кафиллик.

**Майдон** - чемодан, рюкзак, кийимхалта.

**Малява** - мактуб, махфий хат.

**Марочка** – дастрўмол.

**Маски-шоу** – махсус белгиланган тадбир.

**Масть** – омад.

**Нифиля** – чой қолдиқлари.

**Ништяк** – яхши, зўр, аъло.

**Хафа қилмоқ, камситмоқ** – бирор кишининг устидан зўравонлик билан бесоқолбозлик актини содир қилиш.

**Обшак** - жиний ҳамжамиятдаги ўзига хос ўзаро ёрдам ғазнаси.

**Иргитиш** – тўсиқ орқали отиш йўли билан зонага ноқонуний нарса киритиш.

**Положенец** – гуруҳдаги ҳолат учун жиний обрўманд одам олдида жавоб берадиган шахс.

**Тушунчалар** – жиний оламида қабул қилинган норасмий меъёрлар, қоидалар тизими.

**Прикол** – янги келган маҳкумнинг жиний анъаналар бўйича билимини текшириш учун ўзига хос тест.

**Примочка** – алдаш усули.

**Приход** – наркотик модда, ичкилик истеъмол қилишнинг натижаси.

**Прогон** – келиб тушган махфий ахборот.

**Рамслар** – зиддият.

**Айланиб кетмоқ** – жазо муддатини ўташ вақтида янги жиний содир қилиш.

**Қаровчи** - қонундаги ўғри бўлмаган пайтда ўғрилик қонунига риоя этилишини кузатувчи маҳкум.

**Куйдирмоқ** - очмоқ, тутиб бермоқ.

**Стукач** – жосус, хабарчи.

**Сука** - қонундаги ўғрилардан нари кетган сотқин.

**Сходка** - қонундаги ўғрилардан иборат норасмий олий ҳайъат органи.

**Фанич** – сув солинган идиш, чойнак.

**Хата** - камера, ўғрилар макони.

**Хўжайин** – зона бошлиғи.

**Шконка** – ухлаш жойи.

Шундай қилиб, Ломброзо ва унинг издошлари томонидан кашф этилган, кўпгина келтирилган девиант шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи биологик омилларнинг белгилари бугунги кунда ҳам кузатилмоқда ва жиний олами вакилларининг аксариятида аниқланмоқда.

Психология мустақил фан соҳасига ажратилганидан сўнг биологик жиний ахлоққа таъсири тўғрисидаги масала муаммони ҳал этишнинг янада юқори даражасида кўтарилмоқда. Ахлоқнинг



сабабий асосланганлиги вазифаси шахснинг руҳий ҳаётида статик ва динамик, яъни константали ва ўзгарувчанликнинг диалектик нисбати, бу омилларнинг девиант ахлоққа таъсири ҳақидаги масалани қўйишга олиб келади. Таниқли олим К. Ясперс бу муаммони қуйидагича таърифлаган: "Шундай базисли сифатларни, одамларнинг ахлоқи ва фаолиятидаги барча ташвишларда мавжуд бўладиган ўткир, бироқ мазмунан ўзига хос бўлмаган нимадир топиш керакки, улар минг йиллар давомида биологик моҳиятини ўзгартирмасин"<sup>1</sup>.

Немис психологи Э. Кречмер бу муаммони қисман бўлсада ҳал этишга ҳаракат қилиб, концептуал равишда бундай туғма компонентни соматик ва психик, соғлик ва касаллик орқали алоқани сақлаб қолиш мумкин бўлган шахснинг тана тузилиши сифатида ифодалади. Кречмер томонидан тегишли равишда, девиант шахс ҳам унинг томонидан яратилган конституциявий типология ёки шахснинг тузилиши тўғрисидаги таълимотлар доирасида кўриб чиқилди. Кречмернинг мавжуд ёндашувларга нисбатан инсон классификациясини тузишдаги устунлиги шунда намоён бўлдики, ҳамма одамларга хос бўлган умумий нарса каби ифодаланган турлар асосига ва ўз характерологик тузилмалари (бу анъаналарнинг хусусий намоён бўлиши) асосига инсон руҳиятининг динамик қарама-қаршиликларини қўйди. Индивидуал хусусиятларни чуқур таҳлил қилиш йўли билан у шахснинг руҳий ҳаёти негизида у ёки ўзга шахсни характерловчи диалектик иккита қарама-қарши йўналишдаги анъаналар мавжудлигини тахмин қилди. Кречмернинг мазкур конституциявий таълимоти одамларни флегматиклар, холериклар, меланхоликлар ва сангвиникларга ажратишга қараганда шахснинг психологик хусусиятларини тушунишга сезиларли равишда яқинроқ келади.

Кречмер томонидан ажратилган шизоидли ва циклоидли турлар – шахсга тегишли астеник ва пикник тана тузилишига асосланган. Бунда улар энди шахс хусусиятларининг оддийгина таърифи бўлмайди, балки у ёки бу даражада ўзларида диаметрал қарама-қарши анъаналарни уйғунлаштиради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Карл Ясперс Ностальгия и преступления — М., СПб. – 1996. — 352 с.

**Шизоидли мизож** – жиззакилик ва омилик кутблари орасида туради. Унинг мумкин бўлган характеристикаси: одамови, босиқ, жиддий, ғалати, тортинчок, ҳадиксировчи, ҳиссиётга берилувчан, ҳаяжонли, итоаткор, виждонли, бепарво, оми, калта фаҳм.

**Циклоидли мизож** – қувноқлик ва ғамгинлик кутблари орасида туради. Унинг мумкин бўлган характеристикаси: киришимли, кўнгилчан, мулойим, самимий, ақли ўткир, чаққон, қайноқ, ювош, босиқ, юмшоқ.

Масалан, қувноқ мизожли шахс – сангвиник, фақат қувноқ бўлади ва ўз табиатида диаметрал қарама-қарши ҳолатларни, хусусан тушкунлик ва қайғулик ҳолатларини сақламайди. Бошқача айтганда, мазкур типологияда инсон шахсиятининг жадаллигида яшириниб ётган қарама-қаршиликлар кўриб чиқилмайди. Шу билан бирга, бу қарама-қаршиликлар баъзан шундай кучга эришадики, улар атрофдагилар учун умуман кутилмаган ва тушунарсиз шаклда, масалан, доимо ўта қувноқ деб ҳисобланган кишининг ўзини ўзи бирданга ўлдириши ёки оиланинг дурустгина отаси кутилмаганда қотиллик содир қилиши кўринишида намоён бўлади ва Кречмер жиний ахлоқнинг хусусиятлари тўғрисида айнан конституциявий тафовутлар оқибати бўлган психологик хусусиятлардан келиб чиқади деб хулоса қилади. Демак, унинг фикрича, циркуляр доирадаги шахс турлари - циклоидларда - асоциал хислатлар анча кам учрайди. Гарчи бундай тузилишдаги одамларга, деб ҳисоблайди Кречмер, кўполлик ва шафқатсизлик, жасуруна ва ўйламай қилинган ишлар, алоҳида ҳолларда эса ичкиликбозликка мойиллик, исрофгарчилик, шахвоний бузуқлик хос бўлса-да, бари бир уларнинг жиноятлари асосан агрессив ҳолатдаги ёки эҳтиётсиз ҳаракатлар сабабли одам ўлдириш билан чегараланади.

Аксинча, ҳаддан зиёд таъсирчанлиги ва совуққонлиги билан ажралиб турувчи шизоид одамлар, бағритошликка мойилдирлар. Ташқи дунё билан алоқанинг йўқлиги «шиша тўсиқ» яратишга олиб келади. Шундай экан, уларда баъзан: "Мен" ва ташқи дунё, деган кескин антитеза (қиёслаш) ривожланади, доимий равишда: "Мен қандай ҳаракат қиляпман? Ким менга адолатсизлик қиляпти? Мен кимга ён босдим? Мен энди қандай кун кечираман?" деб ўзини ўзи таҳлил қилиш ва таққослаш содир бўлади. Агар анестетик кутбларда ҳиссий омилик, совуққонлик ва бепарқлик

учраса, гиперэстетик кутбли одамларда жиззакилик, ҳиссиётга берилувчанлик, қизиққонлик каби хислатлар ажралиб туради. Бу хислатларнинг янада ривожланиши қўполлик, қайсарлик, бадқовоқ шафқатсизликка олиб келиши мумкин. Бундай таҳлил Кречмерга шизоидлар негизида дарғазаб омилар ёки дарғазаб шафқатсизлар турини ажратиш мумкин, деб хулосага келиш имконини берди. Бирон-бир комплексга енгилгина тегиб кетганда омиликнинг қобиғини ёриб ўтиб, бирданига қаттиқ ғазаб қўзғалишига олиб келувчи ички жиззакилик учқуни уларни ажратиб турувчи хусусияти ҳисобланади. Шизофреник ғазабнинг бу шакли ўзининг яширин аффеktiv турғунлиги ва бемаъни равишда юмшашининг психологик механизмига кўра миянинг шикастланиши ва тутқаноқнинг маълум аломатлари билан баъзи ўхшашликларга эга. Дарғазаб-оми шизоидлар уйда ўта шафқатсиз, хавfli ва золим бўлишлари мумкин. Улар атрофдагиларга бераҳм, ҳиссиз муносабатда бўладилар ва ўзларини педантик майлларига кўра бошқарадилар. Кречмернинг фикрича, садистларча таркибий қисмлар билан уйғунлашган нобоп шахс тузилиши хусусиятларида айнан шизоидли ҳиссий совуқлик тажовузкор-зўравонона жиноий ҳаракатларнинг ўта шафқатсизлик билан намоён бўлишига олиб келади.

Кречмер концепцияси, соддалигига қарамай, ўзининг мақсадлилиги ва диалектиклиги билан ҳайрон қолдиради. Ирсий-конституциявий белгиларга асосланган ҳолда ва психологик хусусиятларининг намоён бўлиш доирасига шизофрения ва маниакал-депрессив психоз каби маълум руҳий касалликларни киритган ҳолда, у шахснинг типологиясини тузишга асос бўлиб хизмат қилган руҳият индивидуаллигининг механизмини ушлаб қола олди. Бундай ёндашув туфайли руҳий-диагностика жиноятчи шахснинг жуда кам вақтини олади ва кўп жиҳатдан фақат унинг ахлоқини ташқаридан баҳолашга боғлиқ бўлади. Шу вақтнинг ўзида, шахснинг конституциявий хислатларини мутлақлаштириш ва шахс ривожланишининг ижтимоий шарт-шароитларини менсимаслик, унинг руҳий ҳаётининг хусусиятларини тушунтиришда психологик детерминантнинг йўқлиги, шунингдек ўз классификациясида фақат иккитагина турни - шизоид ва циклоидни ажратиш Кречмер назариясининг чекланганлиги ҳисобланади, бу эса унинг концепциясини жиддий равишда қашшоқлаштиради.

Делинквент ахлоқни таърифлашда Кречмер ёндашувларининг бевосита вориси Шелдон бўлди. У бир нечта ишларида шахснинг жисмоний конституцияси, хоссалари ва жинойий ахлоқи ўртасида алоқа ўрнатди. Ўзининг эмпирик тадқиқотлари асосида Шелдон жисмоний конституциянинг Кречмернинг турлари билан таққосланадиган эндоморфли, мезоморфли ва эктоморфли уч турини ажратади.

**Эндоморфли** - жуссаси сферик шаклдаги, юмшоқ, катта қоринли, думалоқ бошли одам, ички органлари йирик, қўллари ва оёқлари бўшашган, суяклари ва мушаклари ривожланмаган бўлади.

**Мезоморфли** – елкалари ва кўкрак қафаси кенг одам, қўллари ва оёқлари мускулли, тери ости ёғлари кам миқдордаги, катта бошли одам.

**Эктоморфли** – чўзиқ юзли озгин одам, пешонаси кенг, қўллари ва оёқлари ингичка узун, кўкрак қафаси тор ва қоринли, мускуллари ривожланмаган бўлади.

Шелдон 200 нафардан ортиқ ҳуқуқбузарларнинг материалларини умумлаштира бориб, шундай хулосага келди: жинойий ахлоқ кишининг жисмоний конституциясига ва унинг турига боғлиқ. Бунда жиноятчилар орасида мезоморф бичимли шахслар устун турадилар. Кейинчалик у жиноятчиларни уч турга ажратади:

- дионисли, бу ерда маънавий негизларнинг бузилиши устунлик қилади;

- параноидли, атроф-муҳитдан бегоналашиш билан тавсифланади;

- гебефреник, бу ерда инфантилизм ёки аклий ривожланмаганлик устунлик қилади.

Делинквент ахлоқдаги Кречмерча типология П.К. Ганнушкин, Е.К. Краснушкин, М.В. Волоцкий ва бошқалар томонидан кенг равишда кўриб чиқилган. Масалан, Е.К. Краснушкин жисмоний тип ва криминалнинг маълум корреляцияси тўғрисида босқинчилар кўп ҳолларда атлетик гавда тузилишига эга бўлиб, ўғрилар эса, аксинча, етилмай қолган, дегенератив, евнухоидча (бичилган каби) тузилишга эга бўладилар деб ёзган.

Туғма хислатлар билан боғлиқ жисмоний нуқсонлар, айрим мутахассислар томонидан оғувчи шахснинг ва умуман, жиноятчи-

лик шаклланишининг муҳим омили деб баҳоланади. Бу ҳолда, субъект ахлоқи жисмоний нуқсонларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилган бўлади ва жинойий ахлоқ шаклини олади. Америкалик психолог Мастерс, жиноятчиларнинг катта бир гуруҳи суратларини тадқиқ этиб, улар орасида майиб-мажруҳлар ўртача аҳоли орасидагига қараганда анча кўпроқ эканлигини аниқлади ва оғувчи шахсда ўзига хос "Квазимодо комплекси"ни ажратиш мумкин деган хулосага келди.

Бироқ кейинчалик генетика соҳасида олиб борилган жиддий тадқиқотлар шахснинг тана конституцияси руҳий хусусиятларининг ўхшашлик кўрсаткичи сифатида ирсий генезнинг омили бўлишини кўрсатди. Психологияда хромосомали қаторнинг ахлоққа, шу жумладан жинойий ахлоққа таъсирини ўрганувчи янги йўналиш ривожланмоқда.

Масалан, америкалик психологлар Джэкобс, Брантон ва Мервиль ХҮҮ синдромини эркак жинсидаги шахслар ўз ирсий кодида яна битта эркак хромосомани олганидаги хромосома тўпланининг бузилиши деб таърифлайдилар. Уларнинг тадқиқотларида таъкидланишича, ХҮҮ формулалари индивидлар кўпинча жисмоний жиҳатдан меъёрдан қандайдир оғиш билан фарқ қилади. Одатда, уларнинг бўйи ўртачадан анча баланд бўлиб, ҳаддан зиёд тажовузкорлик, тўсатдан зўравонлик пайдо бўлиши ҳолатлари, шунингдек ақлий ривожланишда кечикишлар билан тавсифланади. Кейинги тадқиқотлар асосан жиноятчилар орасида ХҮҮ хромосомали шахслар аҳолининг бошқа гуруҳларидаги шахсларга нисбатан анча кўп учраши ҳақидаги хулосани тасдиқлади. Айниқса, эркак жинсидаги янги туғилган чақалоқлар ва катта ёшдаги вакиллар орасида бу аномалия тахминан мингтадан битта учрайди, қамокдагилар орасида эса у 15 марта кўп намоён бўлади. Бироқ хромосома аномалияларининг зўрлик ишлатиб жиноят содир қилишга мойилликка таъсирига оид натижалар ҳали олинмади.

Шундай қилиб, ноқулай биологик омилларнинг таъсири шунга олиб келадикки, ёмон ирсият, жисмоний шикастлар, тана конституциясининг айрим хусусиятлари, руҳий касалликлар ва ҳоказолар шахснинг руҳий тузилмасида – жиноятлар содир этилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эҳтиёжлар, ташвишлар, зехнида ва бошқаларда маълум деформацияларни

юзага келтиради. Мазкур назария қарашларининг чегараланганлиги бизга шахс ривожланишининг ижтимоий шарт-шароитларини менсимасликка, шунингдек, аниқланган белгилар метафизик (мавҳум) равишда, ажратиб қўйилган ҳолда ва шахс ривожланишининг динамикасига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқилишига олиб келувчи биологик омилларнинг мутлақлаштирилишида кўринади. Тегишлича, оғувчи шахсга нисбатан тиббий чораларни қўллаш, жамиятдан умрбод ажратиб қўйиш ёки ҳатто йўқ қилиш таклиф этиладиган жиноятчиликка қарши кураш чоралари ҳам метафизикавий (мавҳум) бўлиб кўринади. Ҳозирги вақтда жиноий ахлоқнинг "биологик коррелятлар"ини тадқиқ қилиш, тушунтириш тамойилига даъво қилмаган ҳолда, етарлича маҳаллий характерга эга.

**2. Социологик ёндашув.** Жамият ривожланиши ва ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан делинквент ахлоқнинг шаклланишини ўрганишни одатда Э. Дюркгеймнинг номи билан боғлайдилар. У социологияга аномия (французча. *anomie* - қонунсизлик, меъёрсизлик) тушунчасини киритди – бу жамиятнинг шундай ҳолатики, бунда унинг аъзоларининг сезиларли қисми, улардан талаб этилувчи ахлоқ меъёрлари мавжуд эканлигини била туриб, уларга салбий муносабатда бўлади. Аномия муаммоси даврнинг ўтувчи хусусияти, унинг шартномавий-иқтисодий муносабатларини маънавий тартибга солишнинг вақтинча пасайиб кетишидан юзага келган. Муаллифнинг фикрича, аномия механикдан органик бирдамликка ўтиш нотўлиқлигининг маҳсули ҳисобланади. Бу ҳолда, органик бирдамликнинг объектив базаси – ижтимоий меҳнат тақсимооти - жамият онгида маънавий таянч топишдан кўра тезроқ тараққий этади. Аномияни доимий такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ижтимоий равишда юзага келадиган кўринишларнинг икки қатори: эҳтиёжлар ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги тафовут ҳисобланади. Феодал негизга эга бўлган иерархик жамият бу жиҳатдан барқарорроқ бўлган, чунки турли ижтимоий қатламларга турли мақсадлар қўйган ва ҳар бирига тор туташ қатлам ичида ўз ҳаётини маъноли ҳис қилиш имкониятини берган. Бироқ ижтимоий эволюция иккиланма жараёни юзага келтирди: "индивидлаштиришни" кўпайтирди ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий назорат кучига, эски давр учун хос бўлган мустаҳкам маънавий чегараларга путур

етказди. Шахснинг анъаналар, жамоавий урф-одатлар ва хурофотлардан озод бўлиши, шахсан машғулот ва ҳаракатлар усулини танлаш имконияти кескин кенгаймоқда. Лекин, бир вақтда, саноатлашган жамиятнинг нисбатан эркин меъёрий тузилмаси энди одамларнинг ҳаётий фаолиятини белгиламайди. Ҳозирги эркин бозор доираси билан тавсифланувчи жамиятда аномия "патологик" кўринишдан деярли ахлоқ "меъёри" бўлиб қолди. Дюркгеймнинг фикрича, психологик парадокс ошқор бўлади: инсон ноаниқлик шароитида, ҳамма учун расман бир хил бўлган универсал меъёрларга эга бўлган амалдаги очик тизимдагидан кўра машғулотлар танлови кам бўлган ва ижтимоий ўсиш имкониятлари чекланган қаттиқ ёпиқ тизимда ўзини кўпроқ химояланган ва эркин ҳис қилади. Шундай бўлсада, аномияларни заифлаштириш йўли – анъанавий ижтимоий институтларнинг патриархал-репрессив тартибини сунъий қайта тиклашда эмас, балки либерал "маънавий индивидуализм"нинг, ўрта асрлардаги одамовилиқдан озод бўлган, лекин ўз зиммасига ахлоқий назорат ва жамият аъзоларини давлат олдида химоя қилиш вазифаларини бажаришга қодир бўлган янги малакали гуруҳларнинг келгусида ривожланишидир.

Инсон ахлоқининг назарияси билан боғлиқ аномиянинг дюркгеймча тушунчаси икки жиҳатни ўз ичига олади: бири ҳаракатнинг маълум мақсадлар билан таъминланишига кирса, бошқаси – ушбу мақсадларни қай даражада амалга ошириш мумкинлигига киради (улар аниқ, лекин рўёбга чиқариб бўлмайдиган бўлиши мумкин. Замоनावий социологияда аномия тушунчасини назарий равишда қўллашнинг икки турли чизиғи шундандир.

Муаммонинг биринчи жиҳати, субъект ўз ахлоқи ва ҳаракатларини жамиятнинг маънавий ва ахлоқий талаблари билан қай даражада мослаштиришини кўриб чиқади. Шу боис субъект ахлоқининг бу кўринишини "меъёрсизлик" деб қабул қилинади ва уни изоҳлашда "бегоналаштириш", "ижтимоий дезинтеграция", "суст даражада ижтимоийлаштириш" каби иборалардан фойдаланадилар.

"Маданиятдаги меъёр зиддиятлари" шаклидаги иккинчи жиҳатни америкалик олим Мертон ишлаб чиққан. Мертоннинг фикрича, аномия – жамият қимматли-меъёрий тизимининг турли элементлари ўртасидаги маданий равишда белгиланган умумий

мақсадлар, масалан, пул ва бойликлар ҳамда уларга эришишнинг қонуний, институционал воситалари ўртасидаги келишмовчилик, зиддиятларнинг натижасидир. Аномия – одамлар жамият аъзолари томонидан зиммаларига юклатилган мақсадларга ўрнатилган «меъёрий» воситалар орқали эриша олмаганда юзага келади. Унда, ҳатто жамиятда умумий мақсадлар мавжуд бўлганда ҳам, ушбу мақсадларга эришишнинг ижтимоий маъқулланган воситаларига ҳамма ҳам ета олмайди. Айрим одамлар, ёки ҳатто ижтимоий гуруҳлар учун улар умуман эришиб бўлмайдиган воситалардир. Натижада одамлар аномия ҳолатида турли индивидуал усуллар билан: конформизм билан, ёхуд мақсадлар ёки воситаларни, баъзан унисини ҳам, бунисини ҳам бирга рад этадиган девиант ахлоқ билан мослашадилар.

Бошқа йўналиш А. Жоли, А. Принс, Ф. Листнинг тадқиқотлари билан боғлиқ. Муаллифлар, қатор мамлакатлардаги жиноий бузилишларнинг статистик таҳлилига таянган ҳолда шундай хулосага келдилар, яъни ҳар қандай ижтимоий тузум унинг ташкиллаштирилишидан вужудга келадиган жиноятларнинг маълум миқдори ва тартибидан келиб чиқади.

Масалан, Лист антропологик омиллар ижтимоий омилларнинг ҳосиласи эканлигини кўрсатади: ижтимоий муҳит аввал жиноятчининг ота-онасига, сўнгра унинг ривожланишига ва у томонидан жиноят содир этилиши жараёнида унинг ўзига таъсир кўрсатади. Листнинг ҳисоблашича, шахс ва ижтимоий гуруҳ ўртасидаги алоқаларнинг сустлашуви криминоген рол ўйнайди. Унинг раҳбарлиги остида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, асосий "жиноий" деб аталувчи туманлар - ижтимоий бузғунчи туманлардир. Делинквент ахлоқнинг энг мураккаб муаммолари, муаллифнинг фикрига кўра, аксарият мамлакатларда одамлар, шу жумладан жиноятчилар ҳам осонгина йўқолиши мумкин бўлган катта шаҳарлар билан боғлиқ. Бу муаммолар шаҳарларнинг кўпайиши, аҳолининг кўчиши, шаҳарлар ўртасидаги тафовутлар натижасида узлуксиз равишда кескинлашади. Замонавий турмушда бўлиб ўтаётган ижтимоий ҳаёт анъаналари, деб таъкидлайди муаллиф, шиддатли ижтимоий ўзгаришлар ва миграцион жараёнлар билан содир бўладиган режасиз яширин урбанизация, шаҳарлар ва шаҳар олди туманларида аҳолининг зичлашувига олиб келади, делинквент кўринишларнинг кўпайи-



шига сабаб бўлади. Қайд этиб ўтилган ижтимоий-иқтисодий омиллар бахтли ҳаёт илинжида шаҳарга келган қишлоқликларда оилавий муносабатлар заифлашади, назорат ва ўзини ўзи назорат қилишнинг анъанавий шакллари йўқолади. Одамлар ўзлари учун фаройиб маданият кўринишлари, шаҳарлик аҳолига хос бўлган бегоналашиш, ҳаёт ва турмушнинг бесаранжомлиги билан тўқнаш келади. Йирик шаҳар агломерациялари учун хос мавжудликнинг анонимлигини таъминлаш имкониятини берувчи шароитларда деликвентлик кенг тарқалади.

Бу сабабли, ўз навбатида, кўрқув, яққаланишнинг пайдо бўлиши, хавфсизлик туйғусининг йўқолишига, виктимизацияга ва делинквент ахлоқнинг кенг тарқалишига олиб келади. Зеро маргинал шахс юқори даражадаги ижтимоий зўриқишни бошидан кечиради ва атрофдаги ижтимоий муҳит билан осонгина зиддиятга боради.

**Маргинал шахс** - (лот. *margo* - охир, чегара) – вазият тақозоси билан ўзини ажратиб ташлаётган ҳукмрон гуруҳнинг охириги нуқтасига келиб қолган индивид. Натижада маргинал шахс ўз маданий қадриятларини «йўқотади» ва унинг учун «янги» бўлган жамиятнинг қадриятлари билан тўлиқ тенглаша олмайди, бу эса уни девиацияга, пассивликка, тажовузкорликка, бузуқлик ва ҳоказоларга олиб келади<sup>1</sup>.

Муаллифларнинг фикрича, унинг аниқ мамлакатдаги ўлчамини белгиловчи ўзига хос "жиноятчиликка тўйиниш қонуни" мавжуддир. Бу ҳолда, жиноятчиликнинг мавжуд бўлиши, агар у ҳозирча ҳар бир ижтимоий тур учун белгиланган даражадан ошмаса, тўғри ҳолатдир, яъни "жиноятчиликнинг мавжудлиги - меъёр, унинг ўсиши - нуқсон".

Социологик назариянинг асосий камчилиги унинг жамият ривожланишидаги ноқулай ижтимоий омиллар ролининг бўрттириб юборилишидир. Фақат ижтимоий-иқтисодий номутаносиблик ва аномалиягина фуқаролар психологиясини криминаллаштириши тўғрисидаги фикрлар, моҳиятига кўра, жиноятчиларнинг ички эркинлиги ва ахлоқий танловдаги мустақиллигини ерга уради. Бу ҳолда, демак уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди,

---

<sup>1</sup> Большой психологический словарь / Сост. Мещеряков Б., Зинченко В. – Олма-пресс. 2004.

зеро улар биологик ёки ижтимоий таъсирларнинг ғайриихтиёрий рўёбга чиқарувчилари бўлиб қолади. Шу билан бирга, уларга нисбатан профилактик таъсир чоралари етарли даражада асосланмаган. Чунки потенциал ва реал жиноятчилар учун иқтисодиётда, турмушда, бўш вақтини ўтказиш ва фаолликнинг бошқа соҳаларида қулай ҳаётий шароитлар яратиб бериш жиноятлар миқдорининг камайишида асосий ҳолат ҳисобланади.

**3. Криминоген ёндашув.** Криминоген ёндашувда алоҳида эътибор субъектнинг жиноий қилмиш содир қилиш нияти шаклланишининг индивидуал хусусиятларини тизимлаштириш ёки жиноий фаолиятни систематик равишда амалга оширишда бундай ниятга кўмаклашишни ўрганишга қаратилади. Шу асосда шахс криминогенлигининг умумий турлари қаторини ажратиш мумкин.

Биринчи тур жиноий қилмишни содир қилишга тайёргарлик предмети нафақат олинаётган натижа, балки сезиларли даражада жиноий ҳаракатлар содир қилиниши жараёнининг маълум жиноий эҳтиёж мавжудлигига асосланиши билан тавсифланади. Ушбу эҳтиёж (жиноий майл) ташқи шарт-шароитлардан қатъи назар, фаоллашиши ва жиноий тажовуз содир этиш учун объект ва имкониятлар излашга ундаши мумкин. Жиноий майл кишининг ахлоқида кўпинча ҳукмрон характерга эга бўлади, унинг бошқа интилишларини сўндиради. Бундай турдаги енгиш мушкул бўлган майл, ақли расоликни истисно этмайдиган, майллар нуқсонига киритиладиган руҳий аномалияни намоён қилади. Жиноий майл ихтиёрига кўра жиноий ҳаракатлар содир қила туриб, жиноятчи бунда қоникмаслик туйғусининг англаб бўлмайдиган компенсациясини (бадалини), ички зўриқишнинг бўшашишини топади, зўрлик, ўғрилик, бузғунчилик ва бошқа жиноятларни содир қилиш жараёнидан қониқиш, қизиқиш туйғуси ва ўзи учун ижобий деб ҳисоблайдиган бошқа ҳолатларни бошидан кечиради.

Жиноятчи шахс криминогенлигининг иккинчи тури - айрим эҳтиёжларни қондириш ёки муаммоли вазиятни қонунийга нисбатан афзалроқ равишда ҳал этишнинг жиноий усулларини субъектив равишда қарама-қаршиликларсиз ўзлаштиришда ифодаланади. Шахснинг криминоген потенцияси (яширин имконияти), шахснинг бошиданок ҳаракатларнинг жиноий усулига берилганлиги, унинг олдида принципиал танлов масаласи турмаслигида

ифодаланади. Эҳтиёжларни жиноий усул билан қондиришнинг бундай азалий мақбуллиги унга бўлган кўп учрайдиган ижобий муносабат, унинг ўзлаштирилганлиги, қўллашнинг одатийлиги, «қулай» натижага бўлган ишончи, жавобгарликдан қочиши билан белгиланади.

Жиноятчи шахс криминогенлигининг учинчи тури - делинквент нафақат жиноий усул билан шахсий-қимматли натижа олиш имкониятини, балки максимал даражада хавфсизлигини таъминловчи қулай шароитлар бўлгандагина маълум эҳтиёжларни қондиришнинг жиноий усулини ўзлаштириши билан ифодаланади. Жиноий мақсад ва усулни ўзлаштириш уни рўёбга чиқаришнинг юзага келган ўта қулай имкониятига жавоб хусусиятига эга.

Жиноятчи шахснинг криминоген потенциалнинг тўртинчи тури – жиноий ҳаракатлар усулини мажбурий, ички қарама-қаршилиқлар билан ўзлаштиришда намоён бўлади. Бу субъект эҳтиёжларини қондиришнинг қонуний усули реал имконияти тарзида мавжуд эмас ва бу эҳтиёжни қондирмасдан қолдириш мумкин эмас деб ҳисоблаганда содир бўлади. Мазкур ҳолатда жиноий ҳаракатлар усулининг фақат мажбур қилувчи ҳолатлар, субъектив томондан иложсиз ҳолат туфайлигина маъқуллиги ифодаланади.

Бешинчи тур – баъзи бир ҳолатлардан таъсирланувчанлик шаклида намоён бўладиган ғайриқонуний ҳаракатларни беихтиёр содир этишга мойиллик билан тавсифланади. Бу ғайриихтиёрий таъсирчанлик зиддиятли вазиятда ёки ҳақоратга жавоб сифатида тажовузкорона «чакнаш»да ва жабрланувчига тан жароҳатлари етказишда акс этиши мумкин. Бундай ахлоқнинг психологик жиҳатлари жиноий хулқ йўналиши ва стереотиплари мавжудлигида ифодаланади.

Жиноятчи шахс криминогенлигининг олтинчи тури – жиноий усулни ўзга шахсларнинг ташқи криминоген босимининг ҳал қилувчи таъсири остида, ёхуд у билан ўз ахлоқини идентификациялашга тайёрлигини шарт қилиб қўйган гуруҳдаги унинг конформ ахлоқи натижасида ўзлаштиришида намоён бўлади. Мазкур турда шахснинг антикриминал бардоши мавжуд бўлмайди. Бу гуруҳда ўз ўрнини белгилаш лаёқатининг ривожланмаганлиги, уларга бўлган салбий муносабатига қарамай, ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга қаршилиқ қилиш учун журъатсизлиги

туфайли бошқа шахсларнинг таъсирига кўнувчанлиги билан ифодаланади.

Мазкур ёндашув асосида рус олими В.М. Кудрявцев энди классик бўлиб қолган жиний ахлоқнинг "вазият - шахс - жиний ахлоқ" тизимида боғлиқлиги схемасини "ижтимоий эҳтиёжлар – эҳтиёжларни қондиришнинг ижтимоий имкониятлари - жиноятчилик" схемасига ўзгартирди. Шунга кўра, у шахс ва жиноят ўртасидаги бевосита алоқа ўрнига шахсларнинг ижтимоий маъқул ёки ижтимоий хавфли детерминантлар шаклланиши эҳтимоли бўлган бутун ижтимоий алоқалари тизимини кўриб чиқиш таклифини берди. Демак, жиний ахлоқнинг ижтимоий детерминациясида уни ифодалашнинг учта механизми ажралиб чиқади:

- 1) шахснинг маълум ижтимоий шаклланиши;
- 2) унга ноқонуний ёки қарама-қарши характерда бўлган кўрсатмалар бериш;
- 3) шахсни ахлоқнинг жиний вариантини танлашга мажбур қилувчи ва енгиллаштирувчи вазиятга солиб қўйиш.

**4. *Ижтимоий-психологик ёндашув.*** Деликвент муҳитни характерловчи мазкур ёндашувнинг муҳим тушунчаси жиний криминал субмаданият таърифи ҳисобланади.

Жиний субмаданият - жамиятнинг чекланган қисмига, жиний йўналишдаги фуқароларга нисбатан бўлган маънавий ҳаётдир. Жиний субмаданият ҳуқуқбузарларни бирлаштиради, уларнинг ахлоқини тартибга солувчи сифатида чиқади. Лекин унинг асосий хавфи шундаки, у жамият онгини бузиб кўрсатади, жиний тажрибани бошқа шаклга айлантиради, аҳолининг одамохунлигини заифлаштиради, ёшларни ижтимоийлаштириш жараёнини сусайтиради, маълум ҳуқуқий меъёрларни бузишнинг (масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш) мақсадга мувофиқлиги тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиради, айрим тоифадаги жиноятчиларнинг ижобий қиёфасини яратади, аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам берувчи фуқароларни қоралайди. Бошқача айтганда, бу жиҳатдан жиний субмаданият умумийликни, авваламбор, ёшлар муҳитини криминаллаштиришнинг асосий механизми ҳисобланади. Субмаданиятнинг марказий элементи криминал психология, яъни жиний ҳаёт тарзи ва ҳуқуқбузарлик содир этилишини оқловчи ва

рағбатлантирувчи одамлар онгида ёзилмаган ижтимоий қадриятлар ва тасаввурлар тизими ҳисобланади.

Субмаданиятнинг бошқа энг муҳим элементи – бу ахлоқнинг криминал меъёрлари (қоидалари)дир, улар жиноий ҳамжамиятнинг, унинг аъзоларининг ижтимоий мақоми ва ҳуқуқлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ахлоқ тузатиш муассасалари маъмуриятига муносабати; озодликдан махрум этиш жойларидаги ва турмушдаги хулқи; меҳнатга муносабати; шахслараро зиддиятларни ҳал қилиш тартиби; жиноий ҳамжамиятга янги аъзоларни қабул қилиш ("прописка" қилиш) маросимлари; «йиғилиш»лар қилиш тартиби ва «қонундаги ўғрилар»га тож кийдириш ва ҳоказолардан иборат бутун ҳаёт фаолияти доирасини бошқаради.

Стратификация, яъни одамларни жиноий муҳитдаги реал ҳокимиятга нисбатан уларнинг обрў-эътиборидан келиб чиққан ҳолда шартли иерархик гуруҳларга ажратиш жиноий субмаданиятнинг ўзига хос элементиدير. Жиноий субмаданиятнинг бошқа бир ўзига хос элементи сифатида жиноий мулоқот, хусусан, жаргон (жиноий тил), лақаблар, татуировкалар каби воситаларни келтириш мумкин.

Рус психологи В.Л.Васильев жиноятчиларнинг турли тоифаларини тадқиқ қилиб, яқин муҳитнинг салбий таъсири, уларни ижтимоийлаштириш даражасининг пастлиги ва эгоцентризмни таъкидлаб ўтади. Масалан, 85 % га яқин шахсга қарши жиноятлар, жабрланувчилар билан иш бўйича, қариндошлик, шахсий ва бошқа яқин алоқалар билан боғлиқ шахслар томонидан содир этилади, яъни жиноят муносабатлар кескинлашуви оқибатида юзага келган зиддиятнинг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Муаллиф оғувчи ахлоқни ва деликвентларни ўрганиш учун мазкур шахс аъзоси бўлган ижтимоий гуруҳлар билан чуқур танишувни қўллаш зарур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, делинквентнинг энг яқин муҳитида қўлланилаётган ўзаро муносабатлар тузилмасини ўрганиш, у аъзоси бўлган ижтимоий гуруҳнинг руҳиятини билиш шахс ва жамиятнинг, индивидуал ва жиноятга мойил онг ўртасидаги алоқаларни очиш учун зарурдир.

Бошқа психолог С.В.Кудрявцев – делинквент ахлоқнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омиллар-

ни таҳлил қилади. У мазкур омилларга ижтимоий кайфият, ахлоқ меъёрлари ва стереотиплари, гуруҳий босим ва гуруҳий бирдамлик механизмларини, шунингдек, шахслараро ўзаро муносабатлар механизмини, шахсда психологик жараёнларнинг шаклланиши, гуруҳий ва ижтимоий мақомни қўлга киритишни ёки маҳаллий анъаналар ва удумларни киритади. Мутахассисларнинг вазифаси, С.В. Кудрявцевнинг фикрча, ижтимоий-психологик жараёнларнинг сифатли ўзгаришларини очиб бериш ва улар қандай модификацияларда жинойий ахлоқни пайдо қилувчи омиллар бўлиб қолишини кўрсатишдан иборатдир. Бунинг учун бу кўринишларни даражаси бўйича оммавий, гуруҳий ва индивидуал (якка тартибда) тизимлаштириш зарур. Бундан ташқари, у қайд этилган жараёнларни барқарор ёки ижтимоий шарт-шароитлар ўзгаришига қараб кам ўзгарадиган ва кишининг лабил хусусияти бевосита бу шароитларга боғлиқ бўлган жараёнларга ажратишни таклиф этади. Бундай ҳолда, шаклланишда ва бевосита деликвент шахсларни ҳосил қилишда нафақат турли даражага, балки турли динамик характеристикалар ва ташқи муҳит шарт-шароитлари билан ўзаро алоқада бўлган ижтимоий-психологик омиллар иштирок этади. Вазиятли йўл-йўриқлар, секин-аста шахс ва гуруҳ тузилмаларида, омма онгида мустаҳкамланиб бориб, узоқ муддатли ҳосилалар хусусиятларини ўзида касб этади, яъни лабил жараёнлар барқарор жараёнга айланади.

**5. Шахсиятли ёндашув.** Ҳар қандай ташқи ҳолат, агар у иродавий ахлоқий лаёқатга эга бўлган кишининг ўз хоҳиш-иродаси бўлмаса, унинг ғайриқонуний ҳаракатларининг бевосита сабабчиси бўла олмаслиги тўғрисидаги таълимот мазкур ёндашувнинг методологик асоси бўлиб ҳисобланади. Мазкур ёндашув асосида жиноятчи шахснинг "жиноят содир этган кишига хос бўлган, бошқа омиллар билан биргаликда ижтимоий хавfli ахлоққа сабабчи бўлувчи психологик сифатларнинг йиғиндиси" каби хусусиятларини тадқиқ қилиш ётади. Жиноят содир этишининг асосий психологик жиҳати сифатида муаллифлар, биринчи навбатда, жиноятчи шахснинг ҳуқуқини таниш тузилмасидаги ўзгаришларни кўриб чиқадилар.

Ҳуқуқини таниш "инсон ахлоқини юридик аҳамиятга молик вазиятларда тартибга солувчи юридик билимлар шаклидаги ҳуқуқий борлиқ, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётидаги баҳоловчи

муносабатлар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар ва мулоқотларда акс этувчи ижтимоий, гуруҳий ва индивидуал онг доираси сифатида тушунилади. Жиноятчида ҳуқуқини таниш тузилмасидаги ўзгаришлар ҳаётни фаталистларча ва салбий баҳолаш, ўзини бошқариш эҳтиёжининг пасайиши, истеъмолчилик ва тайёрга айёрлик нуқтаи назарига мослашиш, шахслараро муносабатларни бузиш, ҳаёт, соғлик, жинсий дахлсизлик ва инсон қадр-қиммати каби кадриятларни ўзлаштирмаслик кўринишидаги хулқий-психологик ахлоқ бошқарувчиларини бузиб кўрсатишда намоён бўлади.

А.Р. Ратинов ва Г.Х. Ефремова томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жиноятчиларнинг ҳуқуқий кадриятларга муносабати уларнинг шахсий ғайриқонуний ахлоқига берган баҳосидан жиддий фарқ қилади. Жиноятчи учун умум эътироф этилган ахлоқ меъёрларини рад этиш, уларга бўлиб берилаётган қимматли йўриқларнинг салбий характери ўзига хос шахсий хусусият бўлиб қолади. Бундай одам ўзининг умидлари, истаклари ва амалдаги ижтимоий меъёрлари ўртасидаги узилишни ҳис қилади, якка қолиш, бошқаларнинг ишига алоқадор бўлмаслик туйғусини бошдан кечиради. Бу эса ахлоқни тартибга солувчи меъёрларни ўзлаштиришга тўсқинлик қилади. Ўз нуқтаи назарини оқлаш мақсадида жиноятга мойил шахс психологик ҳимояни қўллайди, унда масъулиятнинг асосий қисми бошқа шахсларнинг зиммасига ёки ташқи ҳолатларга юкланади.

Энг кўп тарқалган деликвент шахснинг психологик жиҳатдан ўзини ўзи ҳимоя қилиш усуллари орасида тадқиқотчилар қуйидагиларни белгилайдилар:

- ўзини гўёки ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга сабабчи сифатида мажбур қилиш, тобелик, мунофиқлик, алдов ва ўз хатолари ҳамда гумроҳлигининг қурбони деб фараз қилиш;

- жиноий вазият юз берганлиги учун уни субъектнинг шахсий фаоллиги натижаси эмас, балки машъум воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши деган важ билан жавобгарликни истисно қилиш;

- жиноий вазият ҳақидаги тасаввурларнинг бузиб кўрсатилиши, хусусан бир элементнинг аҳамиятини бўрттириш ва бошқаларини камайтириш, гўё тегишли меъёр ва санкциялар қўллашни

истисно қилади, алоҳида ҳолатларнинг жойи, вақти ва иштирок этаётган шахсларнинг роли бўйича силжиши содир бўлади;

- бузилган тақиқларнинг расмийлигига, бундай ҳаракатларнинг одатийлигига ишонтириш, шу сабабли, уларга йўл қўйилиши мумкин деб баҳоланади;

- ҳуқуқий кадриятларнинг девальвацияси, қурбонининг кадрсизланишини ва бу билан зарарли оқибатлар ва қилмишнинг ижтимоий хавфини тан олмаслик;

- жиноят содир қилишда ўз ролини камайтириш ва бўрттириш, ўз ахлоқини улуғвор дунёда бошқа одамларга ёрдам, адолатни ҳимоя қилиш ва ҳоказолар кўринишида тасаввур қилиш;

- ахлоқнинг асл хоҳишлари ва кадриятларини алмаштириш ҳамда яхшилаш, бунинг натижасида қилмиш кечиримли ва ҳатто қонуний бўлиб кўринади;

- рефлексив қобилиятларнинг, олдиндан кўра билиш ва ўзини назорат қилиш имкониятининг пасайиши, бу билан шахснинг «озод бўлиши»га, меъёрий чеклашлардан ички озод бўлишга эришилади;

- ўзининг ҳаракатлари учун муҳит, жамият масъул, номақбул ҳаёт шароитларини эса айбдор бўлган ташқи таъсирларнинг пассив объекти сифатида кўриш, бу эса гўё ноқонуний ҳаракатлар тарзини намоён этади;

- шахсий сифатлар қийматининг гипертрофияси, субъектнинг меъёрий доира ва одатий юрисдикциядан ташқари қўйиши ва ўзини ягона деб ҳис қилиши.

Психологик ўзини ҳимоя қилишнинг мазмуни ва шакллари шахснинг ривожланиши, унинг ахлоқий ва ҳуқуқий йўналишларининг умумий даражасига кўра жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу жиноятчи томонидан борлиқни идрок қилишнинг проектив бузиб кўрсатилишига ва унда бири бошқа шахсларнинг ахлоқини баҳолашга, иккинчиси эса шахсий ахлоқини ба ҳолашга мўлжалланган икки баҳолаш тизимининг шаклланишига олиб келади. Проектив бузиб кўрсатиш оқибатида деликвент шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан ўзига баҳо бериши жиддий фарқ қилади, унга нисбатан паст ва ҳатто қарама-қарши бўлади. У руҳий ўзини ҳимоя қилиш ва жавобгарликдан ички озод бўлиш механизмига асосланган бўлиб, шу сабабли ҳуқуқбузарнинг ижтимоий-ҳуқуқий назоратдан бегоналашиши, ушбу назоратнинг заифлашиши ва содир этилган қилмишларда ўзини оқлаши содир бўлади.



Масалан, ғаразгўй жинойтчилар аксарият ҳолларда (63 %) жинойт содир этилиши ҳолатини ҳеч қандай ахлоқий баҳолашсиз ва тушунтиришларсиз расмий констатация (қайд этиш) қилиш билан чекланадилар, тажовузкор-зўравон жинойтчилар тактикаси эса умуман бошқача. Улар биринчи навбатда, рўй берган ҳодисада жабрланувчи ёки бошқа шахсларни айблайдилар (87 %) қотиллар ва безорилар (52 %) ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар ўз айбини рад этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда айбни «тақдир»га, ота-оналар ва педагогларнинг хатоларига тўнқайдилар. Ўзини ҳимоя қилишнинг руҳий механизмлари ҳақида сўз юрита туриб, биз ўзини ва ўз ҳаракатларини реабилитация қилиш усулларини онгли равишда қидириб топишни эмас, балки борлиқнинг бузиб кўрсатилган қиёфасини шакллантирувчи онгсиз ёки тўлиқ англаб олинмайдиган анъаналарни назарда тутамиз. Кўпроқ жинойтчилар томонидан қўлланиладиган асосий ҳимоя механизмларини махсус тадқиқ қилиш Е.С. Романова ва Л.Р. Гребенников томонидан амалга оширилган<sup>1</sup>.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жинойтчилар кўпроқ проекция, рад этиш, бостириш, ўрнини босиш каби қолоқ бўлган ҳимоя механизмларини қўллайдилар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қолоқ ҳимоя механизмларини қўллаш тадқиқ қилинаётганларда жуда паст даражадаги англаш лаёқати мавжудлигини ва аксинча, воқеликнинг маълум жиҳатларини тушунишдаги бузиб кўрсатишнинг фавқулодда катта даражаси борлигини билдиради. Чунки ҳимоя механизмларини қўллаш воқелик қиёфаси ва субъектнинг когнитив ҳамда ҳис-ҳаяжонли таркибий қисмларини бузиб кўрсатишнинг индивидуал усули ҳисобланади, бу деликвент шахснинг ахлоқида ўз аксини топади. Бу унинг ҳимоявий-тажовузкорона, девиант, тобе ёки патологик характеридан дарак беради. Ушбу воқелик зиддиятга, жамият томонидан маъқулланмаслигига ва турли шаклдаги таъсирларга олиб келади. Натижада воқелик шахс учун янада номаъқул бўлиши мумкин, бу эса ички зиддият билан таҳдид қилади ва ҳимоя вазифасининг патологиясига олиб келади. Бу жинойтчилар томонидан қўлланилувчи

---

<sup>1</sup> Қаранг: Романова Е.С., Гребенников Л.Р. Механизмы психологической защиты: генезис, функционирование, диагностика. — Мытищи, 1996. — 91 с.

химоя механизмларининг хусусиятлари моҳиятига кўра, тахмин қилинган оғувчи ахлоқнинг мазкур тури хос бўлган шахсларнинг психологик ва хулқий тавсифига мос келади.

Шахсий ёндашув доирасидаги таҳлилнинг бошқа йўналиши ҳуқуқбузарлик содир этилишига ёрдам берувчи индивидуал-психологик сифатларни ажратиш ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, жиноятчилар қонунга риоя қилувчи фуқаролардан ҳис-ҳаяжонли-иродали муҳитининг муайян даражада бузилганлиги ва шахснинг ахлоқий-психологик оғишлари (деформациялари) билан ажралиб турадилар. Е.В. Петуховнинг фикрича, «аксарият жиноятчиларнинг ноқонуний қилмишларига уларнинг юқори кўзғалувчанлиги ва таъсирланувчанлиги» сустралган ахлоқнинг ўзини назорат қилиши ва хулқнинг ўзгармаслиги ёрдам беради. Уларнинг ахлоқий-психологик йўналиши ўч олиш ва судсиз жазолашга таяниш, атрофдагиларни ўзига бўйсундириб, улардан жисмоний жихатдан устун эканлигидан фойдаланиш ва шу кабиларга гўё маънавий ҳуқуқи бўлгандек ноҳақ ранжитилганларнинг туйғусини жўнбушга келтириб атрофдаги оламнинг душманлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришга қаратилади.

Шахсий ёндашув доирасида жиноятчи шахсни тадқиқ қилишнинг идеографик усулини ажратиш мумкин. Мазкур усул негизида олдин ушбу шахс бўйича тўпланган барча материаллар билан батафсил танишиб чиққан ҳолда суҳбат ўтказиш ва проектив тестдан ўтказиш каби психологик усуллар ёрдамида жинойий ахлоқ сабабларини чуқур ўрганиш ётади. Бундай ўрганиш, муаллифларнинг фикрича, дунёни ўзлаштиришнинг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва манфаатлари, туйғули-ҳиссиётли доира ҳақида, асосий мотивацион анъаналар, онгсиз ёки қисман англанадиган характер хислатлари, қимматли йўналишлар ва йўл-йўриқлар, шахснинг йўналиши, унинг тури тўғрисидаги тасаввурларни олиш имконини беради. Бу усул тарафдорлари "бундай ёндашув кишининг ҳаёт йўлини кузатиш ва тушуниш, унинг ҳаётий тажрибасини баҳолаш, ижтимоий роли ва мақомини, тарбияси ва шахсининг шаклланиши шарт-шароитларини, бошқа одамлар билан мулоқот қилиш ва ўзаро муносабатнинг ўзига хослигини аниқлаш имконини беради" деб ҳисоблайдилар. Аниқ бир одам тўғрисидаги чуқур психологик билимлар, олимларнинг фикрига

кўра, социологик сўровнинг анъанавий усуллари билан олиниши мумкин эмас. Тадқиқотчи учун сўралаётган шахс ни ўрганишга ишонч ҳосил қилиш учун ўзини унинг ўрнига қўйиш, уни ва у яшаб ўтган ҳаётни тушуниш мақсадида унинг образи ичига кириш маҳоратини талаб қилади. Муаллифлар "жиноятчида тергов ёки суд материалларидаги унинг мавжуд рангпар ва сийқалашган аксини эмас, балки «жонли», ўйлаётган, ҳис қилаётган, жон куйдираётган шахсни кўришга" эътибор беришга ундайдилар.

Жиноятчи ҳаётини тарихий таҳлил қилишнинг бошланғич объекти сифатида Е.Г.Самовичев унинг оиласи тузилмасини ва субъектнинг отаси ва онаси билан муносабатининг хусусиятларини танлашни таклиф этади. Бола шахсиятининг шаклланишида бу шахсларнинг аҳамияти қатор эмпирик тадқиқотлар билан тасдиқланади. Масалан, Л.А.Волошина келтирган маълумотларга кўра, тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг оиласида болалар ғаразгўй жиноятчиларнинг оилаларидан кўра ўзларига нисбатан 7 марта кўп бефарқликни ҳис қилганлар, улар билан машаққат чекишаётганини тушунишган, уларни деярли икки марта кўп ортиқча назорат қилишган, уларни ўз истакларига бўйсунтиришга мажбур қилишган ва жазолашган. Ҳар бешинчи тажовузкор-зўравон жиноятчи (21,6 %) онасига бефарқ ёхуд унга салбий муносабатда бўлган. Аксарият тажовузкор-зўравон жиноятчилар ота-оналари уларни болалигида жисмоний жазога тортганлар, бунда 40% дан кўпроғи уларни баъзи- баъзан ёки доимий равишда калтаклашганини, 20 % га яқини эса - қаттиқ калтаклашганини тан олади.

**6. Мотивацион-патологик ёндашув.** Мазкур ёндашув муаллифлари жиноий йўналиш, авваламбор, шахснинг қарашлари, манфаатлари ва қадриятлари ўзгаришига олиб келувчи кишининг мотивацион муҳити ўзгаришлари натижасида намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бунда деликвент шахсда нафақат эҳтиёжлар мазмуни ва сабаблари, балки уларнинг тузилиши ҳам ўзгаради, камроқ ифодаланган бўлиб қолади. Мотивацион муҳитнинг бундай ўзгаришлари натижасида деликвент шахс таъсирчан бўлиб, унинг патологиясини шакллантирувчи майллар характерини олувчи эҳтиёжлари ҳукмронлиги остида қолади. Б.В.Зейгарникнинг назарий қоидалари ва шахсий эмпирик тадқиқот материалларидан фойдаланган ҳолда, Ю.М.Антонян ва В.В.Гульдандан жиноят

мотивлари таснифини ишлаб чиқдилар, бунда шахс ёки фаолиятнинг маълум бир патологияси уларнинг шаклланиш шарт-шароити сифатида намоён бўлади.

*Аффектоген мотивлар* кўпроқ психопатик аномалияли ҳуқуқбузарларда кузатилади. Бу мазкур жинойтчиларнинг ҳиссий таъсирчанлигининг ўзига хослиги, юқори қўзғалувчанлиги, уларни юмшатиш кўпинча шафқатсизлик, тажовузкорлик, жаҳолат билан ажралиб турувчи ҳаракатларга олиб келувчи аффектив ташвишларнинг тикилиб қолиши билан асосланади. Бундай ҳаракатларни содир этиш имконияти йўқлигини ҳис қилган ҳолда, хафа қилган шахсга нисбатан зудлик билан қарши ҳаракатлар зарурлигини субъектив равишда сезиш аффектив реакция юзага келишининг зарурий шarti ҳисобланади.

*Вазиятли-импульсив сабаблар* мавжуд ижтимоий меъёрлар, аввалги тажрибалар, ташқи аҳвол, ўз ҳаракатлари орқасида юз бериши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олмаган ҳолда долзарб эҳтиёжларни кондириш билан боғлиқ. Субъектлардаги ғайриқонуний ҳаракатларининг вазиятли-импульсив сабабларининг юзага келиши ва рўёбга чиқиши уларнинг хулқини бошқаришнинг ўтмишдаги тажриба, ўз ҳаракатларининг башорати ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари натижасида бузилишига асосланади.

*Анэтик сабаблар* маънавий-этик ва ҳуқуқий меъёрларга, яъни ахлоқни тартибга солишнинг энг юқори даражасида фаолият воситачилигининг бузилишини билдиради. Мазкур сабабларга кўра содир этилаётган кўпгина жинойтлар, масалан, одам ўлдириш, унга тайёргарлик кўриш ва келгусида изларни яшириш билан амалга оширишнинг турли босқичларида барча ҳаракатлар ва операциялар ўйланган ҳамда пухта режалаштирилган хусусиятга эга бўлади.

*"Суррогат" сабаблар* биологик ўхшаш бўлмаган ёки мавжуд ижтимоий меъёрлар томонидан тақиқланадиган, жинойтчи учун қўзғатувчи ва мазмун ҳосил қилувчи функцияга эга бўлган: жинсий перверсиялар, некрофил, гомосексуал ахлоқ, педофил, пиромания (олов ёқишга мойиллик), дромомания (дайдиликка мойиллик) ва ҳоказо объектларда эҳтиёжларни рўёбга чиқариш бўйича жинсий ҳаракатларни бажариш билан алоқадордир.

*Психопатик хулқ* – шахснинг маълум хислатлари, масалан, рўёбга чиқаришга интилиш ахлоқнинг сабаби ҳисобланиб, тажовузкорлик ёки гумонсирашни қўзғатувчи кучга эга бўлади.

*Суггестив сабаблар* – гуруҳ раҳнамолари суггестив обрў-эътиборининг ишонтирувчи таъсири ёки гуруҳ ичидаги ахлоқий муҳит динамикаси билан белгиланади.

*Тушунилмаган сабаблар* – бу мазмуни тушунарсиз ёки ноаниқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатларнинг сабаблари бўлиб, уларни қўзғатувчи асос болалик пайтида шаклланади ва руҳиятнинг тубида ётади, жинойий ахлоқ эса "ўрнини босиш" характериға эга бўлади.

Шундай қилиб, психологияда мавжуд бўлган деликвент шахснинг ўрганишга ёндашувларни кўриб чиқишда ҳар бири тадқиқотдаги муаммоли соҳани ёритадиган детерминацияловчи белгиларнинг таҳлили ва тавсифини турли даражаларға ажратиш мумкин. Фикримизча, деликвент ахлоқ шаклланиши қонуниятларини янада тўлиқ таҳлил қилиш ва жиноятчи шахсининг психологик хусусиятларини очиш учун кўриб чиқиладиган муаммонинг имкон қадар барча жиҳатларига комплекс ёндашувни амалға ошириш зарур. Ушбу масалада шахснинг жинойий ахлоқни келтириб чиқарувчи ва бунга мойиллиги бўлган шахсларни ҳуқуқий меъёрларға риоя этувчи одамлардан фарқлайдиган ҳеч қандай яхлит (ва ягона) хусусияти йўқлиги ҳақидаги ҳолат белгиловчи ҳисобланади. Жиноятчилар ва жиноятчи бўлмаганларни битта қандайдир хусусият ёки унинг миқдори эмас, балки уларнинг сифат жиҳатдан такрорланмайдиган уйғунлиги ва алоҳида "солиштирма оғирлиги", яъни ҳозирча етарли даражада ўрганилмаган характер тизимиға эга бўлган шахсий хусусиятлар комплекси қатъий равишда ажратиб туради. Жинойий ахлоқнинг генезиси шахснинг ижтимоий хавфли қилмишлар ёки ҳаракатсизлик шаклидаги хулқий ҳаракатға психологик жиҳатдан тайёрлиги ҳолатининг шаклланишидан иборат. Бу тайёрликнинг шаклланиши жараёнида шахс ўзига хос равишда ташқи шарт-шароитларни ўзлаштиради ва баҳолайди. Бунинг учун шахсан хос бўлган хошишларни (сабабларни) фикридан ўтказди, ҳаракатнинг қулай усуллари ва мақсадини белгилайди. Кўзланган мақсадға шахснинг ўзини намоён қилувчи билим, маҳорат ва қобилиятлари туфайли эришилади. Шундай қилиб, шахснинг жинойий ахлоқи хусусият-

ларининг вужудга келиши жараёнига ахлоқнинг ташқи шарт-шароитларини ўзлаштириши, сабаблар пайдо бўлиши, мақсадни кўзлаши ва ижро бошқаруви сабаб бўлади.

Ноижтимоий ахлоқ субъекти сифатида жиноятчи шахсининг руҳиятини очишда унинг психологик хусусиятларини ўрганишга комплексли ёндашув талаб қилинади. Бу ёндашув шахснинг қайси психологик хусусиятлари жиноий ахлоқ вужудга келишида рол ўйнаши тўғрисидаги илмий асосланган хулосаларга таяниш лозим, яъни жиноятчи шахсининг криминогенлиги моҳиятини ифодаловчи психологик тузилма моделини яратиш зарур.

Тадқиқотчилар жиноятчи шахсининг психологик тузилмасига қуйидагиларни киритадилар:

- эҳтиёжли-мотивацион муҳитнинг хусусиятлари (эҳтиёжлар, манфаатлар, турғун сабаблар ва бошқалар);

- қимматли-меъёрий муҳит хусусиятлари (қарашлар, эътиқод, қимматли ориентациялар, йўл-йўриқлар);

- интеллектуал хусусиятлар (ақлий ривожланиш даражаси, фикрлашнинг ўзига хослиги ва бошқалар);

- жиноий ахлоқ учун аҳамиятли бўлган тажрибани ифодаловчи хусусиятлар (билим, маҳорат, малака, қобилият);

- ҳис-ҳаяжонли, иродавий хусусиятлар, мизож.

Бундай ҳолда, деликвент шахснинг турли тоифалари орасида шахснинг кўп жиҳатдан жиноий йўналишларини белгилаб берувчи аниқ психологик хусусиятларга эга бўлган жиноятга мойил алоҳида турини ажратиш мумкин.

Шахснинг психологик хусусиятлари (шахсий хусусиятлари) деганда, таъсирчанликнинг оддий шакллари ва ахлоқнинг адаптив механизмларини белгиловчи индивидуал сифатларнинг нисбатан барқарор йиғиндисини, ўзи ҳақидаги тасаввурлар тизимини, шахслараро муносабатлари ва ижтимоий ўзаро муносабатларининг характерини тушунилади. Бошқача айтганда, бу шахснинг жамиятдаги актив фаолиятини таъминловчи нисбатан барқарор ва бетакрор тузилмани ифода этувчи ички компонентиدير.

## **2-§. Агрессив хулқ-атвор**

*Тажовузкор-зўравон жиноятчилар.* Ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг асосий психологик хусусиятлари шундан иборатки,

маълум одамлар билан мулоқот қилиш улар учун ўта муҳим, айтиш жоиз бўлса, ҳаётини таъминловчи хусусиятга эга бўлади. Зўравонликнинг психологик "илдизи" шундаки, жинойтчи ўз қурбонига (кўп жиҳатдан онгсиз равишда) эҳтиёжларини қондириш ёки ўзини унинг ахлоқ тўғрисидаги тасаввурларига мос равишда тутиш қобилиятини юклайди.

Зўравонликка мойиллик киши ҳаётининг илк босқичларида, эрта болаликда шаклланади ва боланинг (бўлажак жинойтчининг) ўз оиласида эгаллаган ўрни натижаси ҳисобланади. Бу ўриннинг моҳияти уни ота-онаси ёқтирмаслиги, баъзан тўғридан-тўғри ундан юз ўгиришидан иборат бўлади. Боланинг ўз онаси рад этувчи, ёқтирмовчи ролида чиқса, бундай вазият ўта фожиали бўлади. «Ёқтирмаслик» атамаси онанинг ўз боласига шундай муносабатини англатадики, фарзандини авваламбор табиий – овқатга, иссиқликка, тозаликка эҳтиёжларини ўз вақтида ва аниқ қондиришга қодир эмас, ёки истамайди, ёхуд қилолмайди. Бунинг натижасида бола сурункали танқислик, ўз эҳтиёжларининг доимий қондирилмаслиги вазиятида бўлиб қолади. Бу ҳолат уни доимий равишда бошқа одамга (онасига) қарам қилиб қўяди, чунки фақат угина ушбу эҳтиёжларни қондириши мумкин. Бундай эҳтиёж сақланар экан қарамлик ҳам сақланиб қолади. Демак, тажовузкор-зўравон жинойтчилар учун ҳаётининг муҳим (витал) эҳтиёжларининг сурункали равишда қондирилмаслиги хосдир, шунинг учун ҳам уларни қондира оладиган объектларга худди шундай сурункали тобелик юзага келади.

Рад этилаётган бола унинг хавфсизлигини таъминловчи аниқ бир киши (онаси) юзида мужассам бўлган унинг учун ҳаётининг муҳим шарт-шароитларга қарам бўлиб қолади. Бу омилларнинг етишмовчилиги унинг ҳаёти учун доимий таҳдид вазиятини юзага келтиради. У гўё сўнгги даражада яшайди: ҳеч қачон тўлиқ хавфсизликни ва ўз эҳтиёжларининг қондирилганини ҳис этмайди ва шу вақтнинг бу ҳаётининг муҳим шарт-шароитлардан тўлиқ маҳрум бўлишгача бориб етмайди. Бу потенциал равишда ўзида ҳалокатли таҳдидни олиб келувчи мавжудликнинг ўзига хос "экстремаллиги"дир. У қотиллик ва бошқа шаклдаги жинойт зўравонлик намоён бўлишининг келиб чиқиш манбаидан иборатдир.

Агар қайд этилган вазият киши ҳаётининг илк даврида юзага келган бўлса, унда вақт ўтиши билан (қариганда) у йўқолиб

кетмайди, балки унинг мазмуни ва асосий муносабатларини сақлаб бошқа шаклга ўтади. Онанинг ўрнини асосий ҳаётни таъминловчи омил сифатида бошқа шахс эгаллаши мумкин, лекин тўла тобелик муносабати сақланиб қолади.

Қайд этилган қарамлик муносабати бошқа ўта аҳамиятли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Уларнинг асосийларидан бири мустақил, тобе бўлмай яшаш лаёқатини олиш жараёнининг тўхташидир. Бу тўхташ, ўз навбатида, шахснинг руҳий ва ижтимоий ривожланиши учун жиддий оқибатларга эга. Улардан асосийси ва энг умумийси руҳий функцияларнинг – хотира, ўзлаштириш, фикрлаш, диққатни жамлаш ва бошқаларнинг секинлашган ва унча чуқур бўлмаган ривожланиши ҳисобланади. Инсон шахсияти бу ерда гўё суст дифференциаллашади ва ўз тузилишига кўра мураккаблашади. Қотиллик содир этганнинг шахсиятини ўрганган тадқиқотчилар уларда ривожланишнинг ўртача олганда паст, қолоқ даражасини, юқори бўлмаган умумий маданият, тор билим ва манфаатлар доирасини белгилашлари бежиз эмас. Бу орқали ушбу шахслардаги мослаштирувчи имкониятларнинг суст ривожланиши учун асос яратилади, улар атрофдаги муҳит ўзгаришларига мослашувнинг ғоят чекланган воситалари ва усулларига эга бўладилар, ташқи ҳодисалардан жуда паст ва ҳиссий-қолоқ даражада таъсирланадилар ва ўзлаштирилаётган ахборотни интеллектуал равишда қайта ишлаш имкониятларида ғоятда чекланганлар. Руҳий ривожланишнинг умумий паст даражаси ва сақланган мослашув имкониятлари сабабли тажовузкор-зўравон жинойтчиларда кўпроқ ривожланган шахсларга нисбатан улар таҳдид қилувчи деб қабул қиладиган ташқи воқеалар ва вазиятлар кескин ортган. Тажовузкор зўравонлик ҳаракатлари содир этиладиган вазиятда, ҳар доим ҳам жинойтчилар уларга жиддий боғлиқликда бўлган кишилар иштирок этадилар. Бу боғлиқлик жинойтчилар томонидан англомаслиги мумкин, лекин у айнан тажовузда бошқа кишининг фаоллигини унга жисмоний ёки руҳий зарар етказган ҳолда янчиб ташлашга интилишда намоён бўлади.

Зўравонликка мойиллик одатда илк ёшлиқданок намоён бўлади. Шахс болалиқда табиий қизиқувчанлик, ўзини бирон-бир иш билан банд қилишга лаёқатсизлигини намоён этади, бошқа одамлар билан муносабат ўрнатишда унга қийинчилик



туғилмайди. Моҳиятига кўра, бу ҳолатда ҳам унинг ғайририхтиёрий равишда бошқа шахсга психологик тобелиги сақланиб қолади.

Тажовузкор-зўравон жиноятчи шахснинг яна бир муҳим психологик хусусияти унинг айрим вазиятларда намоён бўладиган фикрлари, ғояларининг юқори даражаси ҳисобланади. Улар учун шахслараро муносабатларнинг исталган тарафига нисбатан уларда юқори даражада сезувчанлик, хавфсираш, атроф муҳитни душманларча қабул қилиш хосдир. Вазиятга тўғри баҳо беришдаги қийинчиликлар, тўғрилаш қийин бўлган хатолари шуларга боғлиқ бўлади.

Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг фикрлари, ғоялари юқори даражада ҳиссиётга тўлаллиги муҳитни паталогия билан чеклайди ва умуман, уларнинг жамиятдан бегоналашганидан далолат беради. Ўз навбатида, ахлоқни бошқара олмаслик шунга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, улар атрофдагиларга жуда юқори талаблар қўйишга мойил бўладилар, улар тез хафа бўлувчи ва худбиндилар, хулқлари кўпол, одобсиз ва кайфиятлари «оташин шод-хуррамликдан ўлар даражадаги ғам-ғуссагача» ўзгаришга мойилдир.

Айрим тажовузкор-зўравон жиноятчи шахсларнинг мазмунига кўра экстазга (ўзини йўқотиш даражасида ҳузурланиши) ўхшаш бўлган чуқур ва кучли ташвишларга мойиллиги ғоят диққатга сазовор хусусиятдир. Мазкур ҳолатнинг психологик мазмуни ўта мураккаб бўлиб, унда шахсиятнинг энг чуқур қатламлари камраб олинади; зўравонлик ҳаракатлари содир этиш вақтида ушбу шахс учун фавқулодда қимматга эга бўлган руҳий эркинлик, қарамлик ҳолатидан чиқиш туйғулари камраб олинади. Шунинг учун одам ўлдиришнинг тушуниш қийин бўлган сабабларидан бири уларнинг бу ҳолатни бошдан ўтказишга эҳтиёж сезиши ҳисобланади.

Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг бошқа тоифаси қарамликдан озод бўлиш муаммосини ўз шахсиятини бошқа одамларга фаол равишда зўрлаб ўтказиш йўли билан ҳал этади. Улар ўз «Мен»ларининг қимматлилигини исбот қилиш ва унинг эътирофига эришиш эҳтиёжи билан яшайдилар. Бошқа кишини ўзининг таъсир доирасига тортиш, моҳиятига кўра уни ўзига бўйсундириш ва ундан «кайф қилишнинг» барча – моддий, молиявий, энергетик, ғоявий ва ҳоказо шакллари учун донор

сифатида фойдаланишнинг барча усуллари қўлланганда, бу зўрлаб ўтказиш кўпинча яққол намоёшли қараш хусусиятга эга бўлади.

Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг учинчи тоифаси - бу кераклилик туйғуси гипертрофияланган одамлар бўлиб, улар шахсий тасаввурлари ва ахлоқ меъёрлари нуқтаи назаридан атрофдагиларга ғоятда юқори ва қатъий талаблар қўядилар. Улар ўзларининг кераклилиги тўғрисидаги тасаввурларига қатъий боғланган бўлиб, бошқа одамлардаги ахлоқнинг бу тасаввурлардан озгина оғиши уларда ҳиссий ноқулайликни, сезиларли оғишлар эса – вазиятни уларнинг тасаввурларига мутаносиб равишда зўрлик билан тузатиш бўйича ҳаракатларни – ички қаҳр-ғазабни вужудга келтиради. Бу ерда инсон шахсий ўз идеал тасаввурларининг исканжасида бўлади ва ҳаётнинг ранг-баранглигини қабул қила олмайди: у зўрлик билан уларни ўз тасаввурлари остига олиб келади. Кўпинча бундай одамлар адолат учун шиддатли курашчилар бўлиб чиқадилар. Уни ўрнатишнинг асосий усули эса зўравонлик, мажбур қилишдир. Кераклилик ҳақидаги гипертрофияланган тасаввур намоён бўлиши шаклларида бири – рашк туйғусидир. Унда бошқа кишининг хайрихоҳлигидан ёлғиз ўзи фойдаланиш «ҳуқуқини» эгаллаган мулкдорнинг нуқтаи назари тўпланган ва ўзгалар ҳамда ўзгалар томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай эътибор белгилари унинг шаънини камситиш ва қайд этилган «ҳуқуққа» суиқасд деб қабул қилинади. Рашк билан асослантирилган зўрлик – бу ўзи ҳақида идеаллаштирилган тасаввурларини ҳимоя қилиши ва бошқа кишини ўзи ҳақида бундай тасаввурларга эга бўлишдан маҳрум этиш ҳамда ўзини шунга муносиб тутишдир.

Тажовузкор-зўравон жиноятчилар орасида ўзи ҳақидаги шахсий фикрларида қарор қилиш, бирон иш қилиш, ғайриоддий қалтис, хатарли ҳаракат содир қилишга қодир бўлган шахс сифатида ишонч қозониш эҳтиёжига эга бўлган кишилар ҳам учрайди. Доимий равишда ўзига ишончсизлик, иккиланиш, қарор қабул қилишга лаёқатсизлик, уларнинг шахсий хос хусусиятлари бўлиб, улар онгли равишда тинкани қуритувчи номукамаллик, кераксизлик туйғусини бошдан кечирадилар ва шунинг учун уни енгишга доимо шай турадилар. Бу тайёрлик уларни қалтис, оқибати ёмон бўладиган хавфли ҳолат вазиятларига ундайди. Айрим жиноятчилар ўзлари содир қилган оғир жиноят сабабини бевосита «зўр ишни бажариш» деб белгилайдилар.

Шундай тажовузкор-зўравон жиноятчилар тоифаси борки, пасайган, салгина тушкун кайфият, қизиқишлари, интилишлари, истаклари ўтмаслашувида ифодаланган пассив психологик нуқтаи назар уларга хосдир. Бу тоифадагилар кўпинча шахсий номукамалликлари, ҳаётий орзу-истаклари ва давлатмандлиги йўқолганлигини суицидал фикрларда ифода этадилар. Уларнинг яширин тажовузкор одатлари ташқи ахлоқларида қийин намоён бўлади. Ичкиликка мойиллик, тажовузкор-зўравонона ҳаракатларининг соматик қайд қилиниши бу ўринда умумий манбага, лекин турли йўналишга эга бўлиб, бу одамлар ўз жиноятларини ўзига хос ҳаётий вазиятга тушиб қолганда содир этадилар. Бу одамларнинг уйдагилар ёки яқин атрофдагилар томонидан эксплуатация қилинишига олиб келади. Оила, одатда, ўз «боқувчиси»дан норози бўлиб, унга фақат у оиласига бераётган пуллари учун чидаб келишаётганини билдиради. Бундай оилада ўз отасини уриш, уйдан ҳайдаш билан кузатиладиган жанжаллар, уруш-тўполонлар кўп бўлади. Шундай кунларнинг бирида у котиллик содир этади. Одатда, бу «маиший» деб аталувчи сабабларга кўра содир қилинадиган жиноятлардир. Суд олдида ўз айбидан чуқур пушаймон бўлаётган ва қанчалик оғир бўлмасин, уни кутаётган жазога бефарқ бўлган тубанлашган, бахтсиз одам ҳозир бўлади. Моҳиятига кўра эса, у фақат ўзининг мавжуд бўлиш ҳуқуқини химоя қилган эди.

Жиноий зўравонликнинг психологик хусусиятлари ҳақида қайд этилганлардан умумий хулоса қилиш мумкин. Бундай жиноятлар асосида инсоннинг ўзи учун ҳаётий зарур деб билган ва шунинг учун уларга қатъий қарамлик ҳолатида бўлган эҳтиёжлари қондирилишини кескин қийинлаштирувчи шарт-шароитлар ётади.

Тажовузкор-зўравон жиноятчи шахсиятининг асослантурувчи мазмуний доирасини тадқиқ қилишда бошқалардан ажралиб турувчи қуйидаги хусусиятлар аниқланади:

1. Тажовузкор-зўравон жиноятчи шахсиятининг асослантурувчи доираси ахлоқ шаклларининг сабаблари пайдо бўлиши ва танлаш эркинлигининг жиддий чекланишига олиб келувчи таянч эҳтиёжларининг фрустрацияси, йўналишнинг ўзгариши ва уларни кўзгатувчи анъаналар тузилмасининг ригидлиги билан ажралиб туради.

2. Тажовузкор-зўравон жинойтчи шахсиятининг инфантил ва эгоцентрик мазмуни, шахсий фойда кўришга мўлжалланганлиги ва ижтимоий қимматликларнинг ёқимсизлиги билан ажралиб туради, бу эса ғайриқонуний тажовузни рўёбга чиқариш учун меъёрий чеклашлардан ички озодликни пайдо қилади.

Босқинчи қотиллар ва вазиятли қотиллар сабабий доирасининг солиштирма тадқиқотлари:

1. Эҳтиёжларни моддийлаштиришнинг бузилиши билан боғлиқ сабаблар

Сунъий (суррогат) сабабларнинг юқори даражадаги аҳамияти мазкур шахсларда сабаб пайдо бўлиши жараёнининг бузилиши уларнинг жинсий соҳадаги қандайдир бузилишлари билан боғлиқ бўлади. Зеро босқинчи қотиллар кўпроқ ўта шафқатсиз (садистларча) ва латент-гомосексуал (инвертацияланган) кўринишларни намоён қиладилар. Босқинчи қотилларнинг онгсиз равишда гуруҳларга бирлашишга интилишлари шу билан боғлиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Аксинча, вазиятли қотиллар асосан якка ҳолда ҳаракат қиладилар.

Индивидларнинг мулоқотлари ва кайфиятининг маниакал бузилишлари ва ёки ижтимоий дезадаптация кўринишидаги ғайриқонуний ҳаракатларининг вазиятли сабаблари ҳар икки гуруҳ қотилларида бир хил частота билан намоён бўлади.

2. Ғайриқонуний ҳаракатларнинг аффектоген сабаблари эҳтиёжлари воситасидаги бузилиш билан боғлиқ сабаблар сабабий-қўзғатувчи тузилмада худди босқинчи қотиллар гуруҳидаги каби (30%), вазиятли қотиллар гуруҳида ҳам кўп тарқалган (32%). Олинган кўрсаткичлар шахснинг аффектив доирасидаги бузилишларининг унинг атрофдагиларга нисбатан кўрсатмаларига жиддий таъсири ҳақидаги муқаддам олиб борилган тадқиқотларнинг асосий хулосалари ва қоидалари тасдиқлайди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ шундаки, босқинчи қотиллар кўпол пароксизмал-эпилептик аффектларнинг (24 %) бузилиши, вазиятли қотиллар эса - аффектив-шаҳвоний (22 %) жиҳатдаги бузилишларни содир этадилар. Бу ҳолда, тасаввур қилиш мумкинки, вазиятли жинойтчиларда уларнинг фрустрацияланган шаҳвоний йўналишлари англалмаган равишда одам ўлдиришга бўлган майл сифатида

намоён бўлади (рашк оловида, қасос олиш ва ҳоказо мақсадларда одам ўлдириш)<sup>1</sup>.

Босқинчи қотиллар «мослашув» ҳимоясини қўллашга кўпроқ мойилдирлар. Бу уларнинг ипохондрия ва органик неврозларга мойилликларини билдиради. Аксинча, вазиятли қотиллар "шилқимлик" каби ҳимоя механизмини нисбатан кўпроқ қўллайдилар, бу улар ўзларининг амалга ошираётган фаолиятларини услубий томондан режалаштиришга интилиши шаклида тажовузкорликлари устидан назорат ўрнатишга уринишларидан далолат беради. Бироқ, вазият шахснинг назорати остидан чиқа бошлаганда, у яна ушбу вазиятли омилларнинг салбий таъсири остига тушади ва ғайриқонуний зўравонликдан иборат ножўя ҳаракат содир қилади. Шахсга қарши тажовузкор-зўравон жиноятларнинг шахвоний зўрлик билан боғлиқ тоифаси алоҳида ўзига хос тур сифатида ажратилади. Бунда зўрликнинг шахвоний девиациялар билан боғлиқлик эҳтимоли тенгдир – атиги 50 % зўравонлар бузилишнинг ҳар хил турларига эга бўладилар. Зўравон қотилларни шахвоний бўлмаган асосларда қотиллик содир этган жиноятчилар гуруҳи билан солиштирганда, улар юқори даражада заковатлиликлари, интроверсиянинг энг сўнгги даражаси ва руҳий-жинсий ривожланишда бузилиш мавжудлиги билан ажралиб туради. Бу тоифадаги жиноятчиларнинг ҳаракатларида уларнинг типологиясини тузиш учун учта асос - ҳокимлик, ғазаб ва садизмга мойиллик алоҳида ажратилади.

1. Ҳокимиятга интилувчи зўравон қурбонини енгиш, бўйсундириш ва бир вақтнинг ўзида, унга ёқишни истайди. Оғриқ етказиш истаги унда бўлмайди. Одатда, шахслараро муносабатларда ва ҳаётда зўравонлар номукамаллик комплекси туфайли умуман омадсиздирлар.

2. Дарғазаб зўравон жисмоний шафқатсизлик ва ҳаддан зиёд кучдан фойдаланади. Унинг зўрлиги ғайриихтиёрий бўлиб, яқинда бошидан ўтказган салбий воқеалар таъсири остида бўлади ва тажовузкорлик кўчишининг оқибати ҳисобланади.

3. Зўравон садистни тажовузкорлик тўлқинлантиради ва зўравонлик фактининг ўзи ундан қониқиш манбаи ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Чезаре Ломброзо*. Гениальность и помешательство.– Минск. 2000, – С.101.

Бу каби барча ҳолларда зўравонларнинг мақсади шахвоний ва шунга ўхшаш эҳтиёжларни қондиришдангина иборат бўлмайди. Шахвоний алоқа улар учун тажовузкорликни намоён қилиш усули бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолда девиант ахлоқнинг сабаби руҳий дилсиёҳлик эмас, балки турли ҳолатлар таъсири остида юзага келувчи маълум шахсиятли деформациялари ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, бошқаларга нисбатан тажовузкор шахвоний ҳаракатлар содир этган шахслар, 54 % ҳолларда ўзлари болалигида жисмоний тажовузга дуч келган. Болалигида зўрликни бошидан ўтказган одамлар, бошқаларга нисбатан кўпроқ номус ва айбдорлик туйғусини бошдан кечирадилар, ўзига баҳо бериш билан фарқланадилар ва хавфли, шу жумладан шахвоний вазиятларга жалб қилинадилар. Шунингдек, инцестнинг авлоддан-авлодга ўтиш анъанаси алоҳида таъкидланади.

*Инцест* – яқин қариндоши номусига тегиш.

*Ғаразли-зўравон жиноятчилар* қуйидаги шахсий хусусиятлари билан тавсифланади:

- ригидлик - шахснинг ўз ахлоқини ўзгарган вазиятга мувофиқ равишда ўзгартиришга лаёқатсизлиги, ташқи шарт-шароитлар бошқача бўлишига қарамай, битта ва айнан шу қиёфага содиқлиги;

- тажовузкорлик – шахснинг эҳтиёжлар фрустрациясидан ва бошқа киши ёки одамлар иродасини тўлиқ ёки қисман бостиришга, уларнинг ҳаракатларини чеклаш, бошқариш ва уларга зарар ёки азоб берувчи ҳаракатларни чеклашга қаратилган душманларча ахлоқининг субъектив анъаналарда ифодаланувчи зиддиятлардан таъсирланиши;

- ғайриихтиёрийлик – илк хоҳиш пайдо бўлиши биланок, ташқи ҳолатлар ёки ҳиссиёт таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллик;

- асоциаллик – ижтимоий, бунинг устига ҳуқуқий меъёрларни ўзлаштирмаслик ва уларга нисбатан душманона муносабатлар;

- бегоналашганлик – атроф-муҳит билан ҳиссий мулоқотнинг бузилиши, бошқа кишининг нуқтаи назарига қараш, ўзига ташқаридан туриб разм солиш имкониятининг йўқлиги;

- шахснинг когнитив чекланганлиги – ўзининг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳолатига баҳо беришнинг номутаносиблиги, маънавий ва ҳуқуқий меъёрларни ўзлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар;

- хавотирлик - турли ҳаётӣй вазиятларда нотинчликни ҳис қилишга мойиллик;

- интерперсонал сезувчанлик, аффектнинг ҳаддан ортиқ турғунлиги, юқори сензитивлик, шунингдек тажовузкор кўринишида «қисқа туташув» реакциясининг юзага келиши эҳтимоли;

- шафқатсизлик – одамларга азоб, қийноқлар етказишга интилиш.

Агар тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг ахлоқи асосан аффектив зарядланган ғоялар билан йўналтирилган бўлса, унда ғаразгўй-зўравон жиноятчиларнинг ахлоқи пайдо бўлаётган истак ва эҳтиёжларни бевосита қондириш анъанаси билан белгиланади, бу эса ахлоқни умумий меъёрий бошқариш, интеллектуал ва иродавий назоратнинг бузилиши билан мос келади. Бу ҳолда, ғаразгўй-зўравон жиноятчилар бошқа тоифадаги деликвент шахслардан ахлоқининг бошқариб бўлмаслиги ва асоциал қилмишларнинг кутилмаганлиги билан фарқ қиладилар, уларда ўзини тасдиқлашга ва ўзи ҳамда атрофдаги олам билан ўрталарида масофа сақлашга риоя этишга интилиш эҳтиёжи кўп даражада ифодаланган.

Ғаразгўй жиноятчилар. Деликвент шахсларнинг ушбу тоифасида қуйидаги турлар ажратилади:

1. "Тасдиқланаётган" ("ўзини ўзи тасдиқлаётган") тур. Унга жинойий ахлоқининг мазмунига кўра шахснинг шахсий-ижтимоий, ижтимоий-психологик ва ёки индивидуал даражада ўзини тасдиқлаши ҳисобланади. Бу ерда параллел, ёнида йўлдош бўлган, кўп ҳолларда тенг аҳамиятга эга бўлган ғаразли сабаб ҳам мавжуд. Шундай қилиб, бугун бу ерда полимотивация намоён бўлади, бунда ғаразгўй сабаблар ўзини ўзи тасдиқлаш, эътиборли тасаввурлар, ўз нуфузини мустаҳкамлаш билан чатишиб кетмайди. ўзини ўзи тасдиқлаётиб, инсон ўзини атроф оламдаги ўзгаришлар манбаи деб ҳис қилишга интилади. Бу интилиш ўзида турли сабабларни акс эттирувчи қандайдир раҳбарий тамойилни намоён этади.

Таъкидлаш жоизки, ўғирланган нарсага эгалик қилиш, уни тасарруф этиш шахснинг ўзини, «Мен» ини тасдиқлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўсмир маълум бир норасмий гуруҳга қабул қилиниши учун ўғрилиқ содир қилса ёки гуруҳий безорилик ҳаракатларида

иштирок этса ижтимоий-психологик даражада тасдиқлаш сабаби ўрин эгаллаши мумкин.

2. "Дезадапцияли" (ёки "асоциал") турнинг ижтимоий мослашуви, яъни ижтимоий шарт-шароитларга мослашуви бузилган шахсларни ўз ичига олади. Бу жиноятчилар жамиятга зид, кўпинча уйсиз ҳаёт тарзини юритадилар, уларнинг кўпчилиги нормал алоқа ва муносабатлардан чиқиб кетган, дайдилар ва ичкиликбозлардир. Улар, қоидага кўра, баҳоси унча аҳамиятсиз бўлган нарсани ўғирлайдилар ва талон-тарож қиладилар. Жиноий йўл билан олинган мулк ва пулларни одатда спиртли ичимликлар ичиш билан боғлиқ ҳаёт тарзини юритишга сарфлайдилар. Улардан кўпчилиги муқаддам судланган бўлиб, доимий яшаш жойи, прописка, паспорт ёки бошқа ҳужжатларга эга эмаслар. Табиийки, улар одатда ҳеч қаерда ишламайдилар, оилалари йўқ, яқинлар ва қариндошлар билан алоқа мавжуд эмас. Қоидага кўра, уларда дўст йўқ, улар гўё оқим бўйича сузадилар, ўз тақдирларига бефарқ бўлиб, келажак ҳақида ўйламайдилар.

Бундай шаклларнинг мослашмайдиган ахлоқи негизда ноаниқлик ётади, ўзлари ҳақида барқарор тасаввурлар уларда мавжуд эмас ва улар уни эгаллашга интилмайдилар. Уларнинг барча ахлоқи онгсиз равишда бошқа одам, гуруҳ, ижтимоий муҳит билан ўхшашликдан, умуман унга киришдан қочишга интилиш билан асосланади. Шундай қилиб, уларнинг дезадаптив ахлоқинг мазмуни ижтимоий идентификация ва шахсият қатъийлигини эгаллашдан кўрқувдан иборатдир. Бундай қатъийлик фақат фаол ижтимоий мулоқот, ўзига рол олиш, уларни ўйнаш ва одам кирган муҳит талабларини бажариш жараёнидагина шаклланади. Улар билан мулоқот қилиш, ҳамкорликдаги фаолиятда иштирок этиш жараёнидаги бошқа одамларнинг берган баҳолари туфайли, идентификация йўли билан ўзини ўзи баҳолаш, ўзи ҳақидаги тасаввурлар ва шу билан, шахсият қатъийлиги шаклланади. Бундай сифатлари шаклланган одам нима қила олиши ва нима қилиши кераклигини билади. Дезадаптив ғаразгўй жиноятчилар онгсиз равишда ўз ижтимоий идентификациясини, ҳар қандай ижтимоий-психологик барқарорликни рад этиш анъаналари сабабли ўзаро ижтимоий муносабатга киришишдан қочадилар. Уларнинг ижтимоий мулоқотлари юзаки, агар улар ишга жойлашсалар, унда узоқ муддат ушланмайдилар, ҳар қандай



мажбуриятдан қочадилар. Бошқача айтганда, улар ўзларининг ички дунёларига киришга ҳар қандай йўл билан тўсқинлик қилган ҳолда нима қилиб бўлса ҳам жамиятдан, ижтимоий фаолликдан ташқари яшашга интиладилар. Одатда дезадаптив шахслар яшаш учун қонуний маблағлар манбаига эга эмаслар, ўғрилик ва бошқа мулквий жиноятлар уларга бу маблағларни етказди. Шу боис агар шахсда оиладан бегоналашиш ва бошбошдоқлик сақланиб қолса, дезадаптив жиноятчилар сони ортади. Бунга гоҳо бозор муносабатларига ўтиш ва корхоналарни хусусийлаштиришга ўтилаётгандаги ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин, малакаси камроқ ишчилар ишсиз қолади ва тўғри ҳаётдан чиқариб юборилади.

3. Ғаразўй жиноятчи шахсининг "ўйинли" тури психологик жиҳатдан ўта мураккабдир. Шу билан бирга, у жиноятчилар, айниқса ўғрилар орасида етарлича кўп учрайди., «Олтин бузоқча»даги Шура Балаганов, макрли романларнинг кўплаб қаҳрамонларини эслаб ўтиш лозим. «Ўйинли» турининг вакилларининг хавфлиликка бўлган доимий эҳтиёжи, хавф билан боғлиқ ўткир ҳиссиётлар илинжида ҳис-ҳаяжон қўзғатувчи вазиятга киритиш, турли хил операцияларда, кутилмаган мулоқотларда ва ҳоказоларда иштирок этишга интилиш ажратиб туради. Ғараз ниятлар, одатда унинг «ўйинли»лари билан бир қаторда ҳаракатланади, зеро улар учун худди жиноят содир этиш натижасида моддий манфаат олиш каби, айнан жиноий ахлоқ жараёни билан боғлиқ ҳиссий ташвишлар ҳам бир хил аҳамиятга эга. Сўнгги ҳолат уларни бошқа турларнинг вакилларидан жиддий равишда фарқлайди, яъни бундай ҳаракатларнинг ҳиссиётли жараёни улар учун психологик жиҳатдан жуда муҳимдир. Бунинг устига, шундай ҳолатлар учрайдики, бунда ушбу жараён ҳатто етакчи, сабаб бўлувчи рол ўйнайди, қолган рағбатлар (стимуллар) эса гўёки иккинчи доирага сурилади, бу эса, масалан, ўсмирлик учун айниқса хосдир. Улардан кўпчилиги бу билан ўзларига эътибор қаратишга интиладилар.

4. Ғаразгўй жиноятчиларнинг «оилавий» тури оила ўйнайдиган улкан рағбатлантирувчи рол туфайли ажралиб туради. Бу тур, одатда, талончилар ва порахўрлар орасида учрайди, ўғрилик содир этаётган шахслар орасида эса ғоятда кам учрайди. Унинг вакиллари талон-тарожликлар унинг ўзи учун эмас, балки

уларнинг фикрича ва улар яқинларининг ҳамда улар учун аҳамиятли бўлган шахсларнинг фикрича, зарур бўлган оила ва унинг алоҳида аъзоларини моддий ва маънавий манфаатлар билан таъминланганлик даражасига эришиш билан тавсифланади. Айрим ҳолларда, жинойтчининг ўз манфаатлари умуман эътиборга олинмайди ва у ҳатто тарки дунёвий ҳаёт тарзини олиб боради. Кўпинча, бундай ғаразгўй жинойтчилар ишда ғоят ижобий тавсифланади ва албатта оиласига, айниқса фарзандларига жуда боғланган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ғаразгўй жинойтчилар, деликвент шахснинг бошқа турларига нисбатан асосан турли ижтимоий вазиятлар ва уларнинг ўзгаришларига кўпроқ мослашган, яъни кўниккан бўладилар; ижтимоий меъёрлар ва талабларга яхши мослашиб; вазминроқ бўладилар, ўз хулқларини яхшилаб назорат қила оладилар. Уларга тажовузкор-зўравон ва ғаразгўй-зўравон жинойтчиларга хос бўлган тажовузкорлик ва ахлоқнинг ғайриихтиёрийлиги хос эмас. Улар киришимлироқ бўладилар, уларнинг аксарияти ижтимоий мулоқот ўрнатишда қийинчиликларни бошдан кечирмайди. Уларнинг кўпчилигида раҳнамоликка интилиш, ижтимоий эътирофга бўлган эҳтиёж каби хислатлар учрайди. Уларга жамиятнинг меъёрлари ва талабларига яхши мослашиш хосдир, лекин, шунга қарамай, уларда бу меъёрларни ич-ичдан қабул қилмаслик ва уларни онгли равишда бузиш ҳолати бўлади.

*Эҳтиётсиз жинойтчилар.* Эҳтиётсизлик орқасида жинойт содир этган шахслар қасддан жинойт содир этган шахсларга нисбатан ўзларининг психологик хусусиятларига кўра принципиал тафовутларга эгадирлар. Ушбу шахслар учун қасдли жинойтчиларда бўлгани каби мақсадга эришиш сабабийлиги эмас, балки омадсизликдан қочиш сабаби хосдир. Бундай ҳолда, киши учун муваффақиятга интилиш эмас, балки шахсий ҳалокат деб қаралувчи муваффақиятсизликдан қочиш муҳим бўлиб қолади.

Эҳтиётсиз жинойтчилар учун ҳаётий вазиятларга таъсирчанлик нуқтаи назаридан интрапунитив таъсирлар, ёки экстрапунитив таъсирлар хос бўлган, яъни айбни атрофдагиларга ағдариш мойиллиги бўлган қасдли жинойтчилардан фарқли ўлароқ, уларга содир этилган жинойт учун айбни кўпроқ ўз зиммаларига олиш хосдир. Мазкур шахслар тоифасида турли вазиятлардан хавотирланиш юзага келишига мойиллик кузатилади. Улар ўзларига

ишончсизлик, руҳий зарба вақтида безовта бўлишга мойиллик, ортиқча ўзини ўзи назорат қилиш туйғулари кўринади. Экстремал (қалтис) вазиятларда бундай шахслар кўрқувга осон бериладилар ва таҳдидли эга вазиятда рационал эмас, балки ҳиссий таъсирланишга мойилдирлар. Буларнинг барчаси фавқулодда шароитларда бажарилаётган ҳаракатлар самарасининг пасайиши ва хатолар миқдорининг ошишини назарда тутаяди. Уларда тўсиқларга чидамлилиكنинг паст даражаси кузатилади, ушбу вазиятлар мутаносиб мослашувнинг бузилишига ва қарор қабул қилишдаги қийинчиликларга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай шахслар учун олдиндан айтиб бўлмайдиган яқунли, амалдаги омилларнинг тез-тез алмашиши ва тартибга солинмаган ўлчовларга эга вазиятлар руҳий зарба (стрессли) ҳисобланади. Бундай ҳолатда улар стереотипли, андазали ҳаракатларга мойил бўладилар ва ҳолатни етарли даражада холисона таҳлил қилиш аҳволида бўлмайдилар, бу эса олдиндан билиш мумкин бўлган натижаларнинг бузилишига олиб келади.

Эҳтиётсиз жиноятчи шахсиятининг бошқа хусусияти айбдорлик ҳиссининг мавжудлигидир. Бу туйғу билан боғлиқ ҳолат улар учун субъектив равишда одатий бўлиб қолади ва улар онгсиз равишда унга интиладилар. Шунинг учун, онгсиз равишда ўзини айбдорлик ҳиссини фаоллаштириш билан боғлиқ шароитларга солиб қўйиш анъанаси америкалик психолог Э. Берннинг терминологияси бўйича, мазмунига кўра, сценарийли характерга эга бўлиши, яъни онгсиз ҳаётини интилиш, кишининг ахлоқини белгилаб берувчи ва унинг учун ҳамма қилмишлари ва умуман ахлоқини тизиб қўювчи сабаб бўлиб ҳисобланган дастур сифатида намоён бўлиши мумкин. Жиноят улар учун онгсиз равишда ўзларини айбдорлик ҳиссини максимал даражада кучли ҳис қилишлари ва узоқ вақт, ҳатто доимо шу ҳолатда қолишлари мумкин бўлган вазиятга солиб қўйишга интилиш билан белгиланадиган ҳаётнинг муайян қонуний ҳолати ҳисобланади. Эҳтиётсиз жиноят интерпретациянинг ушбу жиҳатидан айбдорлик ҳиссини максимал даражада бошдан ўтказиш ва қолган бутун умри давомида уни бошдан кечиришни давом эттиришнинг субъектив имконияти сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, эҳтиётсиз жиноятни асосий ҳаётини муаммони ҳал этиш – келгусидаги ҳолатлардан қатъи назар, келажакда доимо айбдорлик

хиссини туйиш имконини берувчи ҳаётий таржимаи ҳол фактини қўлга киритишга имкон берувчи ўзига хос экзистенциал ютуқ деб баҳолаш мумкин.

Қайд этилган деликвент шахснинг психологик хусусиятлари таҳлилидан қуйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Психологик хусусиятлар ва жиноий фаолият ўртасида аниқланган алоқа муҳит маълум даражада таъсир қилганда психологик алоқаси жиноий ахлоқнинг реал равишда амалда потенциал омилларидан бири сифатида кўриб чиқиш имконини беради, чунки муҳит ушбу омил намоён бўлишига худди кучайтирувчи таъсир каби, уни тўхтатувчи таъсир ҳам кўрсатади.

2. Келтирилган жиноятчиларнинг ахлоқий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, деликвент шахс қонунга риоя қилувчи шахс бўлганида улар мазкур тоифадагилар учун жиноий аҳамият касб этувчи ва ўзига хос меъёрий салбий тизим ёки мустаҳкам психологик хусусиятлари билан фарқ қилади.

### **3-§. Ўзини ўзи барбод қилаётган шахс ахлоқининг психологик таҳлили**

Субъектнинг руҳан ўзини ўзи емирувчи ахлоқини тушуниш учун унинг дунёга нисбатан бўлган рационал ва иррационал муносабатлари хусусиятини ҳисобга олиш зарур. Инсон ўз ахлоқини мавжуд ҳаётда режалаштира ва башорат қила туриб, онгсиз равишда ўзини мақсадга эришиш йўлида кутиб турган тахминий энергетик сарфларига умид қилади. Мақсадига эришиш жараёнида инсон иш бажариш учун зарур бўлган энергия миқдорини чиқаришга қодир бўлмай қолса, у ҳолда унда чарчоқ ҳолати пайдо бўлади ва қўшимча равишда зарур энергия ишлаб чиқариш учун ишни тўхтатиб туриш истаги пайдо бўлади. Агар кишининг режалари ва башоратлари хато бўлиб чиқса ва у талаб қилинганидан кўпроқ энергия сарфлаган бўлса, унда ҳаяжонланиш ҳолати пайдо бўлади. Киши ўзини деярли ҳар нарсага қодир деб ҳис қилади. Буни одамда кутилмаганда шунчалик кўп пул пайдо бўлган ва у бу пулларни қаерга сарфлашни билмаётганлиги ҳолати билан тенглаштириш мумкин. Шунинг учун, кўпгина индивидлар иложи борича кўпроқ шундай ҳолатга тушишга ҳаракат қиладилар. Унга рухий фаол моддалар деб аталувчи воситалар ёрдамида

эришилади. Рухий фаол модда – бир марта қабул қилишнинг ўзида кайфиятни, жисмоний ҳолатни, ўзини ҳис қилишни ўзгартириш, уни ўраб турган оламни, ахлоқни ўзлаштириш ёхуд бошқа руҳий-жисмоний самаралар бериш, узоқ вақт давомида қабул қилишда эса руҳий ва жисмоний тобеликни келтириб чиқарувчи ҳар қандай кимёвий моддага айтилади.

Рухий тобелик - доимий ёки даврий равишда руҳий-фаол моддани астойдил излаш билан тавсифланувчи ўрганиб қолишдир. Жисмоний тобелик эса – толерантликнинг ортиши, яъни бекор қилиш синдроми юзага келишини бартараф қилиш учун модданинг ўсиб борувчи дозаларини қабул қилиш зарурияти билан тавсифланади. Бекор қилиш синдроми (абстиненция) – руҳий фаол моддаларни истеъмол қилишни тўхтатиш натижасида юзага келувчи ва хавотир, ваҳима, аффектли зўриқиш, ички нотинчлик, аччиқланувчанлик ва кайфият, юрак уришининг пасайиши, титраш ёки, аксинча, терлашда намоён бўлувчи ўзига хос синдромдир.

Толерантлик (барқарорлик) – наркотикли таъсир қилувчи модданинг маълум дозасига бардош бериш қобилиятидир; исталганча самара берувчи минимал доза билан белгиланади.

Рухий-фаол моддалар орасида наркотиклар, захарли ва психотроп таъсир кўрсатувчи дори воситалари алоҳида ажралиб туради. Наркотик деганда, одатда, қуйидаги мезонларга мос келувчи модда тушунилади:

- руҳий жараёнларга ўзига хос – седатив, рағбатлантирувчи, галлюциноген ва шу кабилар (тиббий мезон) таъсир кўрсатади;

- моддани оқибати ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, улкан кўламларга етадиган даражада нотиббий истеъмол қилиш (ижтимоий мезон);

Наркотиклар гуруҳига киритилмаган руҳий фаол моддалар одатда захарли моддалар ҳисобланади. Уларда наркотикларнинг барча психотроп хоссалари мавжуд бўлиб, тобелик шаклланишининг умумий қонуниятларига эгадирлар. Бунинг устига, тобелик шаклланиши натижасидаги бузилишлар ҳатто ўта оғир ҳам бўлиши мумкин. Бироқ уларни суиистеъмол қилишнинг ижтимоий хавфи ҳозирча унча катта эмас. Рухий фаол воситаларга алкоголь, кўкнори маҳсулотлари, каннабис, седатив ва ухлатувчи моддалар, кокаин, кофеин, галлюциногенлар, тамаки, учувчан эритувчи моддалардан иборат кучайтирувчи моддалар киради.

Гиёҳвандлик – наркотиклар рўйхатига киритилган моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилиш оқибатида юзага келган касаллик (тобелик). Заҳарвандлик (токсикомания) – наркотикларнинг расмий рўйхатига киритилмаган моддага, баъзан руҳий, баъзан эса жисмоний боғлиқликда намоён бўладиган тобелик. Уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда наркотиклар ёки руҳий-фаол заҳарли моддаларни суиистеъмол қилиш гиёҳвандлик ёки токсикомания деб ҳисобланмайди. Бундай ахлоқни наркотизм ёки токсикоманик ахлоқ, эпизодик суиистеъмол қилиш ва бошқалар деб аташ таклиф этилади. Психологлар бу ҳолда "аддиктив ахлоқ" (инглизча addiction) - ҳалокатли одат, нуқсонли мойиллик атамасини қўллайдилар.

*Аддиктив ахлоқ* – девиант (оғувчи) ахлоқнинг баъзи моддаларни қабул қилиш ёки эътиборини доимий равишда шиддатли ҳиссётларини ривожлантириш ва қўллаб туришга йўналтирилган фаолиятнинг маълум бир турига қаратиш воситасида ўз руҳий ҳолатини ўзгартириш йўли билан воқеликдан қочишга интилиш ҳосил бўлиши шаклларида биридир. Бу жараён кишини шунчалик қамраб оладики, ҳатто унинг ҳаётини бошқара бошлайди. Киши ўз иштиёқи олдида ночор бўлиб қолади. Ирода кучи заифлашади ва аддикцияга қаршилик кўрсатишга имкон бермайди.

Аддикциянинг емирувчи хусусияти шунда намоён бўладики, бу жараёнда ҳис-ҳаяжонли муносабатлар бошқа одамлар билан эмас, балки жонсиз предметлар билан ўрнатилади. Инсонлар билан ҳиссий муносабат ўз аҳамиятини йўқотади, юзаки бўлиб қолади. Аддиктив равишда амалга ошириш усули воситадан аста-секин мақсадга айланади. Мушкул ҳолларда вақти-вақти билан шубҳа ва ташвишлардан чалғиш ҳамма учун ҳам зарур, лекин аддиктив ахлоқ ҳолатида у ҳаёт услуби бўлиб қолиб, унинг жараёнида инсон доимий равишда реал борликдан қочувчи қопқонга тушиб қолади. Аддикция шакллари бир-бири билан алмашиб туриши мумкин, бу эса муаммо ҳал бўлиши ҳақидаги хом хаёлларни янада мустаҳкамроқ ва кучлироқ қилиб қўяди. Бу эса нафақат аддиктнинг ўзи балки унинг атрофидагилар учун ҳам хавфлидир. Аддиктив равишда амалга ошириш дўстлик, севги, фаоллик бошқа кўринишларининг ўрнини босади. У вақтни, куч, энергия ва ҳиссиётни шу даражада ютиб кетадики, аддикт ҳаётда мувозанатни сақлаш, фаолликнинг бошқа турларига киришиш, одамлар билан

мулоқотдан лаззат олиш, қизиқиш, релаксацияланиш, шахснинг бошқа томонларини ривожлантириш, ўз майлини намоён қилиш, хатто энг яқин кишиларини ҳиссий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лаёқатсиз бўлиб қолади.

Шахсиятлараро муносабатлар аддикт учун ғоят кутилмаган бўлиб, улар катта ҳаракатлар, кўпгина ҳиссий сарфлар, фикрлаш фаолияти ғайратни ва ўзини аямасликни талаб этади. Жонсиз моддалар, предметлар ва фаолият турлари билан ўзаро муносабатда бўлишни эса доимо олдиндан билиб бўлади, қулайликка этишиш самараси эса деярли доим кафолатланган бўлади. Жонсиз предметларни манипуляция қилиш эса осон, шунинг учун вазиятни назорат қилиш лаёқатига ишонч ортади. Шуниси кўрқинчлики, аддиктларда манипуляцияли услуб шахслараро мулоқотлар доирасига ўтади. Шундай қилиб, аддиктив шахснинг олам билан ўзаро муносабатида ўзига хос қайта мослашув содир бўлади: аддиктив вакиллар билан предметли муносабатлар "жонланади" ва шахслараро муносабатлар "предметланади".

Маълумки, умуминсоний тажриба, ижтимоий меъёрлар, кадриятлар, билимлар ва фаолият усуллари шахс томонидан бошқа одамлар билан мулоқотлар жараёнида ўзлаштирилади. Аддикт ўзини бу жараёнлардан тўсиб олади, ўз ҳаётини тажрибасини бойитишдан тўхтайдди, шу орқали мулоқотнинг энг муҳим вазифаларини бузади. Аддиктнинг бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолияти жараёнида ўзаро қийинчиликлар юзага келади. Мулоқотнинг дисфункционал жараёнлари билан бир қаторда шахслараро перцепциянинг идентификация, эмпатия, рефлексия каби аҳамиятга эга бўлган механизмлари бузилади, ўзгариб кетади ва ўз қимматини йўқотади. Демак, ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўриш, қўшилиб қайғуриш, ўзини атрофдагилар қандай қабул қилишини тасаввур этиш лаёқати йўқолади. Ахлоқнинг аддиктив шаклига эга бўлган шахсларнинг қуйидаги психологик хусусиятлари алоҳида ажратилади:

1. Инқирозли вазиятларга яхши чидамлилиқ билан бир қаторда қийинчиликларга чидамлилиқнинг пастлиги. Бунга шахсда гедонистик йўл-йўриқлар мавжудлиги – дарҳол қониқишга эга бўлиш, ўз истакларини қондиришга интилиш сабаб бўлади. Агар истаклар қондирилмаса, унда аддиктлар ёки салбий ҳиссиётларнинг портлаши, ёхуд пайдо бўлган муаммолардан қочиш орқали муносабат билдирадидлар.

2. Ташқаридан намоён қилинган устунлик билан уйғунлашган номукамалликнинг яширин комплекси. Кайфиятнинг тез-тез ўзгариши, ишончсизлик, уларнинг лаёқатлари объектив равишда текширилиши мумкин бўлган вазиятлардан қочишда ўз аксини топади.

3. Ёлғон гапиришга интилиш. Аддиктлар кўпинча ўз ваъдаларида турмайдилар, субутсизликлари, қоидаларга риоя қилмасликлари билан ажралиб турадилар.

4. Мустаҳкам ҳис-ҳаяжонли мулоқотлар олдидаги кўрқув билан уйғунлашган ташқи ижтимоий муносабатлар.

5. Улар бошқаларнинг айбсизлигини билиб турса-да, айблашга интиладилар.

6. Қарорлар қабул қилишда жавобгарликдан қочишга интилиш. Жавобгарликни бошқаларга ағдариш, зарур вақтда оқловчи далилларни излаш.

7. Ахлоқнинг стереотиплиги, такрорийлиги. Ахлоқнинг юзага келган стереотипини олдиндан билса бўлади, лекин уни ўзгартириш қийин.

8. Тобелик. Аддиктив йўналишли бошқа одамлар таъсирига бўйсуниб кўринишида намоён бўлади. Баъзан пассивлик, мустақилликнинг йўқлиги, мадад олишга интилиш кузатилади.

9. Хавотирлилик. Номукамаллик, тобелик комплекси билан маҳкам боғлиқ. Бунинг ўзига хослиги шундаки, кризисли вазиятларда хавотирлилик иккинчи ўринга тушиб қолиши мумкин, бундай вақтда у оддий турмушда ёки ташвишлар учун ҳақиқий сабаб бўлмайдиган воқеаларда яққол сабабларсиз юзага келади.

Воқеликдан қочиш ўзига хос «қочиш» кўринишида, борлиқнинг барча жиҳатлари билан ўзаро уйғун муносабатда бирон-бир йўналишда фаоллашиш юзага келганда содир бўлади. Бунда инсон диққатини фаолиятнинг тор йўналган соҳасига жамлайди (кўпинча ўзини ўзи емирувчи шахс). Н.Песешкяннинг концепциясига мувофиқ «воқеликдан қочишнинг» тўртта тури мавжуд: 1) "ўз қобиғига беркиниш"; 2) "ишга берилиб кетиш"; 3) "алоқаларга ёки аксинча, ёлғизликка интилиш"; 4) "хом хаёлларга берилиш".

«Ўз қобиғига беркиниш» кўринишидаги воқеликдан қочишни танлашда оила, хизматда кўтарилиш ёки қизиқиш, одатий ҳаёт кадриятлари иерархиясини ўзгартириш, фаолиятни ўзгартиришга



қаратилган. Бунда фақат ўзини жисмоний ёки руҳий жиҳатдан такомиллаштиришни мақсад қилган анъанавий ҳаёт тарзини эгаллаш юз беради. Бунда соғломлаштириш тадбирлари, ўзаро жинсий муносабатлар, шахсий қиёфа, дам олиш сифати ва бўшашиш усулларига қизиқиш гиперкомпенсаторли бўлиб қолади.

"Ишга берилиб кетиш" инсоннинг, меҳнаткаш бўла туриб, ҳаётнинг бошқа соҳалари билан тенглаштириб бўлмайдиган вақтни ажрата бошлайдиган хизмат ишини номутаносиб тарзда ташкил этиши билан тавсифланади.

Коммуникатив қадриятнинг ўзгариши мулоқотда бўлиш ёхуд барча эҳтиёжларни қондиришнинг ягона исталган усули бўлиб қолувчи, "мулоқотларга ёки ёлғизликка интилиш" кўринишидаги ахлоқни танланган тақдирда шаклланади.

"Хом хаёлларга берилиш" - бу ҳаётда ниманидир рўёбга чиқариш, бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, реал фаолликни мавжуд бўлмаган ҳолда намоён қилиш истагини фикрлаш, хаёл қилишга мойилликдир. Наркотик моддалар истеъмол қилиш инсоният томонидан қадим даврлардан буён қўлланиб келганига қарамай, улар таъсирининг ижтимоий кўлами ғоят чекланган эди. Биринчи навбатда, бу наркотикларнинг руҳиятга таъсири одатлар туфайли ёки диний таъсир кўрсатиш шаклларида фойдаланилганлиги учун рўй берган. Наркотик моддалар бу ҳолда ўзгарган ҳолатда воқеликдан ташқарига чиқиш ва илоҳиёт билан «мулоқот ўрнатиш», келажакни олдиндан айтиб бериш учун ишлатилган. Демак, наркотиклар пухта тузилган фаолиятга киритилган бўлиб, маълум ижтимоий-психологик мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қилган. Маросимларнинг бундай қатъий чизилган тузилмаси, уларнинг жамоавий хусусияти индивидуал онг ва ривожланмаган шахсият ибтидосининг ўрнини тўлдириш имкониятини берган. Айнан шу нарса наркотикларни оммавий кўламдаги руҳий фаол восита сифатида истеъмол қилишнинг тарқалишидан ҳимоя қилган.

Наркотиклар етиштиришнинг чекланганлиги ва ёқимсиз ҳислар туфайли қабул қилинмаслигига олиб келувчи табиий биологик ҳимоя механизмларининг таъсири бошқа тўхтатиб турувчи омиллар ҳисобланган. Кейинчалик кимёвий йўл билан наркотик моддалар олиш мумкинлиги, уларнинг саноатда ишлаб чиқарилиши ва сотишдан олинадиган мисли кўрилмаган фойда

наркотиклар истеъмол қилишнинг назоратга олиб бўлмайдиган даражада ўсиши ва наркотик қарамликнинг кенг кўламда шаклланишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда гиёҳвандлик шаклланишининг сабаблари тўғрисида кўплаб назариялар (фикрлар) мавжуд. Улардан энг кўп тарқалганларини кўриб чиқамиз.

1. *Дегенератив назариялар.* Уларда гиёҳвандлик асосан "айниётган" шахсларга хос бўлган нуқсон шаклида кўрилади. Наркотикларга энг кўп ўрганиш психопатик, инфантил ёки ипохондрик-меланхолик, баъзан вегетатив-оғриқли комплексли (мигрень) шахсларда учрайди. Шунингдек миянинг органик касалликларини бошидан ўтказган, олигофрения, тутқаноқ билан касалланганлар унга тезда ўрганади. Жиноят оламида Гиёҳвандларнинг анча миқдори тубанлашган элементлар ва фоҳишалар орасида, яъни биз делинквентлар деб белгилаган шахслар орасида кузатилади. Наркотиклар жуда қиммат туради, шунинг учун уларни истеъмол қилишга ружу қўйганлар уларни топиш учун ҳар қандай усулларни излашга мажбур бўладилар. Бир қатор муаллифлар гиёҳвандликка мойиллик наслдан наслга ўтади деб кўрсатадилар.

2. *Биологик назариялар.* Боланинг у ёки бошқа сабаблар таъсири остида ривожланиш жараёнида маълум мия ҳосилалари, биринчи навбатда - кишининг ҳиссиётига жавоб берувчи лимбик тизими шикастланади деган тахминлар мавжуд. Бу шикастланишлар жуда нозик бўлиб, чамаси, нейронлар (бош мияси хужайралари) ўртасида мулоқот ва алоқалар ўрнатиш даражасида, шунингдек нейронларнинг ўз тузилишлари даражасида содир бўлади. Бош миянинг тўғри ривожланиши турли сабаблар таъсирида: механик шикастланишлар (мия чайқалишлари), юқумли касалликлар, айниқса вирусли, турли-туман захарланишлар, шу жумладан озиқ-овқатдан оғир захарланишлар натижасида, шунингдек рухий зарбалар натижасида бузилиши мумкин. Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда аниқланишича, болалар ота-онасидан ажратиб қўйилган ҳолларда уларда эндорфинли рецепторлар фаоллиги ортади, бу эса хавотирлик туйғуси ва нотинч ахлоқ юзага келишига олиб келади. Шубҳасиз, инсон болаларида ҳам худди шу ҳолат содир бўлади. Опий таъсирига берилувчан рецепторларнинг юқори фаоллиги наркотик ёки

алкоголнинг ортиқ миқдори билан мувозанатлашади, бу эса суиистеъмолчилик сабаби бўлиб хизмат қилади.

3. *Психодинамик назариялар.* Героин таъсирига қарамлик ва тегишли ҳаёт тарзини кечириш мазкур назарияларда шахснинг «Мен»ининг секинлашган ривожланишга мослашуви деб кўриб чиқилади. Рухият бузилишларининг хос шаклланиши учун кескин давр сепарация-индивидуаллашиш босқичининг ривожланиши ҳисобланади.

"Мен" – воқелик тамойилларига мувофиқ равишда онгсиз интилишлар ва унинг истакларини бошқарган ҳолда ҳаёт талабларига мослашиш имконини берувчи руҳий тузилишдир. У бутун ҳаёт давомида узлуксиз равишда, лекин болаликда – тезроқ, чақалоқликдан бошлаб ривожланиб боради.

Сепарация - шахс ривожланишининг бошланғич даври бўлиб, унда шахснинг ўзини ташқи дунёдан ажратиб олиши содир бўлади ва атрофдаги объектлар билан фаол ўзаро муносабатлар жараёни бошланади.

"Меъёридан ортиқ - Мен" – «Мен»га нисбатан судья ёки цензор ролини ўйновчи, ахлоқий онг, ўзини ўзи кузатиш ва идеаллар шаклланишига жавобгар бўлган руҳий босқич; ота-оналарнинг талаблари ва тақиқлари интериоризацияси натижасида ҳосил бўлади.

Бу даврда шахсий қадр-қиммат туйғуси, ички турткиларни бошқариш ва «меъёридан ортиқ Мен» функцияси ривожланади. Агар бола ота-онасидан бир-бирига қарама-қарши кўрсатмалар олса, унда унинг ахлоқида ноаниқ чеклашлар ва аҳамиятли зотларга мутелик вужудга келади. Агар келгусида улар унинг ёнида бўлмаса, бу жиддий ҳис-ҳаяжонли йўқотишга айланади. Бундай вазиятда болада айбдорлик туйғуси ривожланади, у унга нисбатан муҳаббат туйғуси йўқолишига ўзини сабабчи деб билади. Натижада унда оғриқли таъсирга эга бўлган ишончсизлик, ҳеч кимга кераксизлик ва қониқтирилмаган муҳаббатга эҳтиёж туйғуси ривожланади. Бу вақтда унда муҳаббатга боғланиб қолиш ва қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёж дарҳол сунъий объект – наркотик ёрдамида қаноатлантирилиши мумкин.

Наркотиклар истеъмол қилишдан қийналиш ушбу ички низони ҳал этиш ҳисобланади. Бундай ҳолда, гиёҳванд худди наркотикка қарам бўлиб қолгани каби, унга ҳамроҳ бўлган азобланишга ҳам

карам бўлиб қолади. Гиёҳванд наркотик истеъмол қилишдан олдин ҳам, истеъмол қилганидан кейин ҳам – одамлардан унга бевосита ёрдам беришларини сўрашга лаёқатсиз бўлади. У ўзини рад этилиши кўркувидан ҳимоя қилувчи манипулятив ахлоқ воситасида вазиятни назорат қилади. Бундай ахлоқнинг мақсади истакни зудлик билан қондириш ҳисобланади. Гиёҳвандлар келажакка ишонмайдилар, улар учун бошқаларга нисбатан ишончсизлик, шунингдек ўзига бўлган ишончнинг умуман мавжуд эмаслиги хосдир. Умумэътироф этлган фикрларга кўра, гиёҳвандлар ҳаёт қувончларини қабул қилмайдилар, улар муваффақиятдан кўрқадилар, уларнинг ахлоқи деструктив хулқ-атворда – асоссиз тажовузкорлик ёки суицидал ҳаракатларда намоён бўлади. Аслида эса уларнинг муваффақиятдан кўрқиши бу муваффақият узоққа чўзилмаслиги, қачондир тугаши ва улар яна худди болалигидагидек чидаб бўлмайдиган оғриқ, кўнгил қолиши ва бошқа салбий ҳиссиётларни туйишлари мумкинлиги тўғрисидаги кўркувга асосланган бўлади. Шу боис, бу кўркувни енгиш учун гиёҳванд онгсиз равишда ўз муваффақиятини бузишга интилади. Демак, гиёҳвандни яна боладек тобекликда бўлишига ва мажбуриятга эга бўлмасликка уринаётган шахс сифатида кўриб чиқиш мумкин. Илк эҳтиёжларини дарҳол қондириш билан тавсифланувчи бундай инқирозлар – ота-онадан ажралиш жараёнида ишонч ва хавфсизлик муҳити мавжуд бўлмаган ташвишли эрта болаликнинг натижаси ҳисобланади. Шундай қилиб, наркотикларга қарамликни қаттиқ ҳаяжонда юзага келган оғриқни енгиллаштириш ва бир қанча вақтга ўзини бошқариш ва ишлаш лаёқатини оширишга йўналтирилган адаптив ахлоқ сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бир қатор тадқиқотчилар, наркотиклар қабул қилиш вақтидаги эйфория (кўтаринки кайфият) ҳолатини таърифлашда уни шахвоний табиатга киритадилар ва либидоноз фаолиятининг бузилиши кўринишидаги ўзига хос фармакогенли оргазм сифатида баҳолайдилар. Демак, жинсий муносабатлардан олинadиган лаззат фармакоген табиатга эга бўлган лаззат таъсири билан алмаштирилади. Севги объектларига бошқа зарурият бўлмайди ва гиёҳванд мазкур ҳолатда ўзининг бенуқсон эканлигини ҳис қилади, зеро у билан бошқа ҳеч нарса содир бўлмайди. Лекин кейин фармакотимик кризис бошланади, ундан чиқиб кетишнинг эса учта йўли мавжуд: 1) суицид, бунда бемор унинг қувончи абадий

бўлади деб ҳисоблайди; 2) вақтинчалик ремиссияга қочиш; 3) психоз – руҳий касалликнинг бошланиши.

4. *Тизимли-йўналтирилган назариялар.* Гиёҳвандлик бу ерда оилавий ёки бошқа муносабатлар тизимида патологик (нуқсонли) мувозанат натижаси каби кўриб чиқилади. Шахсий муносабатларда гиёҳванд ҳамкорига ундан кучлироқ бўлиш имкониятини беради. Ўсмир гиёҳвандлар учун «уйдан узилиш» муаммоси хосдир. Бу ерда гиёҳвандлик сохта мустақиллик ва сохта индивидуаллашувни қўлга киритиш учун хизмат қилади. Бу ота-оналарнинг ўта қатъий ғамхўр ёки аксинча, уларнинг тўлиқ бефарқ бўлган ҳолатларида содир бўлади. Шундай қилиб, ота-оналар томонидан эрта жароҳатланиш болани "салбий боғланиши", "хўрланиш ваҳимаси"га олиб келади. Ҳатто у улғайганда ҳам, ота-оналари унинг учун аввалгидек уларга тобе бўлган ва улардан узила олмайдиган ўта аҳамиятли шахслар бўлиб қолади, ёхуд ўзини инкор қилишгача бўлган салбий эътибор ва баҳолаш объекти ҳисобланади.

5. *Ижтимоий назариялар.* Мазкар назариялар наркотикларни суиистеъмол қилишни жамиятнинг дисфункцияланиши натижаси деб ҳисоблашади. Муаллифларнинг фикрича, одамлар жамиятдаги босимдан қочиш ёки уларнинг меъёрларига қарши норозилик белгиси сифатида наркотик истеъмол қиладилар. Ушбу назария айрим тарафдорларининг таъкидлашича, бирорта ҳам гиёҳвандни даволаш таъсири остига тушириб бўлмайди, чунки у жамиятни дисфункцияловчи гиёҳвандликнинг ҳақиқий сабабига таъсир кўрсата олмайди. Уларнинг таъкидлашича, даволаш фақатгина ўз моҳиятига кўра на касал, на аномал бўлган одамларни шарманда қилиши мумкин. Бу нуқтаи назарни аксарият америкаликлар – ҳарбий ҳаракатлар вақтида героин истеъмол қилишга қизиқиб қолган Вьетнам уруши фахрийларининг нормал ҳаётга қайтишлари билан ҳеч қандай муаммосиз уни истеъмол қилишдан воз кеча олганликлари ҳолати билан тасдиқланади.

Замонавий психология наркотиклар истеъмол қилишнинг бир нечта сабабий даражаларини ажратади.

Биринчи даража – онгсиз бўлиб, туғилиш вақтидаги шикастланишга алоқадор бўлади. Туғилиш вақтидаги жароҳат руҳиятдаги салбий жараёнларнинг аксарияти учун асос бўлади, чунки оддий онгли ҳаракатлар йўли билан улардан қутулиш имкони бўлмагани

сабабли, бу салбий ҳиссиётли зарядни инсон ўз ичида олиб юради. Бу даражада шахснинг бошланғич тузилиши ва наркотиклар ҳамда стимуляторларни истеъмол қилишнинг асосий кўзгатувчи сабаблари ҳосил бўлади.

Иккинчи даража - интуитив, тана хотирасига асосланади. Бизнинг барча салбий ҳиссиётларимиз танамизда букувчи мушаклар ва ростловчи мушаклар ўртасидаги ҳаракатга туртки берувчи мушаклар ва уни ушлаб турувчи мушаклар ўртасидаги кучланиш кўринишида акс этади. Бу кучланишни ирода кучи ёки бирон-бир шунга ўхшаш куч билан юмшатиш мумкин эмас. Шу вақтнинг ўзида, наркотиклар ва стимуляторлар, танага таъсир кўрсатган ва онг ҳолатини ўзгартирган ҳолда шундай имкониятни беради.

Учинчи даража – онгли, симптомни (аломатни) кучайтириш шаклида. Қандайдир ички муаммонинг ҳал бўлиши учун инсон онгли равишда гўё унинг барча кўринишларини кучайтирган ҳолда ўзининг охириги ҳолатига, бемаънилик даражасигача етказиши мумкин. Бу ҳолда, унинг энг охирига етиш учун вазиятни атайлаб кескинлаштиришда ва муаммо ҳал бўлади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти гиёҳвандликнинг (токсикоманиянинг) қуйидаги диагностик аломатларини таклиф этади:

1) табиий ёки синтетик захарли моддани такрорий равишда қабул қилиш натижасида гиёҳвандда унинг ўзи ва атрофидагилар учун зарар ва хавф туғдирувчи даврий ёки сурункали захарланиш ҳолати юзага келади;

2) ўсиб бораётган захарга чидамлилиқ (ва ҳис-ҳаяжонли самаранинг пасайиши) туфайли гиёҳванд дозани оширишга мухтож бўлади;

3) у энди захарни қабул қилишдан бош тортиш лаёқатига эга бўлмайди, чунки қабул қилишни тўхтатишда унда жисмонан оғир, руҳан чидаб бўлмайдиган ҳолат юзага келади.

*Гиёҳвандликда шахснинг психологик ва физиологик ўзгаришлари.* Ланжлик, пассивлик, жиззакилик, иродасизлик, ҳиссиёт ўзгарувчанлиги, худбинлик, қизиқиш доирасининг торайиши, ўз қилмишларига бўлган танқидий муносабатнинг пасайиши хосдир. Гиёҳванднинг ташқи қиёфаси ҳам ўзгаради: юзи сарғиш-заҳил тус олади, териси қуруқлашади, кўз қорачиқлари ингичкалашади,

артериал қон босими пасаяди, жинсий функция ўча бошлайди, ой кўриш тўхтайди, ич кетишлар ёки ич қотишлар юз беради. Яққол акс этган гиёҳвандликда кўллар қалтираши, секинлашган ёки тушунарсиз нутқ кузатилади. Абстиненцияда хавотир, ғам-ғусса, баъзан суицидал уринишлар, бўғинлар, белнинг тез-тез оғриши, тахикардия, нафас олиш тезлашувининг, тана ҳароратининг кўтарилиши, қайт қилиш, ич кетиши, титраш хосдир. Гарчи гиёҳвандликнинг ўтиши ва башорати, қоидага кўра, алкоголизмга нисбатан жиддийроқ бўлсада, унинг юзага келишининг кўплаб шарт-шароитлари ва шахсни қизиқтирувчи хусусиятлари гиёҳвандлик ва алкоголизм учун умумий ҳисобланади. Гиёҳвандликнинг алкоголизмга нисбатан оғирлиги (камроқ даражада) шахснинг мойиллик хусусиятларига ва истеъмол қилинаётган модданинг кимёвий ва фармакологик хоссаларига (кўпроқ даражада) унинг физиологик ва руҳий қарамликни юзага келтириш лаёқатига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, гиёҳвандликнинг моҳияти морфин, кокаин, героин каби кучли наркотиклар истеъмол қилувчи шахслар ва стимуляторлар, барбитуратлар, каннабис ва бошқаларни истеъмол қилувчиларда бир хил бўлмайди. Гиёҳвандликнинг оғирлиги шунингдек, ёш ва жинсга боғлиқ. Наркотиклар ва алкоголь қабул қилиш кўпинча ҳаётий эҳтиёжларга нисбатан ўрин босувчи рол ўйнайди. Уларнинг ёрдами билан индивид кундалик ғам-ташвишлардан узоқлашади. Мазкур психологик тадқиқотлар бўйича гиёҳвандлар ва алкоголиклар ўзи ҳақида паст фикрга эгадирлар ва ўзларига ишонмайдилар. Доимо бўлиши мумкин бўлган омадсизликлар юзасидан хавотирда бўлган ҳолда, танқидни ўзларига оғир оладилар ва доимий мақтовлар ва рағбатлантиришларга муҳтождирлар. Кўпинча улар наркотиклар ва алкогольни хавотирни босиш, салбий ташвишлар ёки депрессиядан чалғиш учун истеъмол қиладилар. Гиёҳвандлик юзага келишида оила алкоголизм ривожланишига нисбатан камроқ рол ўйнайди. Шу билан бирга, эр-хотиннинг бири гиёҳванд бўлган ҳолда иккинчисини гиёҳвандликга жалб қилиш ҳоллари ҳам кўп учраб туради.

Алкоголизм – этилли алкогольга ўрганиш ва кейинчалик алкоголь унга руҳий ва физиологик жиҳатдан қарам бўлиб қолишдан, иборат бўлиб, соматик ва руҳий соғлиқни бузади,

бошқа одамлар билан низоларни келтириб чиқаради, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келади.

Алкоголга ўрганиб қолиш ҳолати мавжуд бўлиб, ичувчи одам ичимлик миқдорини назорат қилиш ва ҳатто ичиш тўғри келмайдиган вазиятларда уни истемол қилишни *вақтинча тўхтатишга* қодир бўладиган маиший алкоголизм ва юқорида қайд этилган имкониятлари йўқоладиган *сурункали алкоголизмга* ажратилади. Бундай ҳолларда алкогольга иштиёқлилиқ ўзгаради ва керакли самарага эришиш учун унинг миқдорини секин-аста оширишга тўғри келади. Кейинчалик чидамлилиқ пасаяди ва алкогольнинг нисбатан кам миқдориди ҳам мастлик юзага келади.

Алкоголизмнинг қуйидаги социопсихологик мезонлари ажратилади: субъект эрталабдан алкогольли ичимлик ичиб олмаса, ишни бажара олмайди (акс ҳолда унда абстиненция кўринишлари ривожланади); у истемол қилинаётган ичимликлар миқдорини бошқара олмайди ва танаффуслар қилиш қийин бўлади ёки иложи бўлмайди; амнестик мастлик ҳолатлари мавжуд бўлди (алкогол ўз ахлоқи устидан назоратни йўқотади ва келгусида у ҳақда эслай олмайди); ва ниҳоят, мастлик даврлари юзага келса, маст ҳолда такроран ҳуқуқбузарликлар содир этса, мунтазам равишда ишлаш имконияти йўқолади ва оилавий муносабатлар бузилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу мезонлар гиёҳвандлар учун ҳам хосдир.

Алкоголизмнинг психологик тадқиқотларида илгари Фрейд болалик ёшида аниқланган ва кейинчалик сақланиб қолган лабларнинг конституционал эротизмига эга бўлган ўғил болалар улғайганларида ифодаланган ичиш ва чекишга бўлган истакларини яққол намоён қилишган. Кейн Абрахам алкоголизм ва шахвонийлик ўртасидаги психологик алоқа тўғрисидаги батафсил ҳисоботни тақдим қилган. Унинг фикрича, алкоголизм сублимацияга лаёқатлилиқни емиради. Натижада алкоголь шахсда яна эрта сиқиб чиқарилган болалар шахвонийлигининг эксгибиционизм, садизм, мазохизм, инцест ва гомосексуализм каби кўринишлари намоён бўлади. Абрахамнинг фараз қилишича, рамзий мазмунда спиртли ичимлик истемол қилиш алкогольдаги шахвоний фаоллиқнинг ўзидир. Бироқ, пировард натижада алкоголизм жинсий заифликка олиб келади, бунинг асосида рашк хом хаёллари пайдо бўлади. Паранойя ҳолатини таҳлил қилиб, Фрейд алкогольли рашк галлюцинациясини мизожнинг латент бесоқолбозлигининг онгсиз ҳаракати деб тушунтиради.



Ижтимоий назария тарафдорларининг таъкидлашича, алкоголь ижтимоий мулоқот жиҳатидан одамлар ўртасида воситачи ҳисобланади ва жамият билан муносабатларни аниқлаштириш учун ички восита каби қўлланилади. Ҳақиқатдан ҳам, бир томондан, алкоголь социум томонидан маъқулланмайдиган қилмишлар содир этилишини енгиллаштирган ҳолда ижтимоий меъёрлар, йўл-йўриқлар ва тақиқларнинг аҳамиятини пасайтиради, бошқа томондан эса – руҳий ўзини ажратиш ва хом хаёлларни ўстиришга имконият беради. Шунинг учун, алкоголь истеъмол қилувчи одам, ташқаридан қараганга нисбатан жамиятга анча кучлироқ боғланган бўлади. Бундай ҳолда, алкоголь истеъмол қилиш кўтарилган, ҳатто ортиқча ўзини назорат қилиш, ички тақиқлар ва руҳиятидаги ота ўрнининг аҳамияти билан боғлиқ бўлади. Бундай одамлар доимий равишда уларга ичидан бўшаниш имконини бермай, ўзларининг тинч қўймаётган ички «керак» ва «мумкин эмас»лари билан муносабатларни аниқлаб борадилар. Улар учун бу ўзини назорат қилишдан ҳатто мастлик ҳолатида ҳам «ўзини қўлга олиш»га бўлган уринишлар билан бир вақтда ундан қутулишга интилишга ҳосдир. Бир вақтнинг ўзида алкоголь айбдорлик туйғуси, депрессия, чиқиб кетишга йўл йўқлигини ҳис қилиш ва жазо ғояси – бостирилган жинсий алоқанинг ушбу зарурий йўлдошларига боғлиқ бўлади. Муаллифларнинг фикрича, онг остида илдиз отган айбдорлик туйғуси туғилган вақтдаги жароҳатга бевосита алоқадор бўлиб, қандайдир аниқ ҳаётий ҳолатлар натижасида келиб чиққан ҳисобланмайди. Алкоголик учун айбдорлик юкидан озод бўлиш усулларида бири уни бирон-бир «жиноят» билан, сунъий равишда ҳосил қилинган вазият билан боғлаш ҳисобланади, бу эса маълум енгилликка олиб келади. "Жиноят" орқасидан "жазо" келиши лозим ва у кўпинча алкоголь таъсирининг жиддий ва аҳамиятли таркибий қисми ҳисобланувчи қарахтлик ҳисобланади. Дипсомания даврида алкогольни меъеридан ортиқ истеъмол қилиш кескин физиологик зўриқишга бардош беришга лаёқатсизлиги, психологик жиҳатдан кескинликни юмшатишга бўлган муҳтожлик ва шахснинг сўнгги стресс ҳолатларига ички чидамсизлигига боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда алкоголь чидаб бўлмайдиган ички босимдан қутулишга уриниш бўлиб қолади.

Шундай қилиб, алкоголизм сабаблари минимум даражада икки омилни ўз ичига олади. Бир томондан, шахснинг қизиқтирувчи

хусусиятлари - конформлилик, ғўрлик, қарамлик, тақлид қилишга, дистимияга мойиллик. Дистимия – тушкун, ғамгин кайфият. Бошқа томондан, жамиятдаги маълум муҳтида ва асосан оилада алкоголь истеъмол қилиш анъанаси. Индивиднинг алкоголь истеъмол қилишни бошлаган ёши катта аҳамиятга эгадир: ёш вақтида ичишга одатланиши ва алкогольга қарам бўлиб қолиш осон юзага келади. Шунингдек, этник хусусиятлар ҳам аҳамиятга эгадир, масалан, алкогольни кўпроқ ирландияликлар, руслар, камроқ хитойликлар, яхудийлар истеъмол қилиши маълум. Эркаклар ва аёллар алкоголизмнинг нисбати илгари тахминан 15:1 га тенг бўлган бўлса, ҳозир - 5:1 га тенг. Ўсмирликда ичаётганлар сони кўпайиши ҳисобига алкоголизмнинг «яшариши» анъаналари қайд этилган. Бу эса жуда эрта эмансипация, телевидение ва кинонинг таъсири, алкоголь ичимликларга бўлган рухсатга боғлиқдир. Демак, алкоголизм шаклланишида ижтимоий сабаблар маълум рол ўйнайди.

*Гиёҳвандлик ва алкоголизм.* Ижтимоий шароитларни тадқиқ қила бориб, ким ва қандай қилиб наркотикларни истеъмол қилиши ҳақида кўплаб нарсаларни билиб олиш мумкин. Тарихий ўзгаришлар инсонларда юзага келаётган алкогольга қарамлик ва унинг оқибатлари характериға кучли таъсир кўрсатади. Тахминан икки юз йил муқаддам одамлар ўсимлик хом ашёсидан тоза кимёвий моддалар олишни ўрганиб олишди, бу эса кучли ва хавфли наркотиклар яратилишиға олиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида тери остига инъекция юбориш учун игнанинг кашф этилиши гиёҳвандларға организмнинг табиий биологик ҳимоя механизмларини алдаш имконини яратди: улар наркотиклар жуда секин сўриладиган, уларнинг аччиқ таъми эса жирканиш ва ёқимсиз туйғуларни пайдо қилувчи озиқ-овқат йўлини четлаб ўтган ҳолда наркотикларни киритишни бошладилар. XX асрда кўплаб синтетик наркотиклар яратилиши билан гиёҳвандларнинг имкониятлари кенгайди, уларнинг сони ортди. Лекин маданий муҳитнинг наркотикка қарамликка таъсири бу билан чекланмайди. Шубҳасиз вақтининг кўп қисмини кўп ичадиган одамлар билан ўтказадиган кишилар ҳам спиртли ичимликларни суистеъмол қиладиган бўлиб қолишади. Айрим этник гуруҳлар алкоголизмға бошқалардан кўра кўпроқ мойилдирлар, бу эса, чамаси, авлоддан-авлодға ўтувчи спиртли ичимлик истеъмол қилиш анъанаси билан боғлиқ. Наркотикларни истеъмол қилиш устидан жамият назоратининг суса-

йиши наркотикка қарамлар сонининг кўпайишига сабабчи бўлади. Агар наркотик истеъмол қилиш анъанасига эга бўлмаган ва унинг кишига таъсири оқибатларига тайёр бўлмаган маданий муҳитда пайдо бўлса, унга қарамлик эпидемия каби оммавий тус олиши мумкин. Америкалик ҳинду қабилалари алкоғол билан танишган вақтда шундай воқеалар содир бўлган. Замоनावий индустриал жамиятда гиёҳвандликнинг юқори даражада эканлиги сабабларидан бири наркотик моддаларни истеъмол қилишни тартибга солувчи белгиланган қоидаларнинг мавжуд эмаслиги бўлиши мумкин.

Ўзини ўзи емирувчи ахлоқнинг энг кескин шакли ўзини ўзи асраш ёки ҳаётини асраш инстинктининг бузилишида намоён бўлади. Бу инстинкт ҳайвонот олами, шу жумладан инсоният турмушида муҳим рол ўйнайди, чунки унинг таъсири тирик организм фаолиятининг асосий стимуллари – «жазо, «лаззат» стимулларига асосланган. Шунинг учун унинг бузилиши гомеостаз – ҳаётий муҳим функцияларни таъминлаш ва мувозанатлаш комплексининг бузилиши билан боғлиқ.

Гомеостаз – бирон-бир тизимнинг ушбу мувозанатни бузувчи ички ва ташқи омилларга қарши таъсир кўрсатиш йўли билан сақланадиган мувозанатли ҳолатидир.

Ҳақиқатдан ҳам, гарчи улар ҳайвонот оламида одамлардагига нисбатан камроқ учрасада, ўзини ўзини ўлдириш ҳолатларини ҳайвонларда, масалан, ўзини ўзи ўлдирувчи китларда ҳам кузатиш мумкин. Жониворлар кўпинча шеригини йўқотиш, эркинликдан маҳрум бўлиш ва ҳатто эгасини йўқотиш оқибатида юзага келган оғир ҳиссий ҳолатларда ўзини ўзи ўлдиришга уринадилар. Баъзан бундай ҳолатда улар озикланишдан бош тортадилар, ўзларига шикаст етказишга интиладилар. Одам ўз ҳаёт йўлининг чегарасини аниқ тасаввур этувчи ердаги ягона мавжудот ҳисобланади. Унинг ўлимга муносабати ғоят мураккаб ва кўп маънолидир: у худди доимо унга тайёрлангандек бўлади, ва шу билан бир вақтда ҳеч қачон узил-кесил тайёр бўлмайди. Бу амбивалент муносабатлар бир қатор бадий асарларда ўз аксини топган. Шунинг учун, кишининг ўзини ўзи ўлдириши муаммоси шунингдек, рационал – онгли ва иррационал – ички ҳис билан сезиш билимларининг нисбатига боғлиқ. Бу жиҳатдан киши учун ўзини ўзи ўлдириш вақтинчалик чора ҳисобланмайди. Ахир ҳеч нарсани ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди.

---

### III- боб. СУИЦИДАЛ АХЛОҚ ВА ШАХС АХЛОҚИНИНГ АНОМАЛ ТУРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

#### 1-§. Суицидал хулқ-атвор психологияси

**Суицид** (инг. suicide – ўзини ўзи ўлдириш) – киши томонидан кучли руҳий зўриқиш ҳолатида содир этилувчи ўзини ўзи ўлдириш ҳолати; шахсда улар мавжудлигида шахсий ҳаёти олий қадрият сифатида ўз маъносини йўқотадиган ўткир руҳий жароҳат етказувчи вазиятлар таъсири остида онгли равишда ҳаётдан олиб ташлаш ҳолати.

Ҳозирги вақтда суицидал ахлоқ глобал жамоатчилик муаммоси ҳисобланади. Расмий статистик маълумотларга қараганда ер юзида ҳар йили 1 млн.100 мингга яқин одам ўз жонига қасд қилиш билан ўз ҳаётига яқун ясайди<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, инсон онги фонийликни мутаносиб равишда ўзлаштиришга қодир эмас, лекин, шундай бўлсада, ўзини ўзи ўлдириш эҳтимолини кўриб чиқаётган одам қанчалик агностик ва скептик бўлмасин, у беихтиёр ўлимдан кейинги, ҳатто янада маъқулроқ ҳаёт мавжудлигини тан олади. Ўз-ўзидан бу ҳали ўзини ўзи ўлдирувчи шахснинг ақлдан ташқари фикрлаши ва воқеий бўлмаган нарсаларни афзалроқ кўришини исботламайди, лекин шу билан бир вақтда ўзида ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишонч ҳар доим кўплаб халқларнинг маданий-диний удумлари предметини ташкил қилиб келган. Бундай ҳолда, потенциал ўзини ўзи ўлдирувчилар тафаккурининг иррационаллиги ва хаёлийлиги тушунарли бўлади. Ўзини ўзи ўлдириш ҳодиса сифатида қуйидаги таркибий элементлар билан тавсифланиши мумкин. Биринчидан, бу қотиллик. Кўп тилларда унинг туб, ташкил қилувчи сўзи "қотиллик" ҳисобланади. Бироқ, атаманинг иккинчи қисми - "ўзини ўзи" сўзи инсоннинг ўзи томонидан содир этилган қотилликни назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, қотил ва қурбон бир кишининг ўзи бўлган вазият юзага келади. Демак, ўзини ўзи ўлдиришни ўлимнинг учта ажралмас элементи: ўлиш

---

<sup>1</sup>Қаранг: <http://lossofsoul.com/DEATH/suicide/statistic.htm>

элементи, ўлдириш элементи ва қотиллик қурбони элементини англатувчи ўзига хос тури деб ҳисоблаш мумкин.

Руҳан соғлом одамларда ўзини ўзи ўлдириш сабаблари кўпинча ўткир руҳий-шикастловчи вазиятлар ва камроқ - келиб чиқиши турлича бўлган чўзилган руҳий танглик ёки яшашнинг чидаб бўлмас шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлади. Ўзини ўлдириш истаги руҳий-асаб тизими беқарор бўлган шахсларда, айниқса невротиклар ва кучли таъсирланувчи, кайфияти ўзгариб турувчи психопатларда кўпроқ учрайди. Айрим муаллифлар ўзини ўзи ўлдиришга мойилликни характернинг, уларнинг фикрича, шоирлар, рассомлар, артистларга хос бўлган алоҳида бадиий типига мойиллик деб таъкидлайдилар.

Баъзан одамлар ўзларини яшашнинг қийинлиги ва имкониятсизлиги сабаб бўлган экстремал вазиятларда: масалан, концентрацион лагерлардаги шафқатсиз шароитларда, қийнаш, азоблаш, хўрлаш ва очлик таъсири остида ўзларини ўлдиришга уринадилар. Ўзини ўзи ўлдириш тўғрисида фикрларга шунингдек, чидаб бўлмайдиган оғриқ берувчи оғир, давосиз касалликлар – саратон ва баъзи бошқа касалликлар ҳам олиб келиши мумкин.

Агар бунда онг хиралашмасдан қолган бўлса, унда азоб-укубатларга барҳам бериш ҳақида табиий истак пайдо бўлади. Кўпинча ўзини ўзи ўлдиришлар ва уларнинг уринишлари турли депрессиялар, психологик ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Улардан энг кўп тарқалгани ёлғизлик, шериги ёки яқин кишисини йўқотиш, муваффақиятсизлик ёки топталган мавқеи, обрўсизлантирувчи вазият, ҳаётий манбаини йўқотиш, банкротлик ва хоказолардир. Демак, ўзини сақлаш инстинктининг бузилиши ва ўзини ўлдириш истаги, бир томондан субъектнинг руҳий фаолиятидаги қандай ўзгаришлар чуқур аффектга олиб келишига, иккинчи томондан эса - ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Аслида, ҳис-ҳаяжонли-аффектив таъсирчан регистрни "ёқиб қўйиш" нафақат руҳиятнинг чуқур, балки онггача бўлган янада юқорида даражадаги тузилмасидан келиб чиқади. Шундай қилиб, бу ўринда ҳис-ҳаяжонли таъсирчанликнинг мураккаб аппарати мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бу таъсирчанликнинг даражалари чуқурроқ (кўркув, хавотир, нафрат, қаҳр-ғазаб, қувонч, бахт) ёки

нозикрок (қайғу, ғамгинлик, эстетик ташвишлар ва ҳоказолар) бўлади.

Маълумки, одам маълум даражада ўзининг ички дунёсини яратади ва шунинг учун ўзини ўзи ўлдириш ҳақида қарор қабул қилишнинг бошланғич нуқтасини аниқлаш муҳимдир. Агар динамикадаги қарор қабул қилиш жараёнини моделлаштиришга ҳаракат қилсак, унда кўп нарса вазиятдан чиқишнинг иложи йўқлигини оқлаш билан боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, ғайриихтиёрий, кўп ҳолда - иррационал турткига бўйсунат туриб, одам уни батамом ошқора – рационал сабаблар билан оқлашга ҳаракат қилади. Бироқ, мазкур ҳолатда ғайриихтиёрий ўзини ўзи ўлдириш фикри ташқи, ошқора омиллар таҳлилидан кўра анча муҳимроқ бўлади.

Суицидал хулқ-атворли шахсларнинг аксарият қисми учун кишининг ҳодисаларга таъсирчанлиги турлича эканлиги хосдир. К. Меннингер томонидан келтирилган мисолларга мурожаат қиламиз: қиз соч турмаги кўнгилдагидек чиқмаганидан сўнг ўзини ўлдиради; эркак киши уни гольф ўйнаш имкониятидан маҳрум этилганидан сўнг ҳаётидан воз кечади; аёл икки марта поездга кеч қолганидан кейин ўзини ўзи ўлдиришга аҳд қилади; бола севимли канарейкасининг ўлимини кўтара олмай, ўзини ўлдиришга қўл уради. Таъсирчанликнинг бир хил эмаслиги ўзини ўзи ўлдиришни содир этаётган шахснинг ҳиссий ёки руҳий жихатдан етилмаганлиги ва етилмай қолганлиги (инфантиллиги) билан белгиланади.

Ўзини ўзи ўлдиришни ўрганишлар шуни кўрсатдики, уларнинг сони ортиши ёш даврлари, жинси, ижтимоий аҳволи ва ҳоказолар ва лекин биринчи навбатда – киши шахсиятининг хусусиятларига боғлиқ. Эркаклар орасида ўзини ўзи ўлдириш сони аёлларга нисбатан кўпроқ кузатилади. Шу билан бир вақтда эркаклар ўзини осий, ўқотар қурол ишлатиш каби «ишончлироқ» бўлган усулларни қўлласа, аёллар кўпроқ катта дозада дорилар қабул қилишни афзал кўрадилар, яъни улар гўё ўзларининг ўлимдан кейинги ташқи кўринишлари ҳақида қайғурадилар. Эркаклар орасидаги ўзини ўзи ўлдиришнинг максимал сони ўспиринлик ёшига (16-18 ёш) тўғри келади, бу ёшда кўпинча маънавий мезонлар ва даъволар ортиши кузатилади, аёлларда эса – климакс даврига (40-45 ёш), юқори даражада асабийлик ва кайфият ўзгариши, қариликнинг илк аломатлари пайдо бўлиши, айрим

умидларнинг йўқолиши билан борувчи организмнинг физиологик қайта тузилиши содир бўладиган даврга тўғри келади.

Ижтимоий омиллар орасида ўзини ўзи ўлдиришнинг қишлоқ жойларига нисбатан кўпроқ йирик шаҳарларда содир этилиши, профессионал ва ижтимоий мақомга боғлиқлигини таъкидлаш мумкин. Айни вақтда ўзида ўзини ўзи ўлдиришлар сони Швеция, Япония каби иқтисодий ривожланган мамлакатларда Осиё ва Африканинг қолоқ давлатларидагига нисбатан анча ортиқдир.

Ўз жонига қасд қилишнинг биологик детерминантлари орасида шу ҳолатни таъкидлаш зарурки, руҳияти оғир бузилган одамлар руҳан соғлом индивидларга нисбатан кўпроқ ўзини ўзи ўлдиришни содир этадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўз жонига қасд қилиш шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси натижаси ҳисобланиб, бунда одам ушбу юзага келган шароитларда бундан буён ўзи учун мавжуд бўлиш имкониятини кўрмайди. Шахс дезадаптациясининг эҳтимолийлиги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий беқарорлик даврларида объектив равишда ортади, бу эса ўзини ўзи ўлдириш статистикасида ўзининг ҳақиқий аксини топади. Айниқса, ижтимоий кўтарилиш пасайиш билан алмашганда «умидларни йўқотиш вақти» кескин бўлиб қолади, бу эса жамият онгининг кризисини чуқурлаштиради, жамият аъзоларига зулмкор таъсир ўтказди ва унинг заифроқ аъзоларининг ихтиёрий равишда ҳаётдан воз кечишига ёрдам беради. Бу эса таназзулни бошидан ўтказётган ва ривожланиш истикболига эга бўлмаган жамиятда кўпроқ намоён бўлади.

Дезадаптациянинг кескин ҳолати оғир касалликлар, ҳаётдаги омадсизликлар, яқин одамани йўқотиш оқибатида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси оғирлиги ва чуқурлигини баҳолашнинг учта таркибий қисмини кўриб чиқиш мумкин:

- одатий турмуш шароитларининг жиддий бузилиши;
- уларнинг инсон томонидан талқин қилиниши (ҳаётини синиш, иложсиз вазият, шахсий ҳалокат ёки оғир, лекин ўтиб кетувчи ҳолат);
- мослашиш учун истак ёки ҳаракат қилишга тайёрлик (ҳаётдан чарчаш, «ҳаётни қайта бошлаш»ни истамаслик, бу ҳақда келган фикрдан нафратланиш ёки ҳаётини йўналишларини қайта кўриб чиқишга тайёр туриш, вазиятни уддалаш).

Ўзини ўзи ўлдириш ўз аҳамияти ва психологик сабабларига кўра фарқланади. Улар негизда кўпинча онгли ёки онгсиз равишда яқин инсонларига бўлган туйғуга ёки жамоатчилик фикрига апелляция-сабаб, атрофдагилардан ёрдам ва мадад олишга интилиш ётади. Бу ҳолда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари намоёишкорона тус олиши, ҳақиқий ёки тақлид бўлиши ёки шантаж (кўрқитиш) бўлиши мумкин. Улар кўпинча бировнинг кўзи олдида ёки биронтаси келиб қолишидан бир неча дақиқа олдин содир этилади, уларнинг усули кўпинча жиддий таҳдидни ифодаламайди – унча кўп бўлмаган миқдорда дори таблеткалари қабул қилинади, тери унча чуқур бўлмаган даражада кесилади, ингичка ёки эски арқон қўлланилади, эшиклар очиқ қолдирилади.

Аҳамиятига кўра, ўз жонига қасд қилиш ёлғизлик, оғир жудолик ва ҳоказолар натижасида ўзини ўзи ўлдираётган кишининг ҳаётдан тўлиқ четлашганлигидан фарқли ўлароқ ўзини ўзи ўлдирувчиларнинг ҳаётга киришганлигини билвосита билдирган ҳолда, қилмишнинг, зиддиятли вазиятдан чиқиб кетишнинг парадоксал характерига эга бўлиши мумкин (баҳсдаги сўнгги, рад этиб бўлмайдиган далил каби). Сўнгги ҳолатда яшаб кетишга имкон қолдирмайдиган кўпол ва ишончли усуллар танланади. Ўзини ўзи емирувчи ахлоққа бир қатор ҳолларда қуйидагилар ҳам киради:

- алкогольга, наркотиклар ва чекишга ружу қўйиш;
- атайлаб ортиқ даражада иш билан кўмиб ташлаш;
- қайсарлик билан даволанишни истамаслик;
- транспорт воситаларини хавфли усулда, айниқса маст ҳолда бошқариш;
- жанговар ҳаракатлар зоналарига боришга астойдил интилиш;
- ўзини оқламайдиган хавф билан боғлиқ ҳолда спортнинг айрим турларига қизиқиш (альпинизм, парашютли спорт ва ҳоказо).

Том маънода ўзини қийнаш ва қурбон қилиш, шафқатсиз ишлатиш билан ўтказиладиган баъзи диний маросимлар, урушлар, яъни одамларнинг яқка ёки оммавий қирилишига ёки ўзини ўзи йўқ қилишига олиб келувчи ауто- ва гетеротажовузкор ҳаракатлар ўзини ўзи емирувчи деб ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилишнинг сўнгги нуқтаси ҳисобланадиган ўзини ўзи емирувчи ахлоқнинг бир қатор ўзаро бир-бирига ўтувчи шакллари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:



Ўз жонига қасд қилувчи ахлоқ – бу ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган ва йўналтириладиган руҳий актларнинг ҳар қандай ички ёки ташқи шакллари дир. Ўз жонига қасд қилувчи ахлоқ иккита асосий: ички ва ташқи шаклда намоён бўлади. Ички шаклларга ўз жонига қасд қилишда бўлганидаги фикрлар (тасаввурлар, ташвишлар); ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари (мақсадлар, ниятлар); ташқи шаклларга - ўз жонига қасд қилувчи кўринишлар; ўз жонига суиқасд қилишга уринишлар киради.

Ўз жонига қасд қилиш борасидаги фикрлар (тасаввурлар, ташвишлар) – ҳаётнинг кадри, мазмуни йўқлиги тўғрисидаги пассив мулоҳазалар ("яшашга арзимаиди", "ҳаётда бахт йўқ", "яшамаяпсан, балки мавжудсан, холос»), шунингдек ўз ўлими мазмунидаги тасаввурлар, фантазиялар, лекин ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш эмас ("ўлсам яхши бўларди", "ухлаб қолсам ва уйғонмасам"). Ўз жонига қасд қилиш борасидаги фикрлар меъёрида деярли ҳамма одамларда бирон-бир зиддият ёки руҳий шикастловчи ҳодиса ҳал бўлмаслигини англаганда пайдо бўлади, лекин улар ўз жонига қасд қилиш анъаналарига ўтмайди. Ўз жонига қасд қилиш анъаналарига (мақсадлар, ниятлар) - фаол ва жиддий мулоҳазалар, ўз жонига қасд қилиш режасини ишлаб чиқиш, ўзини ўзи ўлдиришни содир қилиш усуллари, вақти, уни содир қилиш жойини белгилашни киритиш мумкин.

Ташқи ахлоқда ўз жонига қасд қилиш мақсадини бевосита амалга ошириш нияти намоён бўлиши мумкин. Деярли ҳамма ўз жонига қасд қилувчилар бу даврда у ёки бу шаклда ўз жонига қасд қилиш мақсадини яқинлари, дўстлари ёки ҳамкасбларидан кимгадир ишора ёки ҳазил шаклида (ўз жонига қасд қилиш кўринишлари) намоён қилиши мумкин. Ҳолбуки уларнинг қарийб 15 % га яқини буни очик ва ошкора қилишади. Одатда, ўз жонига қасд қилиш мақсадининг очикчасига айтилиши атрофдагилар томонидан намоёишкорона-шантаж қилиш деб қабул қилинади ёки умуман эътиборга олинмайди. Бироқ уларга паст баҳо бермаслик керак. Барча ҳолатларда бундай фикрлар мавжуд бўлганда, мутахассис маслаҳати талаб этилади. Ўз жонига қасд қилиш анъаналарининг ўз жонига қасд қилиш кўринишларига ўтиши қарорни бевосита амалга оширишга – ўз жонига қасд қилишга уринишни содир этишга чақирувчи ирода компо-

нентининг (таркибий қисмининг) мақсадига қўшилишдан дарак беради.

Ўз жонига суиқасд қилиш (уриниш) - ўзини ўзи ўлдириш ёки шантаж йўли билан ҳаётдан кетиш мақсадида ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш воситалари орқали онгли равишда иш кўришдир. Ўзини ўзи ўлдиришга уринишлар ўзини ўлдирувчига боғлиқ бўлмаган, яъни ўлимга олиб келмайдиган жароҳат, арқоннинг узилиб кетиши, ўз вақтида кўрсатилган тиббий, реанимацион ёрдам ва шу кабилар сабабли ҳар доим ҳам ўлим билан якун топавермайди.

Бирон-бир аъзони жароҳатлаш – маълум якуний мақсадлар билан (хизматдан бўшаш, жиноий жавобгарликдан қочиш, ногиронлик бўйича нафақа олиш, суғурта) қасддан ўзига жароҳат етказиш. Баъзан бундай ҳаракатлар яққол намоён бўлган руҳий аффект ҳолатидаги шахслар томонидан содир қилинади ва шахс руҳий азобларининг енгиллашишига йўл сифатида хизмат қилиши мумкин. (Кўпинча бу билаклар соҳасини кесишда ифодаланади). Бошқа ҳолатда бирон-бир аъзони жароҳатлаш руҳий бемор шахслар томонидан васвасали сабабларга кўра содир этилиши мумкин. Намойишкорона-шантаж мақсадида ўзига жароҳат етказиш ҳаракатлари, бирон-бир аъзосига жароҳат етказишда нотўғри мўлжал олиш, эҳтиётсизлик ёки тасодиф оқибатида ҳалокатли бўлиши ва ўлим билан якунланиши мумкин.

Пресуицид – ўз жонига қасд қилиш фикрига келишдан уни рўёбга чиқаришга уринишгача бўлган вақт оралиғи, яъни ўз жонига қасд қилишдан олдинги руҳий ҳолатнинг ўзидир. Пресуицид деганда, аксарият психологлар шахснинг ўз жонига қасд қилиш актини содир этишнинг меъёрига нисбатан юқори эҳтимолини шарт қилувчи ҳолатини назарда тутадилар. Унинг давомийлиги дақиқалар (ўткир пресуицид) ёки ойлар (сурункали пресуицид) билан ҳисобланиши мумкин.

Постсуицид - ўз жонига қасд қилишдан кейинги ҳолат ёки постсуицидал давр.

Суицидал хавф - бу шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга потенциал равишда тайёрлиги, шахснинг ўз жонига қасд қилдирувчи ва ўз жонига қасд қилдиришга олиб келмайдиган омилларнинг нисбатидир.

Характерида сензитив-шизоид хислатлар: одамовилик, камгаплик, вазминлик, норасмий алоқалар ўрнатишнинг қийинлиги, кўпроқ гуруҳли эмас, балки якка фаолиятга мойиллик ва, камтарлик, зиддиятсизлик, тажовузкорликнинг унча юқори бўлмаган даражаси, юқори сезувчанлик, жиззакилик устун бўлган шахсларнинг армияда дезатапцияланиш эҳтимоли кучлидир. Ўзларининг интизомлилиги, ижрочилигига қарамай, улар жамоада паст мавқега эга бўладилар, ҳамкасблар орасида унча машҳур бўлмайдилар, майда бирлашган гуруҳларга кирмайдилар, фақат бир-икки ҳамкасблари билан яқин бўладилар, баъзан умуман дўстлари бўлмайди, ўзларига қўмондонларининг эътиборини жалб қилмайдилар. Пировард натижада бу жамоа ва алоҳида ҳарбий хизматчилар томонидан руҳан ажратиб қўйилишига, четлатилишига ва тажовузкорликка олиб келади. Бўлинмада самарали тарбиявий ишлар олиб борилмаса, бундай аскарларда тушкунлик, ғамгинлик, иложсизлик ҳолати кучаяди, ўзига баҳо бериши ва ўзини ҳурмат қилиш туйғуси пасаяди, бу эса ўзини ўзи ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилишга мойиллик туғдиради.

Ўз жонига қасд қилиш генезисида оиланинг, кишига энг яқин ижтимоий муҳитнинг ролини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Эрхотин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро оилавий муносабатлар характери шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси ривожланишида фавқулодда аҳамиятга эга. Оила ичидаги муҳит шахснинг суицидоген кўринишларини самарали қоплаш, силлиқлаштиришга қодир, лекин кучайтириши ёки ҳатто қўзғатиши мумкин.

*Ўзини ўзи ўлдиришга ундовчи оилавий омиллар:*

- ёш болалигида отанинг йўқлиги;
- ота-она оиласида онанинг болага эътиборининг етишмаслиги;
- ота-оналар нуфузининг йўқлиги;
- оиладаги матриархал услубдаги муносабатлар;
- ҳиссий портлашлар ва болага жисмоний жазо бериш ёрдамида ўзини кўрсатишга интилаётган заиф катта одамнинг хаддан ортиқ авторитарлилиги;
- ажрашган оилалар;
- ота-оналари ёки яқин қариндошлари ўз жонига қасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга уринганлар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қаранг: Амбрумова А.Г., Пустовалова Л.И. Семейная диагностика в суицидологической практике. – М., 1983.

Шу билан бир қаторда ўзаро муносабатлар услуби ўзини ўзи ўлдиришнинг потенциал хавфини юзага келтирувчи ижтимоий-руҳий турдаги оилаларнинг маълум турларини ажратиш лозим:

1. *Дезинтеграцияланган оила*. Бундай оила аъзоларининг хос хусусиятлари аъзоларининг алоҳидалиги, муносабатларнинг расмийлиги, улар ўртасида ҳиссий мулоқотининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади;

2. *Суперинтеграцияланган оила*. Бир-бирига бениҳоят ўрганиб қолган, ҳатто бир-биридан алоҳида яшашни хаёлларига ҳам келтира олмайдиган оила аъзоларининг шахсий мустақиллиги туйғусининг бузилиши; бундай оила аъзоларидан бирортасининг ўлими бошқасининг умуман ожизлигини яққол кўрсатиб қўяди.

3. *Ноиттифоқ оила*. Аъзоларининг мақсадлари, эҳтиёжлари номувофиқлиги, умумийлик ва келишувчанликда биргаликда ёндашувнинг йўқлиги, шахсий манфаатлар ва одатлардан воз кечишни истамаслиги билан тавсифланади. Қабул қилинган меъёрларни келиштириш бу ерда ким учундир фрустрация билан боғлиқ мажбурлаш хусусиятига эга бўлади. Бирининг иккинчисига ўз одатларини мажбуран қабул қилдиришга, ахлоқини ўзгартиришга, унинг учун маъқул бўлмаган ҳаётий йўналишларга мос равишда ўзини тутишга мажбурлашга доимий равишда ҳаракат қилиши бундай оилада хавfli вазиятни юзага келтириши мумкин.

4. *Ёпиқ ўзига тўқ оила*. Унинг аъзолари учун оила куч сарфлашнинг асосий соҳаси, ҳаётнинг ягона мазмуни ҳисобланади, қолган ҳаммаси – иш, оиладан ташқари муносабатлар ва бошқаларга фақат оила фаровонлигини қўллаб туриш ва таъминлаш воситаси сифатида қаралади. Ҳаёт фаолиятининг асосий соҳаси – оиладаги бирон-бир танглик унинг аъзолари учун ўз жонига қасд қилишга олиб келувчи хавfli вазиятга айланиши мумкин.

5. *Консерватив оила*. Ўзгарувчан ташқи шарт-шароитларга мослашишга қодир эмаслик асосий хусусиятлари ҳисобланади. Агар бундай оиланинг аъзоси ушбу оиладан ташқаридаги низога аралашиб қолган бўлса, унинг бошқа аъзолари консерватив йўл-йўриқ туфайли унга ёрдамга кела олмайдилар ва зиддиятдан узоқроқ турадилар ёки рақиб тарафига ўтиб оладилар. Бундай вазият хоинлик деб қабул қилиниши ва низога аралашган оила аъзосининг ўзини ўзи ўлдиришига олиб келиши мумкин.

## 2-§. Шахс ахлоқининг аномал турлари психологияси

Шахснинг аномал ривожланиши ўзлаштириш, мотивация, фикрлаш, шахсий йўл-йўриқлар, ўзини ўзи назорат қилишга масъул бўлган соҳасининг тизимли бузилиши оқибатида содир бўлади. Бунинг натижасида шахс турмуш фаолиятидаги қисқа ва узок муддатли режаларининг шаклланиши бузилади. Айни вақтда, руҳий-патология кишининг умумий эволюцион стратегиясига киритилган бўлиб, улар инсонга хос «нормал» ахлоқ услубини таъминловчи мураккаб адаптив (мослашувчан) тизимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Кишилар уларни қўллаши билан ижтимоий муҳитнинг бошқа ахлоқий стратегиялари ёрдамида жавоб ва ечимга эга бўлмаётган "чақириқларга жавоб бериши" мумкин. Бироқ, маълум тақиқлар бузилганда бу стратегиялар шахс фаолиятининг энг сўнгги белгиси руҳий-патологиянинг жиддий бузилишига олиб келади. Бу эволюция назарияси доирасида руҳий-патологиялар авлоднинг бошида турган индивидларнинг саломат қолиши ва самарали кўпайишига ўз ҳиссасини қўшган табиий саралаш билан боғлиқ ахлоқий стратегиялар оқимида ётади. Бу ҳолда, соғлом ва бемор одамлар ахлоқи типлари ўртасида кескин тафовут бўлмайди. Шунга кўра, соғлом ва касал онг ўртасидаги фарқ сифат эмас, миқдорий иш ҳисобланади. Ҳар бир шахс ўзида бир хил инсоний мақсадларга эга бўлади, лекин руҳий касалликка чалинганлар ўзларида айрим эҳтиёжларнинг катта «доза»сини олиб юрадилар.

Шахс ривожланишининг бузилиши негизида ирсий мойиллик, ташқи захарли ва кўзғатувчи омиллар ёки уларнинг уйғунлашуви ётиши мумкин. Масалан, кишининг ёши шизофрениянинг шакли ва кечишига нисбатан муҳим рол ўйнаши мумкин. Демак, агар бу болалиқда, ҳали тўлиқ шаклланмаган айрим руҳий функциялар билан бошланган бўлса, касалликнинг ўрта ва кекса ёшда бошланганидан кўра қийинроқ кечишини кўриш мумкин.

**Шизофрения.** 100 йилларча муқаддам Крепелин симптоматикаси, кечиши ва келиб чиқиши бўйича яқин бўлган касалликлар гуруҳини ажратган бўлиб, уларни у ягона касалликка бирлаштирди. Бу касаллик жуда эрта бошланиши, ўсиб боровчи оқимли ва «эрта ақли пастлик» деб белгиланган нуқсонли ҳолат билан тугаши билан характерланган. Блейер эса бу касалликни ягона деб

хисобламаган ва бир-бирига яқин касалликлар гуруҳи тўғрисида гап юритиб, уларни шизофрениялар деб атаган. Мазкур таърифга шизофрениaning кейинчалик умумэтироф этилган учта тури: гебефрения, кататония ва паранойя киритилган.

Шизофрения тушунчасини (юн. шизо - "парчаламоқ", "синдириб ташламоқ"; френия - "ақл") кирита туриб, Блейлер психознинг бундай турига хос асосий аломатларини - руҳий функцияларининг парчаланиши, тилкаланишини аниқлашга уринган. Клиник нуқтаи назардан шизофрения куйидаги аломатларга эга бўлган бир неча шаклларга ажралади: фикрларнинг келишмовчилиги, қилиқлар ва аффектлар (келишмовчилик, тарқалиш, парчаланиш), воқеликдан четлашиш ва одамовилик, фантазмлар пайдо бўлиши (аутизм) билан боғлиқ ички ҳаётга кириб кетиш ва шу кабилар. Касаллик сурункали характерга эга ва ҳар доим ўз динамикасига эга бўлади, кўп ҳолларда маразмга (маънавий тушкунликка) олиб келувчи ақлий ва ҳиссий ҳолатнинг ёмонлашуви тарафига ривожланади. Бу аксарият психиатрлар шизофрения ташхисини қўйиш мумкин деб ҳисоблайдиган асосий мезондир. Ушбу касалликни ўрганишнинг бутун тарихи мобайнида унинг юзага келишининг эҳтимолий сабаблари тўғрисида турли тахминлар айтилган. Энг асослантирилган нуқтаи назарлардан бири ирсий-конституциявий дегенератив омиллар сабаблар сифатида эътироф этилади. Инфекциялар, шу жумладан вирусли инфекциялар, моддалар алмашинувидаги бузилишлар, аутоинтоксикациялар, эндоген бузилишларга катта аҳамият қаратилган. Психологик нуқтаи назарлардан бирига мувофиқ, шизофрения - бу шахснинг ҳаёти ва илк болалик давридаги онасининг совуқ муносабатлари, оиласи ва атрофдагилар томонидан эътиборнинг камлиги оқибатида юзага келган, унинг олам ва ўзига бўлган муносабатларининг ўзига хос шакли. Шизофрения - бош миянинг ўзига хос биологик касалликлари гуруҳи бўлиб, уни шунга мос мойилликка эга бўлган шахсларнинг шизоформли турдаги таъсирланувчанлигидан фарқлаш лозим. Шунинг учун, гарчи шизофрения этиологияси етарли даражада аниқланган деб ҳисобланмасада, унинг юзага келишида икки асосий омил: генетик мойиллик ва атроф-муҳитнинг руҳий зарбалар, турли касалликлар, оилавий ноҳушликлар шаклидаги зарарли таъсирлар рол ўйнаши маълум. Ваҳоланки, шизофрения учун жавобгар генлар аниқлан-

маган ва унинг наслдан-наслга ўтиш типи белгиланмаган бўлса-да, бу омилларнинг нисбати 4:1 ирсийлик фойдасига белгиланади. Она қорнидаги ҳомилага таъсир кўрсатувчи зарарли омиллар (вирусли касалликлар, гармонал бузилишлар ва бошқалар) ҳам бунга таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки, агар яқин қариндошлардан биронтаси шизофрения билан касалланган бўлса, касалланиш эҳтимоли 10 баробарга кўпаяди, агар ота-она шизофрения билан касалланган бўлса, касаллик хавфи соғлом оилаларга нисбатан 40 мартага ортади. Агар бир тухумли эгизаклардан бири касал бўлса, унда иккинчисининг касал бўлиш эҳтимоли 50 баробарга ортади. Айни вақтда, шизофрения ривожланишида фақат ирсий омилларнинг ўзигина етарли эмас, шунингдек ташқи муҳитнинг қўшимча омиллари ҳам зарур бўлади.

Шизофрениянинг вужудга келишида биологик, хусусан, гармонал омилларнинг ролини кўриб чиқамиз. Бу ўринда ёш аёлларда хавф камроқ бўлиши ва касалликнинг кечиши пассивроқ бўлиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Буни уларнинг антидофаминергик таъсирга эга бўлган эстрогенлар (аёллар жинсий гормонлари) ишлаб чиқариши билан боғлайдилар. Ҳозирда кенг тарқалган назарияга кўра, шизофренияда маълум мия тизимларида дофамин гормонининг ҳаддан ортиқ тўпланиши содир бўлади. Ёши ўтиб, кексайган аёлларда, хусусан, аёллар жинсий гормонини ишлаб чиқарилиши анча камаяётган климакс даврида шизофрения касаллигининг кўпайишини эстрогенлар роли билан боғлашади.

Руҳий зарбалар таъсири остида шизофрения юзага келишининг эҳтимол тутилган механизмларидан бири адреналин – дофаминга яқин бўлган гормоннинг кўчиб юриши бўлиши мумкин. Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда улар танасига дофамин юбориш ва унинг миянинг мезолимбик ҳосилаларида тўпланиши ҳайвонларнинг нуқсонли фаоллигига ва беўхшов моторли таъсирланишига олиб келиши аниқланган.

Сўнгги тадқиқотларда компьютерли рентген ва томография асосида шизофрениянинг икки тури мавжуд деган хулосага келинди.

Биринчи турдаги шизофрения билан касалланганларнинг миясида мия тузилмаларининг маълум рецепторларида уларнинг функциясини издан чиқарувчи дофамин метаболизмнинг

тўпланиши натижасида бузилади. Бундай беморларда касалликнинг оилавий ирсий мойиллиги кузатилади, бу эса мазкур турдаги шизофрения ривожланишида ирсий омилнинг аҳамиятини кўрсатади. Уларнинг оила аъзоларида ғалати қилиқлар, баъзан ўчиб кетган галлюцинацияли алаҳсираш ва бошқа шунга ўхшаш кўринишлар қайд этилади.

Иккинчи турдаги шизофрения билан касалланганларда (тахминан барча ҳолатларнинг 30%ида) касалликка аниқ оилавий ирсий мойиллик кузатилмайди, лекин атрофик ўзгаришлар, кўпроқ пешона қобиғи, кўпинча, уларнинг пешона қисмида жойлашган олдинги шохларининг кенгайиши қайд этилади. Бундай касалларда асосан руҳий-салбий симптоматика кузатилади. Қориннинг ичидан зарарларини, вируслар, турли мия касалликларининг таъсири, унга сабаб бўлади.

Шизофрения билан касалланганларнинг бош миясида турли тузилмалар ва функционал нуқсонлар, масалан, пешона қисмлари ўлчамларининг кичиклиги аниқланган. Шу билан бирга, гарчи бу тафовут мия қисмларида нисбатан бир маромда бўлса-да, бутун миянинг ўлчами кичиклиги аниқланган. Олимлар бундай касаллар миясининг эрта, нотўлиқ ривожланиши билан боғлайдилар ва бу билан нафақат миянинг, балки бош суягининг ҳам ўсмай қолишини асослайдилар.

Бошқа тадқиқотда шизофрения билан касалланганлар ва аффектив психоз билан оғриганларнинг ўлимидан кейин миясини таққослаш ўтказилди. Бунда биринчиларининг миясининг ўртача оғирлиги иккинчисиникидан кўра кичикроқ экани аниқланди. 20% дан ортиқ шизофрения билан касалланганларда мия ён қоринчаларининг кенгайиши кузатилган, бундан ташқари, улардан чакка қисмида, айниқса чап ярим шарда терининг юпқалашиши аниқланган.

Яна бир тадқиқотда ақлий психологик тестни ечиш кўринишидаги вазифа топшириш билан касалларнинг пешона қисмларидаги юқори ён терисининг қон оқимини ўлчаш ўтказилди. Бунда миянинг қайд этилган қисмида физиологик камчиликлар билан боғлиқ англаш функциясидаги ўзгаришлар аниқланган.

Шизофрения бўйича юқорида келтирилган ва бошқа кўплаб замонавий тадқиқотлар унинг ирсиятини ўрганишдаги эришилган муваффақиятлардан далолат беради ва шизофрениани биологик касаллик сифатида тушунишга ёрдам беради.



Шизофрения энг кўп учрайдиган жиддий руҳий касалликлардан бири ҳисобланади. Мазкур касаллик тарқалиши тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, зеро унинг диагностик мезонлари ва чегаралари улар клиник кўринишларининг турли хил эканлиги сабабли ўчиб кетган. Тахминий маълумотларга кўра, ҳар 200 нафар одамдан 1 нафари (яъни 0,5 %) шизофрения билан касалланади. Барча сурункали руҳий касаллар орасида ҳар 3/2 нафари шизофрения билан оғрийдди. Касалларнинг асосий қисмида шизофрениaning бошланиши 10 ва 30 ёш ўртасига тўғри келади. Айниқса, касалликнинг ноқулай кечиши унинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик даврида юзага келган ҳолатларда кузатилади. Шизофреник жараён руҳиятнинг турли қисмлари фаолиятини турли даражада бузади. Ҳаммадан кўп шахсият азоб чекади, чунки у эволюцион муносабатларда шаклланишнинг энг ёш бўғини ҳисобланади. Натижада, нуқсонли равишда истаклар ўзгарганда шахснинг чуқур ва онгли қисмларининг диссоциализацияси юзага келади. Бу ҳолда ғоялар генерацияси кўпинча маънисиз, воқеликдан узилган тус олади, у ҳис-ҳаяжонли муҳит билан мувофиқлашмаган бўлиб, бунинг оқибатида ҳиссий ахлоқ парчаланаяди. Бу эса ҳис-ҳаяжонли акцентларни оғриниб алмаштириш ёки тасодифан жойларини ўзгартиришга ёки иродавий парокандаликлар билан бир қаторда амбиваленцияга олиб келади. Ушбу бузилишлар туфайли шизофрения билан касалланганлар ахлоқининг ҳаётий доминантлари, мақсад танлаши ва формулалари фундаментал равишда ўзгаради. Иккиламчи қайд этилган хатоликларга боғлиқ онгли фикрлашнинг дезинтеграцияси содир бўлады.

**2. Аффектив (циркуляр) психозлар.** Қувонч ва депрессив ташвишлар мураккаб тузилган жонли мавжудотга табиат томонидан ахлоқнинг у ёки бу шакли учун рағбатлантириш ёки жазо сифатида инъом этилган. Бир томондан, бу ташвишларнинг кучайиши, ташқи муҳитнинг фойдали ва зарарли оқибатларини, ўз таъсирланувчанлигини дифференциаллаштиришга ёрдам беради ва ирсий мотивацияларни мустаҳкамлайди. Бошқа томондан эса нуқсонли шароитларда ҳис-ҳаяжонли қувонч, лаззат, қайғу, хавотир, кўрқув туйғулари гипертрофияланган, бўрттирилган хусусиятга эга бўлады ва депрессив ҳамда маниакал ҳолатлар шаклида намоён бўлады.

Агар маниакал синдром кўпроқ аффектив психоз доирасида кузатилса, унда депрессия нафақат психопатик бўлиши мумкин: у ифодаланмаган, ноаниқ реактивли-невротик доирада анча кўп учрайди. Шунинг учун, депрессиянинг қайд этилган вариантлари ўртасидаги тафовут маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

Фрейднинг қайд этишича, ҳар қандай депрессия, йўқотишнинг – ўлим, кетиб қолиш, ёки ҳурматсиз муносабатлар, қизиқишларни менсимаслик, эътибор бермаслик кабиларда ифодаланишидан қатъи назар, йўқотиш, (масалан, севимли инсонидан), жудолик механизми билан боғлиқ. Депрессия доимо бевосита йўқотишдан, ҳатто у кўп йиллар аввал бошдан ўтказилган бўлса-да, юзага келишига далиллар мавжуд.

Гарчи бир қатор ҳолларда депрессияни қўзғатувчи психоген сабабни, ёки ҳатто унинг кейинчалик эндоген депрессияга ўтувчи реактив бошланишини аниқлашга эришилсада, шунга қарамай, аксарият муаллифлар реактив-невротик ва эндоген - психопатик, биологик депрессияларни ажратишга мойилдирлар.

Депрессия билан касалланганлик частотаси ҳақида айтиш қийин, зеро у кўп ҳолларда психиатр ёки психологларга бормасдан яқунланади ва шунинг учун ҳеч ким томонидан ҳисобга олинмайди. Аффектив психоз доирасидаги депрессия 2000 нафар одамдан биттасида учрайди деб тахмин қилинади. Шунингдек, аёллар психопатик депрессия билан эркакларга нисбатан икки баробар кўп касалланади деб ҳисобланади. Агар депрессияларнинг бошқа кўринишлари ҳам ҳисобга олинса, бу тафовут яна кўпроқ ортади, зеро маълумки, депрессия айниқса у кўпинча аёлларда кексалик ва климакс даврида учрайди. Шунингдек, аёлларда депрессиянинг генератив функцияси, яъни ҳомиладорлик, туғиш, хайз цикли билан алоқадорлиги кузатилади. Аёлларда депрессия пайдо бўлишида жинслар ўртасидаги психологик ва ижтимоий фарқлар маълум рол ўйнайди.

Депрессияларнинг юзага келиш механизмлари, чамаси, худди уларни келтириб чиқарган сабаблар ва клиник кўринишлар билан тўлиқ бир хил эмас. Психопатик депрессиянинг икки тури ажратилади. Улардан бири - циркуляр аффектив психоз - ҳам депрессивли, ҳам маниакал фазалар билан тавсифланади. Психознинг бу тури муайян даражада «оилавий» ирсий хусусиятга эга. Демак, бир тухумли эгизаклардан бири оғриб қолганида

иккинчисининг касал бўлиш эҳтимоли 95 % га етади. Ушбу психоз давомида 75 % ҳолларда депрессив ва атиги 25 % ҳолларда - маниакал фазалар қайд қилинади. Сўнгги йилларда маниакал-депрессив психознинг ирсий ўтиши тўғрисидаги маълумотлар аниқланди. Бунда, хромосомалар орқали доминантли ўтказиш мавжуд, ваҳоланки касаллик кўпинча онадан ўтади.

Аффектив психознинг иккинчи тури фақат депрессияли фазаларни ўз ичига олади, шу сабабли у монополяр деб аталади. Бундай психозда генетик мойиллик етарли даражада аниқ ифодаланмаган, чунки хавотирли-васвасали характерга мойил бўлган рол ажратилиши мумкин.

Аффектив психозлар генезисида, худди шизофрениядаги сингари, уларни қизиқтирувчи, кўзғатувчи ва ҳосил қилувчи омилларнинг аҳамияти ёки солиштирма оғирлигини белгилаш анча мушкул. Масалан, яқин кишисини йўқотиш туфайли юзага келган реактив депрессияда эндоген депрессияни чақирувчи механизмлар ишга тушади. Касаллик яққол реактив доираларда бошланиб, эндоген депрессия намунаси бўйича аниқ ташқи сабабларсиз такрорлангандаги каби эндореактив депрессиялар гуруҳининг мавжудлигини кўрсатади.

Депрессияларни ишга тушириш усуллари нуқсонли равишда аффектив-ҳиссий фаолият учун масъул бўлган мия тизими функцияларини ўзгартиради. Эндоген, яъни биологик депрессияларда илк ўз-ўзидан ўзгаришларни таламо-гипоталамик тузилмаларда содир бўлишига йўл қўйиш мумкин. Лекин бу, хусусан, мия шу соҳасининг жароҳатланишларида эндоген депрессияларнинг деярли содда кўринишлари юзага келишини кўрсатади. Психоген депрессиялар пайдо бўлишига дастлаб лимбик тизимлар масъул бўлиши мумкин, лекин ушбу депрессияларнинг чуқурлашувига кўра шунингдек таламо-гипоталамик ҳосилалар ва айрим эндокрин механизмлар ҳам жалб қилинади. Депрессиялар адреналин ишлаб чиқарилишининг етишмовчилиги оқибатида айрим нейронлар ўртасидаги коммуникатив бузилишининг натижаси бўлиши мумкин.

**3. Тутқаноқ (Эпилепсия).** Тутқаноқ мустақил касалликни намоён қилиши ёки бир қатор мия ёхуд мияга алоқаси бўлмаган касалликларни ифодалаши мумкин. Тутқаноқнинг хусусияти унинг бесаранжом, таъсирчан, вегетатив ва бошқа талвасалар ёки

онгинг қисқа муддатли ёки давомли бузилиши билан кечадиган хуружларда ифодаланувчи рухий фаолият бузилишининг пароксизмалари кўринишида кечиши ҳисобланади. Тутқаноқ кўпинча қон айланишининг, орқа мия суюқлиги циркуляциясининг бузилиши, мия моддасининг шишиши, мия алоҳида қисмларининг силжиши ва сиқилиб қолиши, мия жароҳатлари, метаболик бузилишлари билан боғлиқ бўлган иккиламчи мия ўзгаришларига олиб келади. Асосан талвасали тутқаноқлар оқибатида юзага келадиган бу ўзгаришлар шахс ва характернинг кучаювчи ўзгаришларига, оғир ҳолларда эса, ақли заифликка олиб келади.

Тутқаноқ кўринишларининг бевосита сабаби асаб хужайраларининг худди мия қобиғидаги каби миянинг чуқур соҳаларида ҳам юқори таъсирчанлиги ҳисобланади. Бунда асаб хужайраларининг ҳам шикастланганларига яқин жойлашган, ҳам анча узоқ масофада бўлган катта майдонлари жалб этиладиган ҳаяжонни генерализациялаштиришга мойиллик пайдо бўлади. Ўз-ўзидан тутқаноқ туркумларини ифода этувчи ҳаяжоннинг жамланиши юзага келади. Тутқаноқли талвасани кўпинча яшин таъсири билан қиёслашади. Талваса вақтида шикастланган асаб хужайраларида тўғри миқдордан бир неча баробар юқори бўлган электр қуввати қайд этилади.

Тутқаноқ тарқалганлиги бўйича аҳоли сонининг қарийб 0,5 % (1:200) ига тўғри келади. «Жароҳатли эпидемия» кўринишидаги урушлар ва оғир изтироблардан кейин беморлар сони кескин кўпаяди. Тутқаноқ пайдо бўлишининг асосий омили нуқсонли ирсият ҳисобланади. У тутқаноқ билан касалланган беморларнинг тахминан 1/3 қисмида қайд этилади, лекин бевосита – доминант ирсият 1/6 ҳолатда учрайди.

Тутқаноқ пайдо бўлишида ирсий мойиллик билан бир қаторда миянинг тегишли соҳаларидаги турли нуқсонли манбалар ва тузилмалар ўзгаришлар: ривожланиш аномалияси ёки чандиқлар, томирли, яллиғлантирувчи, ўсмали, паразитар ва бошқа жараёнлар ҳам рол ўйнайди. Бу манбалар атрофдаги асаб хужайраларининг таъсирчанлигини оширади. Бундай манбалар жарроҳлик йўли билан йўқотилганда тутқаноқ баъзан тўлиқ бартараф этилади ёки унинг кечиши анча сустлашади. Шундай қилиб, тутқаноқ аксарият ҳолларда ирсий омиллар ва бош миянинг тегишли соҳаларидаги

маҳаллий ўзгаришларнинг биргаликдаги таъсири натижасида юзага келади деб ҳисоблашга асослар бор.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар сабабли тутқаноқни таснифлаш катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Амалий мулоҳазалардан тутқаноқнинг асосан икки асосий генуин ва симптоматик (тутқаноқли синдром) турини ажратишади.

Тутқаноқнинг энг типик кўриниши талвасали, ёки генерализациялашган тутқаноқ ҳисобланади. У тўсатдан бошланади ва беморнинг ҳар доим тўлиқ хушини йўқотиши билан давом этади. У одатда, ўзига хос қичқириқ билан бошланади - бу гўё тутқаноқ юзага келгани тўғрисида огоҳлантирувчи сигнал бўлиб, ҳиқилдоқ ва нафас йўли мушаклари қисқаришининг натижаси ҳисобланади. Шундан сўнг деярли барча скелет мушакларининг кучли тонусли узлуксиз қисқариши ривожланади. Бунда қоқшол талвасасини эсга солувчи хос ҳолат (поза) юзага келади. Талвасанинг бу фазаси тонусли ҳисобланади. Унда кўпинча тилни тишлаш, ғайриихтиёрий равишда сийдик ва ҳатто ахлат ажралиши ҳам содир бўлади, юзи кўкариши билан нафас тўхтаб қолиши кузатилади. Айни вақтда қорачиқлар ғоятда кенгайиб кетади, бунда улар чироқдан таъсирланмайдилар. Юрак уриши секинлашади, артериал босим ортади. Тонусли фазадан сўнг талвасанинг узиловчи характери сабабли шундай аталувчи клоник фаза келади. Бу фазада нафас олиш қийинлашади, баъзан оғзидан қон билан аралаш кўпик чиқади. Тутқаноқ чуқур уйқу ёки онг фаолиятининг сустлашган ҳолатига ўтиш билан яқунланади.

Онгнинг тутқаноқли хиралашиб бузилиши кайфиятнинг дезориентировкаси, ғазаб, қайғу, кўрқув аффекти чуқур бузилиши билан тавсифланади ва кўпинча чала-чулпа алаҳсираган ва галлюцинацияли ташвишлар бир неча дақиқадан бир неча соатгача, баъзан 1-2 кунгача чўзилади. Беморлар асабий, жаҳлдор бўлиб қолади, камдан-кам ҳолларда уларнинг ахлоқи ташқари томондан тартибли ва мақсадли бўлиб кўринади. Улар атрофдагилар учун ғоят хавфли бўлиши мумкин. Юз ифодаси ғамгин бўлиб, ҳолати ҳимояланиш ёки ташланишга тайёрликда ифодаланади. Психомотор ҳаяжонланиш кўпинча беморлар тинкаси қуриб йиқилмагунча айлана бўйлаб узоқ масофага силжийдиган ҳаракатлантирувчи бўрон ёки хаотик характерга эга бўлади. Автоматизм ҳолатида беморнинг атрофдагилар билан

мантикий алоқаси узилиб қолади. У автоматик равишда ҳаракат қилади, масалан устидаги кийимларини ечади ва яна кийиб олади, буюмларни бир жойдан бошқа жойга олиб қўяди, стакандаги чойга тўхтамасдан шакар солади ва ҳоказо. Янада мураккаброк, комплекс ахлоққа эга бўлган стереотип ҳаракатлар амбулаториявий автоматизм номини олган.

Амбулаториявий автоматизм ҳолатида бемор транспорт турини ўзгартирган ҳолда шаҳар бўйлаб айланиб юриши ёки светофор олдида тўхтаган ҳолда автомашинани бошқариши ва бирон-бир жойгача муваффақиятли етиб олиши мумкин. Масалан, бир бемор автоматизм ҳолатида кемада бир неча кун саёҳат қилиб, Лондондан Мумбайга келиб қолган, ўзига келгач эса, қандай қилиб ва нима мақсадда у ерга келганини тушунмаган. Автоматизм турларидан бири транс ёки эпилептик сомнамбулизм (лунатизм, ой касаллиги) ҳисобланади. Одатда, тунда бемор ўрнидан туради, кийинади, шаҳар бўйлаб юради ёки томга чиқади, мувозанат сақлаган ҳолда карниз бўйлаб юриши мумкин ва кейин яна ётадиган ўрнига қайтади.

Онингнинг тутқаноқли бузилиши кескин бошланади ва шунингдек кескин яқунланади. Улардан кейин тўлиқ ва кам ҳолларда, қисман амнезия (ёддан чиқариш) юз беради. Онг бузилишида тутқаноқ билан касалланган беморга атроф олам кўпинча ирреал туюлади. Масалан, улар учун янги ҳолат худди олдин бўлиб ўтгандек ва аксинча, уларга маълум бўлган нарса нотанишдек қабул қилинади.

Тутқаноқдаги рухий бузилишлар шахснинг ўсиб боровчи ригидлиги, фикрлашининг секинлашганлиги, тўхтаб қолганлиги ва торлиги билан ажралиб туради. Ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослашув пасаяди. Беморлар ғоят синчков бўлиб қоладилар, асосий нарсани иккинчи даражалисидан фарқлай олмайдилар, қийин ўзгарувчан бўлиб, кўп марта олдин айтиб бўлинган нарсага қайтадилар. Улар учун эгоцентризм, педантизм, "гиперижтимоийлик" хосдир. Уларнинг мулоҳазалари расман тўғрилиги, содалаштирилган қарашлар билан фарқланади. Улар кўпинча ўз фикрларидан қайтмайдилар ва фанатизмга мойилдилар, бу баъзан уларнинг тўмтоқлашган тақводорлигида ўз ифодасини топади. Аффект беқарор бўлиши мумкин. Беморларнинг кайфияти тез ўзгариш хусусиятига эга масалан, мужмалликдан

тажовузли, ғамгин, дарғазаб, кўп ҳолларда эса улар кекчи ва қасоскор бўладилар.

Тутқаноқни олдиндан билиш биринчи навбатда уни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш билан боғлиқ. Агар касаллик негизида миянинг манбали зарарланиши бўлиб, ирсий мойиллик унча катта бўлмаса, унда, қоидага кўра, олдиндан айтиш ижобий бўлади. Тутқаноқда унинг бошланиш ёши муҳимдир. У касаллик юзага келишининг эҳтимол тутилган сабабларини кўрсатади, чунки жинсий етилиш ёшида бошланадиган тутқаноқ кўпинча генуинли ҳисобланади ва салбий башоратга эга бўлади. Агар у 5 ёшгача бўлган даврда бошланса, унда баъзан соғайиш ҳолатлари кузатилади. Умуман, тутқаноқ қанча кеч бошланса, унинг келиб чиқишининг симптоматик асослари шунча кўп бўлади. Касалликнинг кеч бошланиши жиддий характерологик ўзгаришларни кутиш эҳтимолини камайтиради.

**4. Олигофрения.** Олигофрения (ақли заифлик) бир қатор омиллар: ҳомиланинг она қорнида ривожланиши даврида юзага келувчи ирсий (онанинг ҳомиладорлик даврида юқумли, захарли, жароҳатли зарарланиши) омиллар ёки ҳомиланинг туғиш вақтида жароҳат олиши, шунингдек гўдаклик вақтидаги (биринчи 2-3 йилда) зарарли таъсирлар оқибатлари ҳисобланади. Ирсий олигофрениянинг 10 дан ортиқ шакллари мавжуд. Уларнинг бир қисми хромосомали абберация сабабли (масалан, машхур бўлган Даун касаллиги) юзага келган. Олигофрениянинг баъзи шакллари кўрлик, карлик, қўл-оёқ бармоқларининг битишиб кетганлиги ёки йўқлиги, шунингдек, бош суягининг (микроцефалия) кичиклиги тана диспропорцияси билан уйғунлашган ҳолда турли мажруҳликлар билан ривожланишни ўз ичига олади. Ақли заифликнинг бошқа ўзига хос шакллари кретинизм - жисмоний ва ақлий ривожланмай қолиш билан кечадиган эрта эндокринли бузилишлар билан боғлиқ.

Олигофрениянинг учта асосий даражасини ажратишади: идиотия (IQ 20 дан кам); имбециллик (IQ қ 20-50); дебиллик (IQ қ 50-70).

*Идиотия.* Беморлар деярли гапирмайдилар, уларда нутқни аниқ талаффуз қилиш ривожланмаган, фикрлаш доираси ғоят чегараланган, шу сабабли, бу беморлар энг оддий билимларни олишга лаёқатсиздирлар. Кўпинча улар мустақил юра олмайдилар,

сийдик ва ахлат чиқаришни назорат қилолмайдилар ва доимий қаровга муҳтождирлар. Улар учун жисмоний ривожланишнинг турли мажруҳликлари хосдир. Аксарият ҳолларда бу беморларда туғма эҳтиёжлар тўхтаб қолган бўлади: улар очкўз, очикдан-очик онанизм билан шуғулланадиган, баджаҳл ва тажовузкор, ёхуд бефарқ ва бефаҳм бўладилар. Енгилроқ ҳолатларда улар яқин қариндошлари ва хизмат кўрсатаётган ходимларни танишлари ва ўз туйғуларини хурсандчилик, қичқириш, кулги ёки йиғи билан изҳор қилишлари мумкин.

*Имбециллик.* Беморларда нутқ мавжуд, бироқ ғоят қашшоқ ва пойма-пой бўлади. Улар мустақил ҳаракатланадилар, маълум доирада ўзларига хизмат кўрсатадилар, қоқоқ шаклда буюмларни дифференциаллаштирадилар, вазиятни англайдилар, атрофдагиларнинг исмларини биладилар ва кўпинча, айрим жўн маълумотларни ёдлай оладилар. Бу беморлар оддий жисмоний ишни бажаришга (масалан хонани йиғиштириш, кир ювиш, оғирлик кўтариш ва бошқалар) қодирдирлар. Ақлий жараёнлар уларда ғоятда чегараланган ва секинлашган, ҳис-ҳаяжонли таъсирлар ибтидоийдир. Имбециллар орасида қўзғатувчи, нотинч – эрритив ва тормозланган, секинлашган – торпидли турлари ажратилади.

*Дебиллик.* Касалликнинг енгил ҳолатларида беморларнинг заковат даражаси ақлий меъёрнинг пастки даражаси билан чегараланади. Уларда фикрлаш ва нутқ имбециллардан кўра бир мунча яхшироқ ривожланган бўлиб, маълум чегараларда ўқишга лаёқатлидирлар, ташаббус талаб этмайдиган ва такрорланувчи элементлардан иборат бўлган турли, унча мураккаб бўлмаган жисмоний ишларни бажаришлари мумкин. Оилавий ёки жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришда анча қийинчиликларга дуч келадилар, зеро уларда руҳий фаолият жуда оддий ва стереотиплидир. Ҳаётини вазиятларни унча чуқур ўзлаштирмайдилар. Бунинг оқибатида беморлар кўп ҳолларда атрофдагиларнинг эксплуатация объекти бўлиб қоладилар. Ҳиссий таъсирланиш уларда дифференциаллашган. Дебиллик билан касалланган шахслар баъзан жуда чуқур боғланиб қолишга қодирдирлар. Касаллик енгил шаклга эга бўлган ҳолларда, беморлар ҳаётга мослашадилар, оила қурадилар. Дебиллик даражасидаги олигофренларни болалик ёшидан бошлаб махсус ўқитиш катта аҳамиятга эга. Махсус ўқитишдан мақсад - уларда ахлоқнинг маълум



меъёрларини, кўникма ва маҳоратни пайдо қилишдир. Акс ҳолда, бундай беморлар жиноий элементларнинг таъсири осонгина остига тушиб қоладилар, дайди-дарбадарлар, фоҳишалар ва шу кабиларнинг сонини кўпайтирадилар.

Туғма ақли заифлик руҳий жараёнларнинг нотекис ривожланиши билан бирлашиб кетган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Бу беморларда қандайдир қобилиятлар, баъзан умумий ақлий ривожланиш анча орқада қолган бўлади. Бироқ ноёб хотирага эга бўлган ёки дилида мураккаб арифметик ҳисоб-китоблар қилишга кодир бўлган, мусиқий қобилияти ўта кучли олигофренлар борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундай ҳолларда, мия қобиғининг маълум функцияларини бажарувчи бир ёки бир нечта бўлинмалари гипертрофик ривожланган, унинг бошқа бўлинмалари ёки мия бутун қисмларининг унча ривожланмаганлиги ёхуд нотекис ривожланиши кузатилади.

Клиник амалиётда олигофрения билан касалланган беморлар ва орттирилган ақли заифлик – деменция билан касалланган беморларни фарқлаш зарур. Кўргазмали тушунтириш мақсадида туғма ақли заиф беморни ҳеч қачон бойликка эга бўлмаган камбағал одам билан тенглаштириш қабул қилинган бўлиб, демент беморни эса бор-йўғидан ажралган бадавлат одамга қиёслашади.

Деменцияни ҳақиқий ва ёлғон – псевдодеменцияга ажратилади. Псевдодеменция "тентак" ахлоқнинг руҳий зарбага учраган шароитдаги (қамок, уруш, оғир ҳаётий вазиятлар ва ҳоказо) симулятив ёки намойишкорона аффектив кўринишни намоён этади. Ҳақиқий деменция турғун ёки ўсиб борувчи ақлий пасайиш билан бирга шахсият бузилишлари, кўп ҳолларда, хотира бузилишини ўз ичига олади.

**5. Хулқнинг нормадан чиқиши билан боғлиқ бузилишлар.** Нормадан чиқиши ҳолатларига руҳий соғлик ва ифодаланган нуқсон ўртасидаги шартли чегара яқинида жойлашган руҳий-асаб бузилишларининг заиф, ўчиб кетган шакллари киради. Бундай бузилишлар доираси жуда кенг. Нормадан чиқиш ҳолатлари орасидаги умумий кўринишда ўткир психопатик бузилишларсиз бўлган психогения, руҳий зарбали бузилишлар ва руҳий-шаҳвоний ривожланиш девиацияси ажратилади.

*Психогения* – асаб тизими ва шахсий хислатларининг ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланадиган руҳий жароҳатлар

таъсири остида юзага келадиган руҳият бузилиши. Ўз таркибига кўра реактив ҳолатлар, неврозлар ва шахсият бузилишларига бўлинади.

*Реактив ҳолатлар.* Касаллик ушбу турининг энг кўп тарқалган шакллари кайфият бузилишларидир. Тўғри, соғлом кишининг кайфияти вақтнинг кўп қисмида энг яхши ва энг ёмон ўртасида бўлади. Кайфият бузилишидан қийналувчи одамларда у деярли ҳар доим бир ёки иккинчи қутбда бўлади. Бу одамлар кучли ҳаяжонланишга мойил ёки бефарқ бўлиб, ўзларини назорат қила олмайдилар.

*Депрессия.* Маълумки, депрессия юзлаб йиллардан буён, киши руҳиятида ташвишларнинг оғриқли кечиши шакли сифатида тавсифланади. Депрессиянинг келиб чиқишини қадимги юнонлар қора сафродан захарланиш деб тушунтиришган. Бу унинг эски номида - меланхолия, "қора сафро" да акс этган. Невротик депрессия принципиал равишда мутаносиб сабаблар ва ривожланишнинг невротик белгилари билан эндогенли депрессиядан фарқ қилади, бунда эндоген, ёки биологик депрессия кайфиятнинг чуқур, бирламчи оғриқли тушиб кетиши ҳисобланади. Невротик депрессия ўзида аффектив тарзда, у ёки бошқа психоген воқеалардан таъсирланишни намоён қилади. Унда кам ҳолларда витал қайғу ва тормозланиш ҳамда кўпроқ ҳолларда ғамгин ёки кўрқувли хавотир, турли хавфсирашлар, ўзига ва ўз оиласига ачиниш, ҳис-ҳаяжонли лабиллик, йиғлоқилик, руҳий-жисмоний озиб-тўзиб кетиш кузатилади.

Ўлим ёки ажрашиш оқибатида севгилисини йўқотиш кўпинча депрессияга олиб келади. Ваҳоланки, ажрашишдан сўнгги депрессия бева қолганларга нисбатан чуқурроқ ва узокроқ бўлиши қайд этилган. Бундай ҳолда, оғир жудолик – севган кишининг ўлимини бошидан кечирган одамлар ўз йўқотишига аза тутиб, кўз ёш тўкишлари мумкин, қариндошлари ва дўстларидан мадад оладилар. Ажралганлар эса, одатда, атрофдагилардан ҳеч қандай тасалли ва ёрдам олмай, янги ҳолатга мослашишга мажбурдирлар. Шунинг учун, ажралганларда уларнинг бошига тушган бахтсизликдан сўнг ўзига келиш қийинроқ бўлади. Кайфият тушишига атроф-муҳитнинг, ёруғ куннинг қисқариши каби объектив омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Депрессиянинг ушбу шакли мавсу-

мийлик номини олган. У кўпинча, об-ҳавонинг мавсумий ўзгаришлари кучлироқ бўлган шимолий минтақаларда учрайди.

Депрессиядан қийналаётган одам ҳеч нарсани истамайди, тезда чарчаб қолади, унга энергия етишмайди. У ўзига паст баҳо беради ва ҳаётнинг салбий томонларини ошириб кўрсатади. У ҳаётда ҳеч қандай яхши нарсани кўрмайди. У ўзининг шахсий муваффақиятларини паст баҳолайди. Масалан, сиз депрессиядан қийналаётган одамга унинг чизган суратига қойил қолганингизни билдирдингиз. У, сизга бундай суратни чизиш унчалик қийин эмаслигини айтади ва бу яхши сурат унинг шахсий хизмати эканлигини тан олмайди. Депрессия ҳолатидаги кишиларда ўзига ишонч етишмайди, шунинг учун улар катастрофизация, яъни бўлиши мумкин бўлган нохушликларни ошириб кўрсатишга мойилдирлар. Депрессия ҳолатида бўлган кишиларга уларни хурсанд қилишга уриниш ёқмайди, ўйин-кулгудан қочишни бошлайдилар. Улар йиғлоқи бўлиб, кўп ухлайдилар, ўнгларида алаҳсирайдилар. Депрессиянинг энг хавфли аломатларидан бири атрофдаги одамларга аралашини истамаслик ёки унга лаёқатсизлик ҳисобланади. Баъзан депрессияда ахлоқнинг кескин ўзгариши юз беради. Вазмин феълли одам асов бўлиб қолади, дўстона муносабатдаги одам адоватли кишига айланади. Психологларнинг маълумотига кўра, аёллар эркакларга нисбатан икки марта кўп депрессияга чалинадилар, бироқ эркаклар ўзини ўзи ўлдириш ҳақидаги фикрларга мойил бўлиб, уни бошдан қийнроқ ўтказадилар.

Аёллардаги депрессия жинсий муносабатлардаги омадсизлик натижаси бўлиши мумкин. Кутилмаган аборт, янги туғилган чақалоқ ёки турмуш ўртоғининг ўлими, менопауза ва ҳатто, менструация кўпинча оғир депрессия (айниқса, аёл ўттиз ёки қирқ ёшдан ошган ёки ёлғиз ва фарзандсиз бўлса) билан кечади. Репродуктив омадсизликка депрессив "жавобнинг" адаптив аҳамияти келгусида ота-оналар ахлоқининг яхшиланиши, ёрдам олиш ва оиладаги барқарорликка эришишдан иборат бўлиши мумкин.

Психологияда депрессия манифестацияларининг уч тури фарқланади: ҳис-ҳаяжонли, когнитив ва мотивацион.

Депрессиянинг ҳиссий намоён бўлиши: 1) ғамгин кайфият - тушкунлик, маъюслик, қайғу, умидсизлик, бахтсизлик; 2) ўз-ўзига

нисбатан салбий туйғулар; 3) лаззат редуцияси: қувониш, роҳатланишга лаёқатсизлик, қувончдан таъсирланишни йўқотиш; 4) ҳис-ҳаяжонли меҳр-муҳаббатни йўқотиш – ўзи ва бошқалар ўртасида тўсиқни ҳис қилиш; 5) йиғи аффекти.

Когнитив манифестациялар: 1) ўзини паст баҳолаш ва ўз кадрини пастга уриш; 2) салбий умидлар: келажакка қайғули боқиш ва пессимизм; 3) ўзини айблаш ва ўзини танқид қилиш; 4) муқобилликни танлашда қийналиш кўринишидаги журъатсизлик; 5) айрим дизморфофобиявий жиҳатларга қадар тана қиёфасини бузиб кўрсатиш.

Депрессиянинг мотивацион кўринишлари: 1) ирода фалаж-лиги, бирон-нарсга қилиш учун ижобий мотивацияни, ички стимул-ни йўқотиш; 2) кетиб қолиш, яшириниш истагининг мавжудлиги, мажбуриятларнинг бемаъни, зерикарли, мазмунсиздек қабул қилиниши; 3) ўз жонига қасд қилишга мойиллик.

### *Депрессиянинг тарқалган аломатлари*

\* Ғамгинлик ва ишончсизликни ҳис қилиш.

\* Уйқусизлик. Инсон эрта уйғонади, лекин қийинчилик билан туради.

\* Лоҳас фикрлаш ёки диққатни жамлашнинг пасайиши.

\* Муқаддам лаззат бахш этган машғулотларга, масалан, жинсий алоқага қизиқишнинг йўқолиши.

\* Ўзини ўзи ўлдириш ва ўлим ҳақидаги фикрларнинг мавжуд-лиги.

\* Бездовталиқ ва жиззакилик.

\* Ўзини паст баҳолаш ёки айбдорлик ҳисси.

\* Иштаҳанинг бузилиши.

\* Чарчаб қолиш, мадорсизлик.

\* Анъанавий равишда даволанмайдиган сурункали оғриқлар.

**Неврозлар.** Келиб чиқиши психогенли бўлган руҳият бузилиши неврозларга киритилади. Неврознинг клиник шакли куйидаги белгилар билан тавсифланади: а) кўрқув ёки хавотирдан химояланишдан далолат берувчи ахлоқ, туйғу ёки онг бузи-лишларини намоён этувчи невротик симптомлар (аломатлар). Субъектнинг ички зиддиятига муносабати кўринишидаги ҳолатлар мураса ҳисобланиб, невротик шахс улардан маълум фойдани

олади (невроздан иккиламчи фойда); б) идентификациялашга ва бошқа одамлар билан яхши муносабат ўрнатишга, шунингдек «Мен» невротик характери шахсий ички мувозанатни ушлаб туришга лаёқатсиз бўлади.

Неврозларнинг икки турга ажратилиши қабул қилинган: фаол неврозлар, руҳий-неврозлар. Фаол неврозларни руҳий-неврозларга қарши қўйиш уларнинг этиологик ва патогенетик аломатларига асосланган: иккала турнинг сабаби жинсий бузилишлар билан боғлиқ. Бироқ фаол неврозларда унинг "айни вақтдаги жинсий ҳаёт бузилишларидан", руҳий-неврозларда эса - "ўтмишнинг муҳим воқеаларидан" излаш лозим.

**Фаол неврозлар.** З. Фрейд улар симптоматик бузилишларининг нотўғри жинсий амалиётга бўлган физиологик таъсирчанлигини ифодаловчи "ҳозирги кун неврозлари" деб атаган. Бунда симптомлар пайдо бўлиши механизми рамзий эмас, балки соматик ҳисобланади (масалан, ҳаяжонланишнинг бевосита хавотирга айланиши). Фаол неврозлар икки кичик турга эга: неврастения ва хавотир неврозига бўлинади.

*Неврастения* - "асаблар заифлиги", чарчаб қолиш, бош оғриғи, ич қотишлар, игна санчилиши ҳисси, жинсий заифликни ўз ичига олган турли висцерал ички бузилишлар каби аломатлар билан тавсифланади. Уларнинг пайдо бўлиш сабабларини Фрейд жинсий функцияларнинг либидо кучланишининг лозим даражада бўшанишини таъминлашга қодир эмаслигида, жинсий қониқишнинг нотўлиқлигида (масалан, мастурбация туфайли) кўрган.

Хавотирли невроз зўриқиш, серзардалик, нотинчлик, кўрқув, доимий равишда хавфсирашни ҳис қилишда намоён бўлади. Асосий аломатлари: кўп терлаш, титроқ, нафас қисиши, юрак уришининг тезлашиши, бош айланиши, ич кетиши, уйқу бузилиши. Хавотирли невроз билан касалланганлар жинсий амалиётда жинсий бўшанишнинг мазкур шахс учун мос келадиган частотаси, мароми ва сифатидан четга оғишларга эга бўлади. Асосий сабаби, одатда, жинсий алоқадан ўзини тийиш ёки шахвонийликни бостириш, шунингдек жинсий аъзоларни мутаносиб озод қилишсиз қўзғатиш ёки узилган жинсий алоқа ҳисобланади, бу эса, пировардида "жинсий ҳаётдан узилиш"га олиб келади. Ўзининг тажовузкорлигини ҳаддан ташқари бостириш хавотирли невроз намоён бўлишининг бошқа сабаби бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Рухий неврозлар.** Фрейднинг фикрича, бу шундай рухий парокандаликки, уларда аломатлар болалар зиддиятларининг рамзий ифодаси бўлиб чиқади. Демак, рухий неврозлар энди психологик ва детерминацияланган ҳисобланади. Рухий неврозлар деганда, Фрейд шунингдек, жинсий негизни асослайди. Бу ерда илк болаликка тегишли бўлган маълум воқеалар, шунингдек ушбу воқеалар ва ташвишлар билан боғлиқ эрта жинсий хомхаёллар (фантазиялар) таъсири постуляция қилинган. Бу тақиқланган фантазиялар кейинчалик эсдан чиқарилган, уларнинг зиддиятли характери туфайли бостирилган бўлади. Бу зиддиятлар катта ҳаётда фаоллик сусайтирилганда унда аломат пайдо бўлиши билан бирга регрессия юзага келади, бу ерда симптом хавотирга қарши ўзига хос ҳимоя бўлиб хизмат қилади. Мияга ўрнашиб қолган ҳолатлар неврозини аффектив невроз ва фобиявий неврозга ажратиш қабул қилинган.

**Невроз ривожланишининг шарт-шароитлари.** 1. Майл ва истаклар бўшанишига қаршилиқ кўрсатувчи кўрқув ўртасида ички зиддият мавжуд.

2. Бу зиддият жинсий зиддиятни жалб қилади.

3. Бу зиддиятлар ишлаб чиқилмаган, уларни ҳал қилишнинг бирон-бир аниқ усули топилмаган. Бўшаниш, лаззатланишга қаратилган майллар онгдан ўчирилган ёки ҳимоя механизмлари томонидан қандайдир равишда бузиб кўрсатилган. Невротик учун бошланғич ҳимоя механизми бостириш (сиқиб чиқариш) ҳисобланади. Бостириш ушбу истакларни ғайриихтиёрий қилиб қўядиган даражада муваффақиятли ҳисобланади.

4. Бостириш истакларни улар эга бўлган кучдан тўлиқ маҳрум қилишга қодир эмас ва бу бостирилган истаклар онгга аломатлар каби ёриб киради.

5. Ички зиддият фақат болаликда шунга ўхшаш рудиментлар юз берган ҳоллардагина ўсмирлик даврида ёки катта ёшда неврозга олиб келади.

Мияга ўрнашиб қолган ҳолатлар неврози хаёлдан кетмайдиган аломатларда (сеҳр-жоду маросимларида, мажбурий ғоялар, исталмаган ҳаракатларга мажбурлаш, бу фикр ва мойилликларга қарши кураш,) ва биргина шубҳа, пушаймонлик ва ҳоказоларни «чайнаб бериш» ҳукмронлик қилган фикр усулида намоён бўлади, бунинг натижасида эса фикр ва ҳаракатларнинг тормозланиши юз

беради. Бунда: 1) ҳис қилишлар (фикр, истак, қизиқтириш, туртки ва аффектлар) субъектив мажбурлаш сифатига эга бўлиши лозим. Одам айнан шу тарзда ҳаракат қилиш ва ўйлашга мажбурлигини ҳис қилади; 2) мажбурий фикрлар ва ғоялар субъектга мазмундан маҳрум бўлган, ишончсиз ёки тутуриқсиз шаклда намоён бўлади. Мажбурий ҳолатлар неврозида шахснинг ўз ташвишлари азобини англаш қобилияти сақланиб қолади; 3) мажбурий ташвишларга субъект фаол қаршилиқ кўрсатиши лозим. У уларни бостириш ёки онгидан сиқиб чиқаришга интилади, лекин кучлар, одатда, беҳуда бўлиб чиқади. Аффектив невроз – бу руҳий зиддият спазматик (масалан, «театраллик» элементлари бўлган ҳис-ҳаяжонли инқироз) ёки янада мустаҳкамроқ (оғриқ сезувчанлигини йўқотиш, аффектив фалажлар, томоғида «юмалоқ нарсани» ҳис қилиш ва хоказо) характердаги невроз бўлиб, унда турли клиник аломатлар кўзга ташланади. Аффектив неврознинг ўзига хос хусусияти куйидагиларда намоён бўлади:

1) аффект фаоллик Эдип синдроми босқичига хос бўлган инфантил зиддиятни ўз ичига олади;

2) невротикнинг аффектив «Мен»и асосан, ҳимоя сифатида бостиришга (сиқиб чиқаришга), амнезия ёки диссоциацияга ва камдан-кам ҳолларда реактив ҳосилаларга юз туттади;

3) аффект аломати кўпинча ўзини конверсион реакция (аффектив тутқаноқ ёки фобия) шаклида намоён қилади;

4) аффектив "юқори-Мен" мажбурий ҳолатлар неврозига нисбатан ён босувчироқ, "гапдонроқ" ва унча талабчан эмас;

5) аффект аломатлари «Мен» билан синтезланади ва рад этилиши лозим бўлган ғайриихтиёрий эҳтиёжларни иккинчи бор қондириш учун жалб этилиши мумкин;

6) аффектив шахс ўзлаштиришнинг баъзи ички блокировкаси ёки ғайриихтиёрий истакларни келтириб чиқарувчи ташқи рағбатлардан жисмонан қочиш орқали ички зиддиятни, «Мен»нинг баъзи ички блокировкасини рад этишга мойилдир;

7) ғайриихтиёрий фантазиялар аффект аломати шаклланишига олиб келиши мумкин бўлган муҳим омиллар саналади. Фобиявий невроз – неврознинг асосий аломати кўрқув бўлган, асосиз ва бўрттирилган, тузилиши бўйича конверсион аффектга ўхшаш туридир. Бундай кўрқувнинг нуқсонли таъсирчанлиги яққол жинсий жўшқинлик, жинсий ҳис-ҳаяжонлар фониди

фаоллашувчи ғайриихтиёрий зиддият билан боғлиқ. Бу кўрқувдан зиддиятнинг «Мен» тизимидан ташқарида бўлган объектга ёки вазиятга кўчиши билан қочиш мумкин. Кўрқув ёки зиддият - ички бўлса, ундан қандайдир ташқи объектга, ташқи вазиятга боғланиш орқали қочиш мумкин. Бундай алмашиш содир бўлганидан кейин хавотирнинг ўзига хос, масалан, хавотирнинг биринчи хуружидан олдин бўлган вазиятга боғланишга маълум бир тайёрлиги кўринади. Бошланғич воқеани такрорловчи ёки қандайдир равишда рамзий маънода намоёиш этувчи вазият юзага келса, унда хавотир манифестацияси билан алоқа ҳосил бўлади. "Мен" турли усуллар билан, масалан, тормозланиш ҳолати (импотенция, фригидлик) ёки ушбу ғайриихтиёрий зиддият билан боғлиқ объектларни четлаб ўтиш воситасида ушбу хавотир хуружларини қайтаришга уринади.

Инсонлар кўпинча кўрқув ҳолатини хавф-хатар вақтида, баъзан бирор-бир шахс олдида, муҳим иш ва муҳим учрашувлардан олдин, низоли вазиятларда, ўқиш ва ишда муваффақиятсизликка дуч келганда, жамоа олдида сўзга чиққанда, қутилмаганда содир бўладиган чўчитувчи вазиятларни бошдан кечирилади.

Кўпинча психологик адабиётларда кўрқув муаммоси таниқли олимлар томонидан кенг доирада таҳлил қилиниб, бу борада илмий-назарий таърифлар ишлаб чиқилган. Кенг тарқалган таърифларга кўра:

Кўрқув – субъект ўзининг хотиржам ҳаёт кечиришига зиён етиши мумкинлиги ҳақида, унга таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган хавф- хатар ҳақидаги хабарни олиши билан пайдо бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир. Киши кўрқув ҳиссиётига берилганда, муваффақиятсизликка учраши мумкинлигини фақат эҳтимолий тарзда билади ва ушбу (кўпинча, етарли даражада ишонарли бўлмаган) тахминга биноан ҳаракат қилади. Кўрқув ҳиссиёти стеник тусда ҳам, астеник тусда ҳам бўлиши ёки руҳан астойдил тушкунликка берилган ва хавотирланган равишда ёки аффектив ҳолатга тушган равишда кечиши мумкин.

Кўрқув – одамнинг ўзига ёки яқин кишиларига тааллуқли бўлган ҳақиқий ёки хаёлий хавф-хатарга нисбатан қайтарадиган эмоционал реакциясидир. Кўрқув юзнинг оқариши, баданнинг титраши ва бошқа бир қанча ихтиёрсиз товушлар, ҳаракатлар билан ифодаланади. Кўрқув хавф- хатардан қочиш ёки ҳаракатсиз туриб қолиш ҳолатида ҳам намоён бўлиши мумкин.



Қўрқув ҳолати шахсда психик жараёнларнинг тўғри кечишига катта таъсир кўрсатади. Бу жараёнда сезувчанликнинг ўта ошиб кетиши ёки пасайиши вазиятнинг моҳиятини тушунмаслик, идрок этишнинг ёмонлашуви каби ҳолатларни кузатиш мумкин. Қўрқув тафаккур жараёнига ҳам таъсир кўрсатиб, баъзи инсонларда фикрлашнинг равонлашуви ва вазиятдан тезроқ чиқиб кетишга интилиш билан намоён бўлса, бошқаларда, аксинча, тафаккур маҳсулдорлигининг пасайиши, нутқ ва ҳаракатларда мантиқсизлик акс этади. Аксарият ҳолларда иродавий соҳа заифлашиб, инсон бирор қарор қабул қилишга, вазиятни назорат қилишга ўзида куч тополмай қолади. Қўрқув вақтида кўпинча нутқ бузилиб, товушда титроқ пайдо бўлади. Қўрқув ва хавотирлик диққат жараёнига ҳам катта таъсир кўрсатади. Одатда, диққат тарқоклашиб, инсон ўз диққат-эътиборини бир ерга тўплай олмайди ва баъзан, аксинча диққатининг барқарорлиги ошиб, айнан бир объектга томон йўналтирилганлигини ҳам кўриш мумкин.

А.Кемпински қўрқувни келтириб чиқарувчи ҳолатларни 4 гуруҳга ажратади: ҳаёт учун бевосита хавфли таъсир кўрсатувчи омиллар, ижтимоий таҳдидлар, фаолликни шахсан танлаш имкониятининг йўқлиги ҳамда ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатлардаги бузилишлар. Келиб чиқиш сабабларига кўра қўрқувни биологик, ижтимоий, рухий ва дезинтеграцион турларга бўлиш мумкин.

Қўрқув хавф-хатардан ҳимояланишга ва ундан қочиш йўллариини излашга ундовчи тўғри эмоционал ҳолат ҳисобланади. Ҳеч қачон қўрқувни ҳис қилмаслик мумкин эмас, ҳолбуки қўрқув ва хавотирнинг йўқлиги ҳам психик бузилиш белгисидир. Аммо баъзи инсонларда маълум бир вазият ва ҳолатга нисбатан номутаносиб реакциялар билан ифодаланувчи ёпишқоқ қўрқувлар ва фобиялар ҳам учраб туради. Фобияга дучор бўлган инсон қўрқувнинг асоссиз эканлигини тушуниб этади, аммо қўрқувдан халос бўла олмайди. Ёпишқоқ қўрқувларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ҳар бир инсонда мавжуд. Шунинг учун ҳам фобиялар етарлича кенг тарқалган.

*Фобия* – бирор вазият, ҳодиса предметга нисбатан вужудга келадиган бирмунча турғун ва асоссиз қўрқувдир. Фобия билан азият чекувчилар қўрқувларига сабаб бўлувчи предмет ёки вазият ҳақида ҳатто ўйлаганларида ҳам уларни ваҳима қамраб олади.

Фобия инсонларнинг тўғри ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қилиб, шахсий, ижтимоий ва касбий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фобия кўрқувдан кучли ва турғун ҳолда намоён бўлиши, кўрқув уйғотувчи объектдан қочиш истагининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Маълумотларга қараганда, ер юзи аҳолисининг 10 –11 % турли хил фобиялардан азият чекади. Бу ҳолат инсонда кутилмаганда ва англалмаган сабабга кўра пайдо бўлиши мумкин. Айниқса, болаларда кўрқув ва фобиялар уларнинг жамиятга, ўраб турган оламга мослашиш жараёнларида кўпроқ учрайди. Таъкидланишича, фобиялар фантазияси яхши ривожланган, хавотирланувчан хусусиятга эга бўлган, ўзига ишонмайдиган, ўзига паст баҳо берадиган, мулоқотга киришиш малакаси яхши шаклланмаган инсонларда кўпроқ кузатилар экан. Бу жараёнга ирсият ҳамда тарбия ҳам катта таъсир кўрсатади. Фобия эркакларга қараганда аёлларда кўпроқ учрайди. Бу ҳолат аёлларнинг ҳиссиётга берилувчанлиги ва кўпинча агрессиянинг объектига айланиб қолишлари билан боғлиқдир.

Фобиянинг кўплаб турлари мавжуд: одамлар бирор ҳайвондан, хашаротдан, баландликдан, ёлғиз қолишдан, касалликка чалинишдан, очиқ ёки берк бўшлиқдан кўрқадилар. Ҳатто инсонларда фобофобия, яъни бирор фобияга дучор бўлишдан кўрқиш ҳам учрайди. Одамларнинг доимо кўрқув ҳиссини кўзғатувчи вазиятдан қочишлари фобиянинг белгисидир.

Фобиялар вақтида инсон кўрқув объектига нисбатан вегетатив асаб тизимидаги кўзғалишлар натижасида икки хил усулда жавоб реакциясини кўрсатиши мумкин:

Биринчи ҳолатда, симпатик асаб тизими кўзғалиб, юрак уришининг тезлашуви, қон босимининг кўтарилиши, терининг қизариши каби белгилар кузатилса, иккинчи ҳолатда парасимпатик асаб тизимининг кўзғалиши натижасида юрак уришининг секинлашуви, қон босимининг пасайиши, тери рангининг оқариши, совуқ тер чиқиши каби ҳолатлар намоён бўлади.

Маълумотларда кўрсатилишича, фобия наслдан-наслга ўтади. Ота -онада бирор фобия мавжуд бўлса, фарзандга ҳам шу ҳолатга нисбатан мойиллик наслий йўл билан узатилади, аммо бу мойиллик айнан шу фобия турига нисбатан бўлмаслиги мумкин.

Фобиялар инсон ҳаётининг фаолиятининг деярли ҳамма жабҳаларида учраши мумкин:

*Инсоннинг уйда бўлиши, хўжалик ишлари, шахслараро муносабатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ фобиялар:* ёнғин чиқишидан, газ билан заҳарланишдан, ток зарбасидан (уришидан), сув босиб кетишидан, баландликдан, ифлосликдан, ювиш воситаларидан, дорилардан, маиший асбоблар портлаб кетишидан, уйнинг кулаб тушишидан, ёлғизлик ёки қоронғуликдан қўрқиш.

*Иш фаолияти билан боғлиқ фобиялар (ҳамкасблар ва бошлиқлар билан муносабатлардан, атроф-муҳитдан ва ҳоказолардан қўрқиш):* ишни бошлаш, ишни йўқотиб қўйишдан, янги мутахассислигига мос бўлмасликдан, иш жойида шикастланиш ёки бахтсиз ҳодисадан, нафақага чиқишдан, ҳамкасблари билан ўзаро бир-бирини тушуна олмасликдан, бошлиқлардан, назорат-текширув ташкилотларидан, муҳим музокаралардан, масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқиш.

*Инсоннинг шахсий, жинсий ҳаёти билан боғлиқ фобиялар:* ҳомиладорликдан, фарзандсизликдан, зўрланишдан, жинсий юқумли касалликлар юқишидан, турли касалликлар билан касалланишдан, қариликнинг қийин кечишидан, соч тўкилишидан, аллергия реакциялардан қўрқиш ва бошқалар.

*Яширин фобиялар:* Қарама - қарши жинс вакилларидан; бирор иллатга берилиб қолишдан; алкоғол, наркотик маҳсулотларига, дори воситаларига ва бошқа хил тобелик юзага келишдан; омадсизликнинг такрорланишидан, кимнингдир жонига қасд қилишдан; ўлдирилишдан; ёпиқ жойлардан, бинолардан, ўзини ўлдиришдан, бойлигини йўқотишдан, ақлдан озишдан, ўзга сайёраликлар билан учрашувдан, турли ранглардан, руҳ ва арвоҳлардан қўрқиш.

*Ота-оналарда кечадиган фобиялар:* ўз бепуштлигидан, ҳомиладорликдан ҳомилага зарар етишидан, туғруқ оғриқларидан, турмуш ўртоғи болани севмаслигидан, болада қандайдир иллат аниқланишидан, унга зиён етказилишидан қўрқиш.

Юқорида келтириб ўтилган фобиялардан ташқари болалар ва ўсмирлар, йигит ва қизлар, эркак ва аёллар учун хос бўлган жуда кўп фобия турлари мавжуд. Таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳолатларнинг оддий қўрқув ёки хавотир сифатида намоён бўлиши табиий ҳол. Аммо шу каби ўй-фикрларнинг инсон миясини банд

этиши, бирор нарсадан қаттиқ кўрқиш, ҳатто ўша нарсанинг номини эшитиш ёки суратини кўришнинг ўзи ҳам инсоннинг даҳшатга тушишига сабаб бўлиши ва энг асосийси бу кўркувлардан одам ўз ирода кучи ёрдамида халос бўла олмаслиги фобиянинг хос хусусиятларидандир.

Фобиялар маълум вазиятлар, ҳодисалар ва тасаввурлар билан боғлиқ бўлган доимий хавотир ва кўркувлар асосида тез ва сезиларсиз шаклланиши ҳамда оғир психопатологик асоратлар даражасигача ўсиб келадиган қийноқли руҳий кечинмаларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Хавотир, кўркув ва фобиялар кечишнинг давомийлиги билан ажралиб туради, ўсиб ривожланишга, ортиб боришга, ўз шакллари ўзгартириб, бошқа ҳаётий вазиятлар, предметлар шаклларига айланишга мойил бўлади. Улар доимий тушкунлик, ғамгинлик, ҳолсизлик ёки агрессия ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлади. Бир одамнинг ўзида бир неча фобиялар кузатилиши мумкин. Бунда инсон ўз касаллигининг барча кўринишларини танқидий идрок этиши тўлиқ сақланиб, бу ҳол унинг руҳий азобларини янада кучайтиради.

Фобиялар инсон хулқининг баъзи ноодатий ҳолатига ҳам сабаб бўлиши, атрофдагиларнинг номувофиқ реакциясига олиб келиши мумкин. Масалан, фобик кўркувлар содир бўлиши эҳтимол бўлган бахтсизликдан ҳимояланиш мақсадида ўтказиладиган бутун бошли маросимгача бўлган ҳаракатлар, кўпинча соғлом фикр нуқтаи назаридан эриш туюлган хулқ-атвор кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, фобия-инсонлар эмоционал соҳасининг патологик ҳолати бўлиб, асоссиз равишда кучли кўркув шаклида намоён бўлади<sup>1</sup>.

*Унга кўра, фобиянинг қуйидаги турлари мавжуд:*

Агорафобия – очик бўшлиқлардан кўрқиш.

Аквафобия – сувдан кўрқиш.

Акрофобия – баландликдан кўрқиш.

Андрофобия – эркаклардан кўрқиш.

Аутофобия – ёлғизликдан кўрқиш.

---

<sup>1</sup> Нишанова З.Т., Туляганова. Ш.Т. Ўсмирлик даврида кўркув ҳолатларининг намоён бўлиши: Услубий қўлланма. – 2009. – Б. 9-14.

Гемофобия - қондан қўрқиш.  
Зоофобия – ҳайвонлардан қўрқиш.  
Кардиофобия – юрак касалликларидан қўрқиш.  
Клаустрофобия – ёпик бўшлиқдан қўрқиш.  
Крематофобия – пулдан қўрқиш.  
Некрофобия – мурдалардан қўрқиш.  
Никтофобия - қоронғуликдан қўрқиш.  
Панофобия – дунёдаги ҳамма нарсадан қўрқиш.  
Пирофобия – оловдан қўрқиш.  
Санта-клаустрофобия – тутун мўрисига тикилиб қолишдан қўрқиш.  
Танатофобия – ўлимдан қўрқиш.  
Токсикофобия – заҳарланишдан қўрқиш.  
Трискайдекафобия – 13 сонидан қўрқиш.  
Фобофобия – ўз қўркувидан қўрқиш.

**Шахсият бузилиши (характер бузилиши).** Характер бузилиши ҳозирги кунга қадар «психопатия» деб аталади. (ҳозир Ғарб мамлакатларида бу атама деярли қўлланилмайди). Психопат шахсиятининг кўпчилиги инфантил бўлади ва шахс ўзини намоён қилишини онгли назорат қилишга қодир эмас. Бу бузилишлар турли комплекслар ва нафсоният билан биргаликда ахлоқни ташкиллаштиришда ҳукмронлик қилувчи майллар, истаклар гиперболизациясида ифодаланади. Буларнинг барчаси шахснинг имкониятларига тўғри келадиган мақсадларни олдига қўйиши ва уларга режалаштирилган равишда эришишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, ҳиссий-иродавий аномалия психопатнинг атроф-муҳитга мослашувига халақит беради. Гарчи психопатияда кўпроқ шахсият азоб чекса-да, шунингдек бошқа руҳий ва айниқса, аффектив соҳаларнинг диспропорционал, дискординатли ривожланиши ҳам учраб туради. Эксплозив, аффектив ёки бошқа бузилишларнинг устунлиги шахсият ва аффектив соҳа бузилишининг шаклланиши хусусиятларига боғлиқ бўлади. Психопатиянинг бир қанча асосий шакллари ажратилади.

**Аффектив (истерияли) шакли ("этиборга ташналар").** Индивидлар ахлоқининг эксцентриклиги, нотабийлиги, ясамалиги, доимо кўз олдида бўлиш истаги, юқори даражада ишонтириш ва экзальтация, ошқора жанжал қилишга мойиллиги билан ажралиб туради.

*Эксплозив (портловчи) шакли.* Касалликнинг бу шакли учун ўзини тута олмаслик, ўз аффектини тўхтатиб қола олмаслик хос бўлиб, индивидлар арзимаган баҳоналар билан тўлқинланиб тажовузкорона тарзда қизгин акс таъсир кўрсатадилар. Шу билан бирга, улар педантизм, майда-чуйда нарсаларда тўхтаб қолиш, фикрлашининг конкретлиги билан фарқланиб, бу билан эпилептоидларни эслатишади.

*Аффектив шакли.* Бундай психопатия билан касалланганлар юқори - гипоманиакал, ёки паст – депрессив бўлиши каби беқарор кайфияти билан ажралиб туради. Гипоманияда улар ҳаддан ташқари фаол бўлиб, атрофдагиларга тинчлик бермайдилар, депрессияга ўтишда эса ҳаракатсиз, ҳамма нарсадан норози, баъзан ипохондрик, ўз соғлиғи билан ҳаддан ортиқ даражада банд бўлиб қоладилар.

*Паранойя шакли.* Мазкур индивидлар бадгумон, шубҳаланувчи, жанжалкаш ёки одамови бўлиб, бемаъни ғояларга мойилдирлар. Улар кўпинча ўзларини ҳуқуқлари чеклаб қўйилган, гўё атайлаб уларга қарши ҳаракат қилувчи душманлари бор деб ҳисоблайдилар. Бу беморлар кўпинча қарашларида жаҳолат, қасоскорлик, кек сақлашни намоён қилган ҳолда, атрофдагилар билан судлашувгача борадилар.

*Астеник шакли.* Бу индивидлар оддий қўзғатувчилар таъсири остида озиб-тўзиб кетадилар, тез ҳолдан тоядилар ва узоқ вақт ишлашга лаёқатсиздирлар. Улар баланд товушни, ортиқча ёруғликни кўтара олмайдилар, кўпинча серзарда, йиғлоқи ва ипохондрик бўладилар.

*Шизоидли шакли.* Психопатиянинг бундай шаклига эга бўлган одамлар - ғалати, "бошқа дунёнинг одами", ғайриоддий бўладилар. Кўпинча улар, ёлғиз, баъзан кўп сонли жониворлар қуршовида ҳаёт кечирувчи қари қизлар ёки бўйдоқларан иборат бўлади. Улар ҳаётдан узилиб қолган режалар тузиш, алоҳида парҳезлар ўтказиш, баъзан турли хил коллекциялар тўплашга мойилдирлар. Кўп ҳолларда, улар борлиқдан узилиб яшайдилар, ҳиссий жиҳатдан совуқ ва ҳаддан ортиқ рационал бўладилар.

Кўпгина психопат шахслар учун ахлоқнинг жамиятга зид шакллари хосдир. Булар одатда, жинсий одатлар бир мунча шаклланган ва наркотик ҳамда алкогольни суиистеъмол қилишга мойил бўлган инфантил шахслардир. Кўпинча улар иродаси

кучсиз, ишонувчан бўладилар ва осонгина йўлбошчиларнинг таъсири остига тушадилар. Улар чидам билан ишлай олмайдилар, камоқдан озод этилгач, бундай шахслар жиноий одатларига осонгина қайтадилар.

*Руҳий зарбали (стрессли) бузилиш.* Бу жароҳатли руҳий зарбадан кечикиб таъсирланиш, киши руҳий фаолиятининг олган руҳий жароҳати билан боғлиқ бўлган бузилиши, унда у бошидан кечирган, ижтимоий мослашувда қийинчиликларга олиб келган экстремал вазиятларнинг таъсири намоён бўлади (мулоқотда, ишда ва ш.к.). Руҳий зарбали бузилишнинг икки ўткир ва жароҳатдан кейинги шакли ажратилади, улар руҳий жароҳатдан кейинги юзага келиш вақти ва давомийлиги билан фарқланади.

Стресс - турли хил экстремал таъсирларга жавоб сифатида юзага келадиган киши ҳолатининг кенг доираси. Бу тушунча шахснинг физиологик, психологик ва ахлоқий даражалардаги экстремал шароитлар ҳолатларини тасвирлаш учун қўлланилади.

Руҳий жароҳат – кишининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатган ва бу таъсирнинг тўхтаганида, ҳолатлар, ҳодисалар, воқеаларнинг хотирасида қолдирган асоратидир.

*Экстремал вазият* – оддий инсоний тажриба доирасидан четга чиқувчи, кўзда тутилмаган равишда одамларнинг ҳаёти, соғлиги ва фаровонлигига жиддий ва бевосита хавф туғдириши билан тавсифланувчи, моддий қимматликларнинг йўқ қилинишига олиб келувчи ҳодиса.

Ўткир стрессли бузилиш (ЎСБ) жароҳат вақтидан бошлаб, бир ой давомида юзага келади ва икки кундан тўрт ҳафтагача давом этади.

*Ўткир стрессли бузилишнинг диагностик мезонлари.*

А. Индивид иккита жиҳати мавжуд бўлган жароҳатли ҳодисани бошидан ўтказган:

1) ҳодиса ўзи ёки бошқа одамларнинг ўлими ёки ўлими хавфи ёки жиддий жароҳатланиши билан боғлиқ бўлган;

2) ҳодиса кўрқув, ожизлик, даҳшатни интенсив равишда бошидан ўтказиш орқали содир бўлган.

Б. Жароҳат вақти ва ундан кейинги даврда шахсда камида учта диссоциатив аломатлар кузатилган:

1) ҳиссий қарамлик, «заифлашиш» ёки ҳиссий таъсирчанликнинг йўқлигини субъектив равишда ҳис этиш;

- 2) атрофдагилар ҳақидаги фикрларнинг торайиши ("чигаллик");
- 3) дереаллаштириш;
- 4) деперсоналлаштириш;
- 5) диссоциатив амнезия (ходисанинг муҳим жиҳатини эслаш олмаслик).

В. Жароҳатли ҳодисани такрорий равишда бошдан ўтказиш куйидаги аломатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасида намоён бўлади:

- 1) қиёфалар, фикрлар ёки ўзлаштиришни ўз ичига олган ёпирилиб келувчи ёқимсиз хотиралар;
- 2) ҳодиса тўғрисида қайтувчи ёқимсиз тушлар;
- 3) гўёки жароҳатли ҳодиса яна содир бўлаётганидек ҳаракат ёки туйғу (жонланган тажрибани ҳис қилиш, галлюцинация иллюзияси, уйқу ҳолатида ёки интоксикация даврида юзага келувчи диссоциатив флэшбэklar);
- 4) жароҳатловчи ҳодиса ёки уни эсга солувчи (муҳим кўзгатувчилар) бирон-бир жиҳатнинг рамзи бўлиб хизмат қилувчи ички ёки ташқи рағбатлар таъсири остида яққол ифодаланган руҳий дистресс;
- 5) бундай рағбатларга физиологик таъсирчанлик.

Г. Организм умумий реактивлигининг камайиши ва жароҳатни эслатиб турувчи рағбатлардан:

- 1) жароҳат ҳақидаги фикрлар, ҳиссиётлар ёки суҳбатлар;
- 2) жароҳат ҳақидаги хотираларни уйғотувчи фаолият, жой ёки одамлардан астойдил қочиш.

Д. Физиологик гиперактивациянинг куйида келтирилган кўри-нишларидан ҳеч бўлмаганда иккитасида намоён бўлувчи (жароҳатгача мавжуд бўлмаган) барқарорлик аломатлари:

- 1) уйқуга кетишнинг қийинлиги (уйқусизлик);
- 2) жиззакилик, бирдан ғазабланиш;
- 3) диққатни жамлашнинг қийинлиги;
- 4) юқори даражада сергаклик;
- 5) «қочиш реакцияси»га юқори даражада тайёрлик;
- 6) жисмоний чарчоқнинг, дам олишга эҳтиёжнинг йўқлиги.

Е. Бузилиш клиник аҳамиятга эга бўлган дистрессни юзага келтиради ёки шахснинг зарурий ёрдам олиш, оила аъзоларига бошидан ўтказган жароҳати тўғрисида хабар бериш лаёқатини издан чиқаради.



Ё. Бузилиш бир ой давомида юзага келади ва икки кундан тўрт ҳафтагача давом этади.

Ж. Бузилиш физиологик ва фаол моддаларнинг (наркотик, психотроп) бевосита таъсири ёки организмнинг умумсоматик ҳолати билан боғлиқ эмас.

Посттравматик (ёки жароҳатдан кейинги синдром) бузилиш жароҳатдан кейин камида бир ой ўтганидан сўнг юзага келади ва тўрт ҳафтадан кўпроқ давом этади. Намоён бўлиши ва кечишининг муваққат хусусиятларига кўра жароҳатдан кейинги стрессли бузилишларни учта кичик турга ажратилади:

- 3 ойгача бўлган муддатда ривожланадиган ўткир (уни ўткир стрессли бузилиш билан адаштириш мумкин эмас);

- 3 ойдан ортиқ давоми этадиган сурункали;

- кечиктирилган, бузилиш жароҳат олинганидан кейин олти ой ва ундан ортиқ вақт ўтгач, юзага келган. Шундай ҳолатлар маълумки, АҚШда Вьетнам уруши фахрийсининг посттравматик синдроми 10 йилдан ортиқ вақт ўтганидан кейин, у тўсатдан ўша вақтларни эсига солиб, пастлаб учаётган вертолёт овозини эшитиб қолганида юзага келган.

**Посттравматик синдромнинг диагностик мезонлари. А.** Индивид икки жиҳати мавжуд бўлган жароҳатли ҳодисани бошидан ўтказган:

1) ҳодиса ўзи ёки бошқа одамларнинг ўлими ёки ўлими хавфи ёки жиддий жароҳатланиши, жисмоний ҳолати билан боғлиқ бўлган;

2) ҳодиса кўрқув, ожизлик, даҳшатни интенсив равишда бошидан ўтказиш орқали содир бўлган.

Б. Жароҳатли ҳодисани такрорий равишда бошдан ўтказиш қуйидаги аломатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасида намоён бўлади:

1) қиёфалар, фикрлар ёки ўзлаштиришни ўз ичига олган ёпирилиб кирувчи ёқимсиз хотиралар;

2) ҳодиса тўғрисида қайтувчи ёқимсиз тушлар;

3) гўёки жароҳатли ҳодиса яна содир бўлаётганидек ҳаракат ёки туйғу (жонланган тажрибани ҳис қилиш, галлюцинация иллюзияси, уйқу ҳолатида ёки интоксикация даврида юзага келувчи диссоциатив флэшбэklar);

4) жароҳатловчи ҳодисанинг ёки уни эсга солувчи (муҳим кўзгатувчилар) бирон-бир жиҳатнинг рамзи бўлиб хизмат қилувчи ички ёки ташқи рағбатлар таъсири остида яққол ифодаланган руҳий дистресс;

5) бундай рағбатларга физиологик таъсирчанлик.

В. Жароҳатни эслатиб турувчи қуйидаги рағбатлардан астойдил қочиш ва қуйидаги аломатларнинг ҳеч бўлмаганда учтасида намоён бўладиган организм умумий реактивлигининг камайиши:

1) жароҳат ҳақидаги фикрлар, ҳиссиётлар ёки суҳбатлардан қочишга уриниш;

2) жароҳат ҳақидаги хотираларни уйғотувчи фаолият, жой ёки одамлардан қочишга уриниш;

3) жароҳатловчи ҳодисанинг бирон-бир муҳим жиҳатини хотирлай олмаслик;

4) фаолиятнинг аҳамиятли турларига қизиқиш ва унда иштирок этишнинг сезиларли даражада пасайиб кетиши;

5) одамларга қарамлик ёки улардан бегоналашишни ҳис қилиш;

6) аффектнинг торайиши (масалан, муҳаббатни ҳис этишга қодир эмаслик);

7) келажакнинг қисқалиги, йўқлиги ҳақидаги туйғулар (нормал ҳаётнинг цикли - карьера, эр-хотинлик, болалар ва ҳоказоларни кутишнинг мавжуд эмаслиги).

Г. Физиологик гиперактивациянинг қуйида келтирилган кўринишлардан ҳеч бўлмаганда иккитасида намоён бўлувчи (жароҳатгача мавжуд бўлмаган) барқарор аломатлари:

1) уйқуга кетишнинг қийинлиги (уйқусизлик);

2) жиззакилик, бирдан ғазабланиш;

3) диққатни жамлашнинг қийинлиги;

4) юқори даражада сергаклик;

5) «қочиш реакцияси»га юқори даражада тайёрлик;

Д. Бузилишнинг бир ойдан кам бўлмаган муддатга чўзилиши (Б, В, Г мезонлари мавжуд бўлганда).

Е. Бузилиш клиник аҳамиятга эга бўлган дистрессни юзага келтиради ёки шахснинг ижтимоий, профессионал ёки бошқа муҳим фаолиятни издан чиқаради.

Қайд этилган кичик турларидан ташқари, хорижий тадқиқотчилар стрессли бузилишларнинг «нормадан чиқиши» тоифа-

сини ажратадилар, унда учта гуруҳи бўлган бостириб кириш, қочиш ва гиперактивациянинг исталган иккита гуруҳи намоён бўлиши маълум.

А мезонининг таърифидан кўринадики, жароҳатли ҳодисанинг ифодаси *посттравматик синдромни* диагностика қилишда биринчи даражалилар қаторига киради.

Жароҳатли ҳодисаларга қуйидагилар киради (лекин бу билан чегараланмайди): жанговар тажриба; шахсга нисбатан зўрлик билан босқинчилик қилиш (шаҳвоний ёки жисмоний зўрлик, талончилик, гуруҳий босқинчилик); киднеппинг; гаров тариқасида ушлаш; террористик ҳужумлар; қийнашлар; ҳарбий асир сифатида концентрацион лагерларда сақлаш; табиий, саноат ва автомобил ҳалокатлари; одамга ҳаёт учун хавфли бўлган бедаво дард ташҳиси қўйилгандаги вазият.

Шахс ҳодиса гувоҳи бўлиб қолган вазиятлар: киши ўзига нисбатан зўравонлик ҳаракати содир этилиши натижасида бошқа кишининг жиддий жароҳат олиши ёки зўрлик билан ўлдирилишига, бахтсиз ҳодиса ёки ҳалокатга гувоҳ бўлиб қолган, ёхуд одам мурда ёки мурда қисмини топиб олган ҳолатларни ўз ичига олади (лекин бу билан чегараланмайди).

Одам бошқа кишилар билан содир бўлган ҳодисалар ҳақида биладиган вазиятлар бошқа одамларга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатилган ҳолатлар, оила аъзоси ёки яқин дўстининг бошига тушган оғир бахтсиз ҳодисалар ёки жисмоний жароҳатлар; одам фарзандининг ҳаёт учун хавфли дард билан касалланганини билган ҳолатларни ўз ичига олади (лекин бу билан чегараланмайди). Бошқа одамларнинг таъсири руҳий зарбанинг сабаби бўлган ҳолларда (масалан, зўрлик билан номусига тегиш) бузилиш айниқса, жуда оғир ва узоқ давом этиши мумкин.

Посттравматик синдромга эга бўлган индивидлар ҳалок бўлганлар олдида тирик қолганлари ёки улар омон қолиши учун нима қилишга мажбур бўлганликлари юзасидан оғир айбдорлик ҳиссини бошдан кечираётганликларини билдиришлари мумкин. Асосий жароҳатга ўхшаш бўлган ёки уни ифодаловчи вазият ёки ҳаракатлардан фобиявий қочиш эр-хотин ўртасидаги зиддиятларга, ажрашишлар ёки ишни йўқотишга олиб келиши мумкин. Шахслараро муносабатлар билан боғлиқ стрессли таъсир (масалан, болаликдаги шаҳвоний ёки жисмоний зўрлик, оилада калтак-

лашлар, гаровга олинган шахс, ҳарбий асир сифатида ушлаб туриш, қийноқлар) аломатларининг қуйидаги уйғунлиги бўлиши мумкин:

- аффект доирасининг бузилиши;
- ўзини ўзи емирувчи ва ғайриихтиёрий ахлоқ;
- диссоциатив аломатлар;
- соматик шикоятлар;
- фаолиятга лаёқатсизлик ҳисси;
- номус, умидсизлик, ишончсизлик, заифлашганлик, доимий таҳдид, душманлик ҳисси;
- илгари қўллаб турган нарсага бўлган ишончнинг йўқолиши;
- ижтимоий узилган, бошқа одамлар билан ўзаро алоқаларнинг заифлашганлиги;
- шахсий хусусиятларнинг ўзгариши.

Жароҳатловчи ҳодисанинг бирон-бир жиҳатини ифодаловчи ёки ёдга солувчи интернал ёки экстернал рағбатлар таъсирига бўлган физиологик реактивлик лаборатория тажрибаларида ўз тасдиғини топган. Бир қатор тадқиқотларнинг кўрсатишича, жанг вазиятлари кўринишидаги аудиовизуал рағбатлар (масалан, вертолётларнинг учиши, отишма товушлари) посттравматик синдромга учраган фахрийларда юрак частотасининг қисқариши ва артериал қон босимининг ортишига олиб келади. Тажриба олиб борилаётган посттравматик синдромлардаги мия фаоллигининг томографик тадқиқотлари жароҳат билан боғлиқ ташвишлар жараёнида бодомсимон безни ҳам киритган ҳолда олд перелимбик тузилмаларида мия қон айланишининг сезиларли даражада ортиши аниқланди. Кейинчалик таламус ва бодомсимон безнинг алоқаси шартли кўрқув таъсирчанлигини ҳосил қилиш учун «тез ва ифлосланган» йўлни ифодалайди. Таламокортикоталик тизим сенсорли киришдан келиб тушадиган ахборотни қайта ишлаш ва дискриминация қилишнинг ўта аниқ, лекин секин усули ҳисобланади. Ўз навбатида, зарарланмаган қобил шартли кўрқув таъсирчанлиги пасайиши ва ўчишини таъминласа, таламо миндал алоқасининг шикастланиши шартли кўрқув таъсирчанлигини ишлаб чиқишга тўсқинлик қилади. Бундай ҳолда, посттравматик синдром ўзида жароҳатли ҳодиса ҳақидаги «абадий ҳаяжонли хотира»ни намоён қилади. Бунда жароҳатли ҳодисага таъсирчанлик вақтида озод бўлаётган рухий зарба гормонлари ва

нейромодуляторлар ҳодиса ҳақидаги хотираларни қайта гуруҳлаши мумкин. Бу хотиралар оқибатда бостириб кирувчи эпизодлар ва қайтадан бошдан ўтказилаётган аломатлар кўринишида эркин равишда юзага келиши мумкин. Ҳодисани хотирлаш руҳий зарбанинг кўшимча гормонларини озод қилиши мумкин, бу эса посттравматик синдром ривожланиши билан тугаши мумкин бўлган ижобий қайта алоқа циклини яратиб, келгусида «жароҳатли хотира» кучининг ортишига олиб келади. Бир вақтнинг ўзида, жароҳатли ҳодисаларнинг ўта кучли ҳаяжонли хотираларига қарама-қарши равишда, тадқиқ қилинаётган посттравматик синдромларда ҳиссий бўлмаган ахборотга нисбатан заиф декларатив хотира аниқланган. Декларатив хотира шаклланишидаги маълум роли билан бирга, гиппокамп шунингдек ахлоқ регуляциясида "ички тормозланишни ифодалаш органи" сифатида иштирок этади. Гиппокамп функцияси унинг жароҳатланиши унумсиз ахлоқни намоёни қилишга олиб келувчи ахлоқий ўзгарувчанликни ва таъсирчанлик шаклланишининг барқарорлигини оширади. Бундай ҳолда, посттравматик синдром бўлган индивидларни ўқитиш ва уларда илгари мавжуд бўлган ёки кейин орттирилган ахлоқий хусусиятлардан халос қилишда жиддий қийинчиликлар кузатилади.

1. Посттравматик стресс (ПТС) нима? Бу жароҳатдан кейинги нормал тўғри ҳаяжонли ва руҳий таъсирчанлик (оғриқли, хижолатда қолдирувчи ташвишлар) ҳолати. Жароҳат давомли руҳий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Жароҳатдан сўнг кўпчилик ўзининг ҳаётини ўзгаргандек ҳис қилади. Илгари уларга хавфсиз ва яхши таниш бўлган нарсалар тўсатдан хавфли ва олдиндан айтиб бўлмайдиган сифатида қабул қилиниши мумкин.

2. Нима учун ПТС тўғрисида билиш лозим? Чунки инсон бирон кун руҳий жароҳатни бошидан ўтказиши мумкин. ПТС тўғрисидаги билимлар унга қуйидагиларда ёрдам беради:

- жароҳат ва жароҳатдан кейинги руҳий зарбани енгишда. Бу жароҳат бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларга, ижтимоий ҳаётга, ишга таъсир кўрсатган ҳолларда айниқса, муҳимдир;

- жароҳат оқибатларини енгишни истаган бошқа одамларга мадад бўлишда оила, ҳамкасблар, дўстларига ёрдам беради.

3. ПТС дан энг кўп ким азобланади? Жароҳатли ҳодисани ўз бошидан ўтказган ёки шохиди бўлган ҳар ким. ПТС қуйида келтирилган ҳодисалар натижасида юзага келади:

- уруш, уруш билан боғлиқ зўрлик худди ҳарбийларга таъсир кўрсатгани сингари фуқароларга ҳам таъсир қилади;

- зўрлик билан содир этиладиган жиноятлар, шу жумладан номусга тегиш. Зўрликни бошидан ўтказган одамлар унинг такрорланишидан қўрқадилар;

- автомобиль ёки авиация ҳалокатлари, замонавий технологияларга ишонч йўқолади;

- табиий ҳалокатлар, бўрон, сув тошқинлари, zilzilalar ва бошқа офатларни бошидан ўтказган одамлар табиат яна қутуриши мумкинлигидан хавфсирайдилар;

- қотиллик ёки ўзини ўзи ўлдириш, бундай фожиали воқеаларга гувоҳ бўлган одамлар ғазаб, ранжиш ёки иложсизлик ҳиссини туйишлари мумкин;

Болалар ҳам жароҳатлардан азоб чекадилар. Улар ҳам худди ўшандай ҳодисалар натижасида, шунингдек қуйида келтирилган ҳолатлар оқибатида ПТСни бошларидан кечиришлари мумкин:

- зўрлик, кўпгина болалар ҳақиқатан ҳам жазога лойиқлигига ишона бошлайдилар. Кўпинча уларнинг ўзига баҳо бериши пасайган бўлади;

- ота-оналарининг биронтаси томонидан қилинган жинсий зўрлик. Бундай болалар ўзларига нисбатан ҳаммадан ортиқ севган одамлари томонидан хоинлик қилинган деб ҳис қиладилар. Улар одамови бўлиб қоладилар ва ёлғизлик ҳиссини бошдан ўтказадилар;

- ота-оналарининг ўлими, ота-оналари ўлганда, болалар кўпинча ўзларини ташлаб кетилгандек ва таҳқирлангандек ҳис қиладилар.

Фавқулодда ҳодисаларга дарҳол таъсир кўрсатиш хизматлари ходимлари ПТСни фавқулодда вазиятлар оқибатлари таъсири остида бошдан ўтказишлари мумкин. Бу хизматлар ИИБ ходимлари, қутқарувчилар, шифокорлар ва тиббий ҳамширалар, бошқа тиббиёт ходимларини ўз ичига олади.

4. ПТСнинг асосий белгилари. Одатда улар руҳий жароҳатдан кейин зудлик билан ёки қисқа вақт ўтганидан сўнг юзага келади. Улар бир қанча вақтга йўқолиши ва яна, ҳатто йиллар ўтганидан кейин пайдо бўлиши мумкин. ПТС белгиларига қуйидагилар киради:

- мажбурий хотиралар ёки флэшбэklar. Кўпинча жабрланганлар қандайдир лаҳзада онгларида қалқиб чиққан жароҳат тўғрисидаги оғриқли хотираларни енга олмайдилар;

- тунги ваҳималар ва уйқусизли; жароҳатдан кейинги стресс ҳолатидаги одамларда жароҳат ҳолатлари кўпинча тушларида кўринади. Тунги даҳшатлар ваҳимаси уйқусизликни келтириб чиқаради;

- депрессия, ўкинч, умидсизлик ва ёлғизлик ҳислари узоқ вақт давомида қолиши мумкин;

- қизиқишнинг йўқлиги. ПТС дан азоб чекаётган одамлар оилавий ҳаёт, иш, қизиқиш (хобби) ва дўстлари билан мулоқотда бўлишдан лаззат олмайдилар;

- "омон қолганлик учун айбдорлик". Кўпгина ПТСдан жабрланганлар тирик қола олмаганлар олдида ўзларининг омон қолганликлари учун айбдорлик ҳиссини бошдан ўтказадилар;

- ҳис-ҳаяжонли чайқалишлар. ПТСга учраган одамлар кўпинча назоратдан чиқиб кетувчи кучли ҳис-ҳаяжонни (зўриқиш, кўрқув, ғазаб ва ҳоказо) бошдан ўтказадилар;

- жиззакилик ёки юқори даражада ҳаяжонланиш. Кўпгина жабрланганлар бўшашиш ва дам олиш қобилиятини йўқотадилар. Улар тоқатсиз бўлиб, доимо ўзларини "соқчиликда" ҳис этадилар, улар жароҳатни эслатувчи ҳамма нарсадан қочишга ҳаракат қиладилар.

Мазкур белгилар натижасида жабрланганларда одамлар билан ўзаро муносабатдаги юқори даражада зиддиятчилик, алкоголь ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш, ўзини ҳаммадан ажратиб қўйиш кузатилиши мумкин.

5. Тикланиш учун вақт зарур. ПТСга учраганларнинг тикланиши босқичма-босқич содир бўлади. Улар бу босқичларни исталган кетма-кетликда босиб ўтишлари, шунингдек тўлиқ тикланишга эришиш учун уларни кўп маротаба такрорлашлари лозим.

Кўрқув ва ўкинч. Жабрланганлар кўпинча жароҳатловчи ҳодисалар яна қайтарилаётганидан кўрқишади. Улар ўзлари ва атрофдаги оламга бўлган ишончни йўқотиш туфайли ўкинч ҳиссини бошдан кечиришлари мумкин.

Инкор қилиш. ПТСга учраганлар бошидан кечирган жароҳат сабабли юзага келган муаммолар мавжудлигини инкор қилишлари

мумкин. Улар жароҳатловчи вазият ҳолатини ҳам умуман, инкор қилишлари мумкин.

Қўрқувларни енгиб ўтиш. Жабрланганлар ўз қўрқувлари ва хавотирларини аниқлашга ўрганишлари, шунингдек уларни енгишлари мумкин.

Шахсий ўсиш. Аксарият жабрланганлар жароҳат натижасида ҳаётларида содир бўлган ўзгаришларни қабул қиладилар. Кўпчилик ўзини олдингидан кўра янада кучлироқ ҳис қила бошлайди.

6. Баъзи ҳолларда, жабрланганлар ўзини муайян қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Улар руҳий зарбали вазиятлар билан боғлиқ айбдорлик ва номус ҳисси туфайли муаммоларини муҳокама қила олмайдилар:

- номусга тегиш. Кўпинча жабрланганлар ўзларини нимадир айтган ёки қилгандек ва уларга қилинган ҳужум «ўринли жазо» бўлгандек ҳис қиладилар;

- қийноқлар. Қийноқларни бошдан ўтказган шахсларнинг ҳаёти ўзларига боғлиқ бўлмай қолган вазиятга тушиб қолганлиги учун уят ҳиссини туйишлари мумкин.

Жабрланувчилар ўзлари билан содир бўлган воқеаларда айбдор эмасликларини тушунишлари зарур. Ўз ташвишларини оила аъзолари, дўстлари ёки малакали мутахассислар билан муҳокама қилиш энгиллик олиб келади.

7. ПТСга учраган шахс тузалиш хусусиятига эга. Индивидуал хусусиятларига кўра реабилитация тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- индивидуал психотерапия. Жабрланганлар ўз муаммоларини ҳал қилишда психиатрлар, психологлар ёки руҳий саломатлик соҳасидаги бошқа мутахассисдан мадад оладилар;

- оилавий психотерапия. Оиланинг барча аъзолари ПТСни енгиш устидан «бир ёқадан бош чиқариб» ишлайдилар;

- гуруҳий психотерапия. Жабрланганлар, ўхшаш жароҳатларни бошидан кечирганлар бир-бири билан учрашади;

- дори-дармонли даволаш. ПТСнинг айрим белгилари дори-дармонли таъсир остида даволаниши мумкин (ПТС белгиларини энгиллаштириш учун шифокор томонидан ёзиб берилмаган алкоголь ёки психотроп моддалардан ҳеч қачон фойдаланманг!).

Сиз ПТСни камайтиришингиз мумкин. Бунга баъзи усуллар ёрдам беради:



- бошингиздан ўтган ҳодисалар ҳақида суҳбатлашинг. Ўз туйғуларингизни «бекитиб қўйилган» ҳолда ушламай, уларнинг намоён бўлишига йўл беринг;

- ўзингизни бўшаштиринг. Сиз ҳар куни бажараётган ҳамма нарса сизга қувонч олиб келишига ҳаракат қилинг; имкони борича руҳий зарбанинг асосий манбаларини чиқариб ташланг (бошқа жойга ёки янги ишга кўчинг);

- тўғри овқатланинг. Ҳаяжонли стресс сизнинг жисмоний саломатлигингизга ёмон таъсир кўрсатади – бундай шароитларда одатдагидан кўра мувозанатлаштирилган парҳез муҳимдир;

- ички хотиржамликка эришинг. Диний жамоага кириш ёки қайтиш сизнинг ҳаётингиздаги ижобий омиллар бўлиб қолиши мумкин;

- жисмоний тарбия билан шуғулланинг. Сиз стрессни жисмоний машқлар билан енгиллаштиришингиз мумкин (машқлар дастурини танлашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг);

- жалб қилинган бўлинг. Вақтингизни одамлар билан бирга ўтказинг ва бошқаларга фойдали бўлишга ҳаракат қилинг.

8. Оила ва дўстлар тикланишда катта рол ўйнаши мумкин. Агар яқинларингиздан кимдир жароҳатли таъсирни бошидан ўтказган бўлса, Сиз уларга ёрдам беришингиз керак.

Ҳамдард бўлишга ўрганинг. Агар жабрланганга ичидаги гапларини айтиб олиш лозим бўлса, уни эшитинг. Шунингдек, ўз шахсий туйғуларингизга нисбатан ҳаққоний бўлинг.

Мадад беришга ўрганинг. Зарур бўлса, жабрланувчига кўмак бериш учун уни қўллаб-қувватланг. Уни тушунишга ҳаракат қилинг. Агар ҳатто жабрланувчи сизни ўзидан итариб ташламоқчи бўлса ҳам, унга ўз фикрингизни ифодалаш ва кўмаклашишда давом этинг. Ўз билимларингизни тарқатинг. ПТС ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлганларга билим манбаи бўлинг. Жабрланувчи билан кундалик ташвишларни баҳам кўринг. Харид қилиш, йиғиштириш ва бошқа ишларда ёрдамлашинг, лекин ундан барча мажбуриятларни олиб қўйишга ҳаракат қилманг.

Ўзингиз ҳақингизда унутманг. Суҳбатлашиш мумкин бўлган кимнидир топинг.

ПТС руҳий касалликми ёки йўқми? Йўқ, бу фақат руҳият унинг ёрдамида оғир ҳодисаларни енгишга ҳаракат қиладиган усуллардан биридир. Таърифланган белгиларни бир ойдан ортиқ

вақт давомида бошидан ўтказган одамлар жароҳатдан кейинги руҳий зарбали бузилишлар (ПТСН) деб аталувчи психологик бузилишларга учрашлари мумкин.

ПТСНни даволаш мумкинми? Агар малакали мутахассисларга мурожаат қилинса, ПТСНни самарали даволаш мумкин. Жароҳатдан кейинги руҳий зарбадан жабрланганлар кучли бўлишлари лозим!

ПТСНни ўзингиз ва бошқаларда аниқлашни ўрганинг. Сиз ёки сиз таниган кимдир психологик муаммоларга эга бўлса, малакали мутахассисларга мурожаат қилинг. Жароҳатли стрессни забт этиш мумкин.

---

---

## IV боб. РУҲИЙ-ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

### 1-§. Руҳий-жинсий ривожланиш девиацияси

Руҳий-жинсий девиациялар – жинсий майл йўналиши ёки уни қондириш усулларининг бузилишидир. Илгари уларга жинсий ахлоқнинг мазкур жамиятдаги умумэътироф этилган моделидан фарқ қилувчи ҳар қандай жинсий эҳтиёж ва ҳаракатларни киритишган, зеро улар нафақат бузилишлар ҳисобланган, балки маънавий жиҳатдан қораланган ҳам. Ҳозир кўпгина сексологлар жинсий девиацияларнинг фақат бир қисмига аниқ нуқсон деб қарайдилар. Руҳий-жинсий девиация деганда либидонинг сифатли ўзгариши назарда тутилади.

Либидо (лот. *libido* - майл, истак, интилиш) – жинсий майл, жинсий яқинликка интилиш.

Ўзида миқдорий ўзгаришларни ифодаловчи фригидлик, сатириазис, нимфомания, эротомания ва жинсий майлнинг бошқа турлари уларга кирмайди. Онанизм тўғрисида бир хил маънодаги фикрлар мавжуд эмас: у шунчалик тарқалиб кетганки, кўпчилик муаллифлар уни жинсий ривожланишнинг бузилиши сифатида тавсифлашдан бош тортадилар.

Онанизм (библияда келтирилган персонаж Онан номи бўйича) – эроген зоналарни механик қўзғатиш ёки руҳий тўлқинлантириш йўли билан ўзини жинсий қаноатлантиришдир.

Руҳий-жинсий девиация ривожланишининг қуйидаги турлари ажратилади:

Жинсий ўзини ўзи англашнинг бузилиши.

Транссексуализм – гонадалар, урогенитал йўллари ва иккиламчи жинсий белгиларнинг тўғри шаклланганига қарамай ўзини қарама-қарши жинсга тегишли деб ҳисоблаш.

Транссексуализмнинг тарқалганлиги аҳолининг 1 : 37 000 қисмига тўғри келади, ваҳоланки у эркакларда 2-3 марта кўп учрайди. Бу руҳий-жинсий ривожланишдаги оғиш жинсий ахлоқ учун жавобгар бўлган мия тузилиши дифференцировкасидаги,

биринчи навбатда, гипоталамуснинг қўпол бузилиши билан боғлиқ бўлиб, тўғри жинсий тарбия олганига қарамасдан, аутоидентификациянинг бузиб кўрсатилишига ва бошқа жинсга мансублигини ҳис қилишга олиб келади. Жинсий дифференцировка бузилишининг ифодаси кенг доираларда ўзгариши мумкин. Жинсий ўзини ўзи англаш шаклланиши босқичида бундай болалар ўзларини қарама-қарши жинс номлари билан атайдилар, қариндошларидан бировларнинг олдида уларни ўғил бола эмас, балки қиз бола деб айтишларини, ёки аксинча, илтимос қилишади. Болалар ҳеч бўлмаса, жинсий муносабатлардаги бетараф (нейтрал) бўлган кийимда юриш ҳуқуқини олишга ҳаракат қиладилар, лекин қарама-қарши жинснинг кийимларини кийишни мақсад қилиб кўядилар. Дастлабки вақтда бундай ахлоқ катталар томонидан болаларча ҳазил, тентаклик ёки инжиқлик деб қабул қилинади. Ҳолатнинг жиддийлиги ва кўндиришларнинг самарасизлигини англагач, ота-оналар янада «таъсирчан» чораларни қўллашга ҳаракат қиладилар, лекин одатда мақсадга эриша олмайдилар. Аслида транссексуал болаларнинг ҳаёти - бу доимий, фожиага тўла бўлган ўз «Мен»и билан жинсини ўзгартириш, шахсий жинсий ўзини англаш ва ўзининг атрофдагилар томонидан қабул қилиниши ўртасида мувофиқликка эришиш ҳуқуқи учун курашдир. Жинсий аутоидентификациянинг бузилиши ифодаланган барча ҳолатларда транссексуализм 5 ёшгача манифестация (намоиш) қилади. Ахлоқнинг жинсий роли шаклланиши босқичида, кўпинча, катталарнинг азобларига зид равишда, бошқа жинсга мансубликни ҳис қилиш жинсий ролдаги ахлоқнинг тегишли шаклларига бурканади ва транссексуализм намоён бўлиш учун кўп имкониятларга эга бўлади.

Руҳий-жинсий йўналишлар шаклланишининг босқичи транссексуализмда тўғри жинсий ривожланишдан кўра янада мураккаброқ ва масъулиятлироқдир. Унинг бошланиши иккиламчи жинсий белгилар ва жинсий аъзолар ривожланишининг чўққисига етган, шунингдек жинсий майл шаклланиши содир бўладиган пубертатли даврга тўғри келади. Жинсий безларнинг фаол ишлаши бошланиши билан қарама-қарши жинсга мансублик ҳисси кескин ортади, «бегона» майдондаги ҳаёт қийноққа айланади, бошқа жинс кийимини кийиш доимий тус ола бошлайди. Жинсий аъзолар ва иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши ниҳоятда кескин

қабул қилинади, чунки улар «ўзга» жинсга мансубликдан далолат беради ва улар «нотўғри» ахлоқининг далили бўлиб хизмат қилади. Қизларни сут безлари каттариши хавотирга солади ва улар кўкрагини маҳкам сиқиб боғлайдилар. Кечаси уларга муз боғлаб кўядилар, «сунъий муз» ёки хлорэтил билан музлатиб кўядилар. Йигитлар жинсий аъзолар ўсиши, юзларида туклар пайдо бўлиши, илк эрекциялардан ғоятда ташвишланадилар. Эрекцияни бартараф қилиш учун жинсий аъзоларини боғлаб кўядилар ва бутун бинт ҳамда арқонлар ёрдамида оёқлар оралиғига маҳкамлаб кўядилар. Айрим ҳолатларда транссексуал ўспиринлар ўзини ўзгартиришга: жинсий аъзосини кесиб ташлаш ёки уни тўлиқ бичиб қўйишга қарор қилишади.

Деярли ҳамма ёрқин транссексуаллар ҳар қандай, хатто алдов йўли билан бўлса ҳам жинсини ўзгартиришга интиладилар. Руҳий-жинсий девиациянинг шаклланиши босқичида фақат паспортдаги жинсни ўзгартиришнинг ўзи етарли бўлмайди ва транссексуалнинг атрофдагилар томонидан уни ўзи «истаган» жинс вакили сифатида тўлиқ эътироф этишларини талаб қиладилар. Жинсий майлнинг шаклланиши аксарият ҳолларда жинсий ўзини ўзи англашга мос келади, яъни жинсий мойиллик эркакча аутоидентификацияли аёлларда аёлларга нисбатан, аёлларча аутоидентификацияли эркакларда эса - эркакларча юзага келади. Ташқаридан бундай мойиллик гомосексуаллик каби қабул қилинади, лекин мазмунан бундай эмас, зеро жинсий ўзини ўзи англаш билан келишган ҳолда у қарама-қарши жинсга қаратилган. Эркак-транссексуаллар шерик сифатида гетеросексуал эркакларни афзал кўришади ва уларнинг жинсий фаоллиги гомосексуал эканлиги тўғрисидаги фикрларни рад этишади. Аммо аёллар билан алоқа қилиш улар томонидан ғайритабiiй ҳолат, масалан, гомосексуаллик каби қабул қилинади. Аксарият транссексуаллар ўзлари мансуб жинс вакиллари билан жинсий алоқага киришадилар. Жинсий майл қарама-қарши жинс вакилларида ҳам шаклланиши мумкин, лекин гарчи ташқаридан гетеросексуал бўлиб кўринсада, уни гомосексуал деб баҳолаш лозим.

Эҳтиёж ва атрофдагиларнинг фикрига боғлиқлик ўртасидаги ўзининг «нуқсонли» билан доимий кураш шахснинг дисгармониясига, унинг хатто руҳий-нуқсонли малолликларсиз патохарактерологик шаклланишига олиб келади. Бундай аёллар ва эркакларнинг

катта қисми қарама-қарши жинсга хос бўлган ишга мослашади. Аёллар шунчаки эркакча касбни эмас, балки улардан энг нуфузлилари бўлган: учувчилар, узоқ масофаларга сузувчилар, геологлар, терговчилар, жарроҳлар ва ҳоказо касбларни танлашади. Бунда улар нафақат ўзлигини намоён қилиш, балки "тенг ҳуқуқларда" эркаклар жамиятида айланиш имкониятига эга бўладилар. Касб уларнинг эркакча одатлари, ўзларини тутишлари, кийиниш услубларига мос бўлади. Транссексуал эркакларга ижтимоий мослашиш аёлларга нисбатан қийинроқ бўлади. Болаликдан уларнинг назокатлилиги пичингларга, менсимасликка ва ҳатто тенгдошлари томонидан таъқиб қилинишига олиб келади. Назокатли ўғил бола тенгдошларининг иерархик зинапоясида энг паст поғонага эга бўлади, «иккинчи навли» одам бўлиб қолади. Улар келгусида танлайдиган аёлларнинг касблари нуфузли эмас ва эркакларнинг ҳайратини ҳамда пичингларини юзага келтиришда давом этади. Бироқ қизлар, келгусида эса аёллар уларга хайрихоҳ муносабатда бўладилар, «кучли» жинс камчиликларидан холи бўлган бундай юмшоқ табиат ва кўнгилчан эркакларни ўз жамоаларига жон деб қабул қиладилар.

Транссексуализмни дифференцияли диагностика қилишнинг қийинчиликлари шу билан боғлиқки, беморнинг жинсини ўзгартириш ҳақидаги илтимоси шифокорлар томонидан бемаъни деб, руҳий касалликнинг кўриниши каби қабул қилинади. Жинсни ўзгартириш ҳақидаги ғоят қимматли ва ҳатто бемаъни ғоялар ҳақиқатда турли руҳий бузилишлар натижасида, кўпинча паранойяли синдром ва бош мия органик жароҳатланиши ҳолатларида ҳам учрайди.

Интерсексларнинг кузатишларича, эркак жинсини аёл жинсига ўзгартиришдан кўра, аёл жинсини эркак жинсига ўзгартириш анча осонроқ экан. «Эркакча» юришнинг ўзига хос хусусиятлари узоқроқ сақланади ва «аёлларча» хусусиятларга нисбатан тезроқ ўзлаштирилади. Эркаклар кийимини кийиш одати ҳам осонроқ юзага келади. Эркак жинсидан аёл жинсига ўтган айрим шахслар, аёллар нарсаларини орттиришади, париклар, шиньонлар, ҳамма мумкин бўлган пардоз буюмларини (косметикани) қурол қилиб олишади. 20-21 ёшдан кейин жинсни ўзгартириш мақсадида ижтимоий сабабларга кўра қийинлашади: аксарият индивидлар мутахассисликка эга бўлишган, маълум

ижтимоий мавқега эга бўлганлар ва ҳоказо. Нафақат ҳужжатларни расман алмаштириш, балки турар жойини ўзгартириш (одатда бошқа шаҳарга кўчиб кетиш), эски таниш-билишларга ва қариндошлар билан учрашувларга тўлиқ барҳам бериш, янги мутахассисликка эга бўлиш ва шу қабилар талаб қилинади. Аввалги жинсда гўёки ижтимоий "ўлим" ва янги жинсдаги "туғилиш" содир бўлади.

Жинсини ўзгартиришга фаол интилувчи ёрқин транссексуаллар бундай имкониятни топа олмаган ва уларнинг паспорт бўйича жинслари ва жинсий ўзини ўзи англаш ўртасидаги номувофиклик ҳал бўлмаган ҳолатларни олдиндан айтиш ноқулайдир. Бундай ҳолларда узоқ давом этадиган депрессив ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш фикри ва уринишлар учраб туради. Жинс ўзгартиришнинг барча мураккабликларига қарамай унга эришган транссексуаллар ўзларини анча яхши ҳис қиладилар, жинсий жиҳатдан мослашиб ҳатто никоҳга кира оладилар.

## **2-§. Жинсий ролли ахлоқ стереотипининг бузилиши шакллари**

Жинсий ролли ахлоқнинг трансформацияси – бу тўғри жинсий ўзини ўзи англаш сақланган ҳолда бошқа жинсга хос бўлган жинсий ахлоқнинг шаклланишидир. Худди транссексуализмдаги каби, мия тузилиши жинсий дифференциаланишининг бузилиши унинг этиологик омилларидан бири бўлиб чиқади, бироқ бу бузилишлар унча кўпол эмас ва фақат асосий омил - микроижтимоий муҳит таъсири учун фон бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолда, жинсий ролли ахлоқ оиладаги жинсий роллар бузилганда (раҳбар ролини ўйновчи ҳаддан ташқари ҳукмдор она ва бўйсунувчи ота) ёки нотўлиқ оилаларда, она ўғлини «ўз қиёфаси ва ўхшашлиги» бўйича тарбиялаганда бузиб кўрсатилиши мумкин. Қиз болалар онадан ажратиб қўйилганда, оналик муҳаббатининг етишмовчилиги, болаликдаги эркалалашлар йўқлиги келажакда аёллар меъёрига хос бўлмаган тажовузкорлик ва қаҳри қаттиқликка, оналик инстинктининг мавжуд бўлмаслигига олиб келади.

Ахлоқий бузилишлар транссексуализмнинг клиник кўриниши билан жуда ўхшашдир, бироқ бу ерда бошқа жинсга мансублик

хисси мавжуд эмас. Жинсий ролли бузилишлар ролли ўйинлар босқичида, қизлар жон деб уруш-уруш, машиналар ўйнаганда, ўғил болалар билан тенг равишда уришишганда бошланади. Бошқа қизларни улар сезмайди, ўйингача уларга фақат «ота», «куёв», «ака» ролидагина илтифот кўрсатадилар ва бажонидил ўғил болаларнинг кийимларини киядилар, лекин, одатда, гарчи унда ўзларини бирмунча ноқулай ҳис қилсаларда, қизларнинг кийимига, айниқса чиройли кўйлақларга қарши чиқмайдилар. Агар улар бадий хаваскорликда иштирок этадиган бўлсалар, унда ўғил болаларнинг ролини афзалроқ кўрадилар, спорт мусобақаларида муваффақиятларга эришадилар. Ўғил болалар юмшоқ табиатли, кўнгилчан, итоатли, озода, баъзан ҳатто хушомадли бўладилар; уришмайдилар, зиддиятлардан қочадилар, қизлар билан тинч ўйинларни афзал кўрадилар, уйдаги ишларга ёрдам беришни яхши кўрадилар; мусиқа, фигурали учиш, рақс, балет билан жон деб шуғулланадилар; уйдаги кичкинтойларни парвариш қиладилар, ҳовлида, мактабда кичик болаларга ғамхўрлик қиладилар. Бундай бола одатда, тарбиячиларнинг хурсандчилиги ичига сиғмайдиган ва бошқа ота-оналарнинг ҳавасини келтирадиган "идеал бола"дир.

Иккала жинсдаги ўсмирларнинг жинсий майллари шаклланиши даврида уларда гомосексуал мойиллик юзага келишининг улкан хавфи мавжуд. Бундай ҳолларда трансформацияланган ахлоққа кўпинча кийим алмаштириш ва қарама-қарши жинснинг кийимини кийишга интилиш – трансвестизм қўшилади. Бироқ кўп ҳолларда интерсексуал кийимларни, яъни қизларда эркакларнинг шими, жинсилари ва йигитларда бурма хошиялар, жимжимадор кўйлақлар, ёрқин кийимларни афзал кўриш кузатилади.

Жинсий ролли трансформация қилинган аёлларга ўз жинси вакилларига бефарқ ёки салбий муносабат хосдир, кўп ҳолларда, улар аёллар билан умумий қизиқишлар ва ҳатто сўзлашиш учун мавзу топа олмайдилар. Уларнинг кийимида қатъий костюмлар, сипо ранглар устун бўлади, калта турмак пардоз қилинмаганлиги, зеб-зийнатларга бефарқлик билан уйғунлашади. Бундай аёлларда жинсий ўзини ўзи англаш бузилмаган, улар доимо ўзларини аёл сифатида ҳис қиладилар, эркак шаклига киришга интилмайдилар, ўз таналаридан уялмайдилар. Бироқ мойиллик шаклланиши босқичида фақат қарама-қарши жинс билан муносабатда бўлиш, дўстона муносабатлар, қарама-қарши жинс жамоасидан ажралиб



қолиш рухий-жинсий ривожланишни тўхтатиб қўяди. Одатда, жинсий хабардорлик ҳам кечикади. Биринчи муҳаббат кеч юз беради, у кўпинча тенгдошларига эмас, балки анча катта ёшдаги эркакларга қаратилган бўлади. Бунда севги кўпинча платоник босқичда тўхтаб қолади, шахвоний кўринишларга ўтиш ҳақорат каби қабул қилинади. Жинсий ҳаёт бошланишида шахвонийлик бостирилган бўлади, ахлоқнинг эркакча стереотипи, тоқатсизлик ва шеригига нисбатан тажовузкорлик устун туради. Аёлларга хос мослашиш, оқлаш ва кечириш маҳорати мавжуд бўлмайди. Аёлларнинг трансформацияланган жинсий ролли қисми, яхши ижтимоий мослашувига қарамай, умуман жинсий ҳаётни бошлай олмайдилар. Ишда, худди қачондир мактабдаги каби, эркаклар бундай аёлни жинсий объект эмас, балки «ўзларининг йигитлари» каби қабул қилишади. Эркаклар борасида иш бўйича муносабатлар, ахлоқнинг эркакча услуби, ноз-карашма қилишни билмаслик, хотинларга хос латофатнинг йўқлиги каби сифатлар бундай аёлларнинг қари қиз бўлиб қолишларига сабаб сифатида хизмат қилади. Жинсий ролли трансформацияланган аёлларда ахлоқнинг эркакча стереотипи билан бир қаторда деярли ҳар доим садизм элементлари намоён бўлади. Агар улар эркакларни жисмонан қийнашга эриша олмасалар, унда мунтазам равишда уларни маънавий камситишга уринадилар.

Жинсий ролли ахлоқи трансформацияланган эркакларнинг ижтимоий мослашуви транссексуал эркакларга нисбатан анча енгилроқ ўтади, чунки уларда кийим алмаштириш ва жинсини ўзгартиришга намоёишкорона интилиш йўқ. Юмшоқ табиатлилик, конформлилик уларга пазандалик санъатида, тикувчиликда ва ҳоказоларда ўз ўринларини топиш имконини беради. Оилада бундай эркаклар хотинларини уй ташвишларидан халос қилган ҳолда аъло даражада мослашадилар. Улар оилани сақлаб қолиш учун хотинининг ноҳақлиги ва камситишларини чидам билан кўтаради ва бундай оилалар одатда бузилмайди.

Гиперролли ахлоқ - жинсий ролнинг айрим хусусиятларининг ҳаддан зиёд акцентуацияси. Унинг шаклланишида мия тузилишининг жинсий дифференцияланиши жараёни аҳамиятга эга. Масалан, ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда тажовузкорлик, ҳаракатлантириш фаоллиги, оналик инстинкти каби хулқий актларда аниқ жинсий фарқлар белгиланган. Уларнинг

ифодаланиши гипоталамуснинг андрогенлар ёки эстрогенларга нисбатан сезувчанлиги билан белгиланади. Мия дифференциясининг бузилишлари кейинчалик гиперролли ахлоқ шаклланадиган фон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Гипермаскулинли ахлоққа гипертимли, беқарор, истероидли акцентуация ва психопатия, гиперфеминли ахлоққа эса - инфантил-қарам бўлган, астеноневротик, психастеник, сенситив ва ниҳоят, ўша истероид жуда ўхшашдир.

Гиперролли ахлоқнинг оддий модели доирасида, биринчи навбатда, эркакларда садизм ва аёлларда мазохизм вужудга келиши кузатилади.

Садизм – жинсий шеригига азоблар етказиш ёки уни камситиш йўли билан олинадиган жинсий лаззат.

Мазохизм – шеригига жисмоний ёки маънавий азоблар етказиш шарти билан олинадиган жинсий лаззат.

Она билан жисмоний ва ҳис-ҳаяжонли мулоқот йўқлиги болаларда тажовузкор ахлоқ ривожланишига олиб келади. Нуқсонли мазохистик перверсли одатлар ва кўрсатмалар шаклланиши механизмлари ҳам шунга ўхшаш, лекин уларнинг бошланғич асосида она билан мулоқотнинг йўқлиги эмас, аксинча, ҳаддан ортиқча ғамхўрлик, эркалиб суюлтириш ва ҳоказолар ётади.

Садистларча одатлар ва кўрсатмаларнинг шаклланиши эпилептоидли, беқарор, шизоидли психопатияларда сезиларли даражада енгиллашади. Мазохистик кўрсатмалар кўпинча шизоидли, астеноневротик ва психастеник психопатиялар билан уйғунлашади.

Гипермаскулинли ахлоқ ахлоқнинг диққатни тортувчи эркакча типиди, ўта «эркакча» нуфузли касбни эгаллашга интилиш, «эркакча» спорт турлари билан шуғулланишда намоён бўлади. Жинсий ролли ахлоқ шаклланиши босқичида бундай гипермаскулинлилик юқори даражадаги тажовузкорлик, норасмий раҳнамоликка интилишда ифодаланади. Жинсий ҳаётда оргастик бўшаниш олишга интилиш, суйишларни тўлиқ рад этиш ва аёлнинг қониқмаганлигига бефарқ қараш яққол ифодаланган. Садизм элементлари яқинликка мажбурлаш, ясама дарғазаблик билан аёлни қўпол равишда бўйсундириш, оғриқ етказиш, чимчилаш, тишлашда намоён бўлади. Аёллар кўрққанида, унинг

қаршилик кўрсатишга уринишларида бу янада яққолроқ ифодаланади. Аёл шериги устидан ҳокимлик қилиш, унинг бўйсунувчанлиги ва пассивлиги билан уйғунлашган унинг устидан хукмронлиги девиант учун асосий ҳисобланади. Ахлоққа жўрттага қилинган тажовузкорлик, қўполлик, исталган лаҳзада жанжал қилишга тайёрлик, чекиш, алкоголь ва наркотиклар истеъмол қилиш хос бўлиб, ахлоқнинг жамиятга зид қилмишларга мойиллиги кузатилади. Шаҳвоний ахлоқнинг ибтидоий-стандартли стереотипи уларни рад этиш одатда, шерик аёлни калтаклашга олиб келувчи бузуқ ҳаракатларга қўпол равишда мажбурлаш билан бирлашиб кетади. Гипермаскулинли ахлоқнинг сўнгги даражадаги кўринишларида фақат қурбонига тан жароҳатлари етказганда ёки хатто ўлдириб қўйганидагина жинсий қониқиш ҳосил бўлади, зеро максимал тўлқинланишга агония (ўлим талвасаси) ҳолатини кўрганда эришилади.

Гиперфемининли ахлоқ бўрттирилган пассивлик, итоаткорлик, бор кучини сарфлаш, нафақат болаларга, балки атрофдаги барчага ғамхўрлик қилувчи оналик муносабатлари, уй-рўзғорга қарашувчанлиги билан тавсифланади. Юқори даражадаги конформлилик, ҳар қандай хусусиятларга ва шеригининг талабларига мослашиш, бошқа кишининг қизиқишлари билан яшаш ва бунда юқори даражада қувончни ҳис қилиш маҳорати А.П. Чеховнинг "Душечка" (Жонгинам) ҳикоясида классик равишда таърифланган гиперфемининли ахлоққа хосдир. Аёллик латофати, нозу-ишвалар, кийимлар, зийнатлар, пардозга қизиқиш бундай аёлларга хосдир. Жинсий ҳаётда ҳам худди шундай бор кучини сарфлаш рўй беради. Бутун куч ва интилиш, баъзан ўзига зарар бўлса ҳам эркакни қониқтиришга қаратилган. Бу аёлларни оргазм йўқлиги ташвишга солмайди, севган кишисига қувонч етказишдан руҳий лаззатланиш унинг ўрнини тўлиқ босади.

Объект бўйича руҳий-жинсий йўналишларнинг бузилиши.

Нарциссизм (Нарцисс ҳақидаги афсонага кўра, ўзининг қиёфасига бўлган муҳаббат) – жинсий майлни ўзига йўналтириш. Нарциссизм ўз танаси, жинсий аъзолари билан завқланишда ва хатто ўзини яланғоч ҳолда суратга олиш ва кейин бу суратларни томоша қилишда намоён бўлади. Барча кўринишлар жинсий ҳаяжонланиш ва оргастик лаззат олиш учун мастурбация қилиш билан кечади. Эркакларда тўлқинланиш ўзини эрекцияланган

жинсий олат билан кўришда кучаяди. Нарциссизм элементлари ўзини яланғоч ҳолда кўриш (кўзгуда ёки суратларда, слайдларда, видеокассеталарда ва ҳк.ларда) заруриятида намоён бўладиган жинсий жунбушни уйғотувчи ролини бажарган ҳолда мунтазам жинсий ҳаёт фониди узоқ вақт сақланиб қолади. Алоҳида ҳолларда коитус вақтида тўлқинланишнинг кучайиши учун ўзини ўзи кузатиш давом этиши мумкин.

**Эксгибиционизм** (лотинча *exhibitio* – чиқариб қўйиш, тақдим қилиш) – жинсий яқинлик вазиятидан ташқарида у ёки бошқа жинс вакиллари олдида жинсий аъзоларини яланғочлашга мойиллик. Эксгибиционизм кўпинча эркакларда учрайди, бироқ айтиш мумкинки, профессионал равишда стриптиз билан шуғулланувчи ёки кўкраги ва бўксаларини очиб юришни ёқтирадиган аёллар эксгибиционистик мойилликка эгадирлар.

Эксгибиционистлар кўпинча севгига бўлган эҳтиёжлари қонмаган ва ўзида қониқиш топишга лаёқатсиз бўлган "витал-торайган" табиатли бўладилар. Улар учун эксгибициялаштириш мулоқот излаш ёки ўзини намоён этишнинг аутистик шакли бўлиб хизмат қилади.

Эксгибиционистнинг типик тактикаси ҳеч нимадан шубҳа қилмаётган аёл ёки болани пойлаш ва кутилмаганда ўз жинсий олатини намоёиш қилишдан иборат. Баъзи девиантлар руҳий оргазм ҳолатидан лаззат оладилар, бошқалари эса бу ҳолатда мастурбация қиладилар. Бунда аёллардаги кўрқув муҳим аҳамиятга эга бўлади ва эксгибиционистлар тўсатдан – буталар орқасидан, дераза ўрнидан, уй йўлагида пайдо бўлишга интиладилар. Айрим эксгибиционистлар кечқурунлари, плашч ёки пальто кийиб олиб, жинсий аъзоларини яланғочлаб, шаҳар транспорти, электропоездларнинг овлоқ бекатлари соясида яшириниб туришади, сўнгра, тўсатдан фонарлар ёруғида пайдо бўлиб, кийимларини очиб ташлайдилар. Баъзан эксгибиционизм ҳолатлари жамоат транспортида кечки вақтларда кузатилади. Фақат битта аёлга кўринадиган жойни танлаб, девиант хулқли шахс унга яланғоч жинсий аъзоларини намоёиш қилади. Бундай ахлоқий бузуқликнинг безорилик сифатида жинсий жавобгарликка сабаб бўлишини билган ҳолда, эксгибиционистлар тегишли чораларни кўриб қўядилар. Эҳтимол, айнан жазоланмаслиги туфайли яланғоч бўлиш кўпинча болалар олдида содир этилади.

Эксгибиционизмнинг садизм билан бирлашишида девиантни биринчи навбатда аёлдаги қўрқув ва уят ҳисси ўзига ром этади, мазохизм билан уланиб кетганда эса, аксинча, унда жазо олдидаги шахсий уят ва қўрқув ҳисси устун келади.

**Буайеризм** – жинсий алоқа ёки танланган жинснинг яланғоч вакиллари яширинча кузатишга мойиллик, порнографик тасвирлар, фильмлар ва ҳк.лар билан ҳаддан ортиқ қизиқишдир. Яширинча кузатиш одатда, тўсатдан қўлга тушиб қолишдан қўрқиш билан кечади, бу эса жинсий майлни янада кўпроқ кучайтиради ва ёрқин оргазм олишни осонлаштиради. Буайеризм юзага келиши вариантларидан бири болалик (кўпинча ўсмирлик) даврида тўсатдан жинсий алоқа устидан чиқиб қолган ва агар бу жинсий тўлқинланишга олиб келган тақдирда келгусида шартли рефлекс механизми каби ўрнашиб қолган бўлиши мумкин.

Девиантлар кийим алмаштираётганларни яширинча кузатиш ёки яланғоч жинсий аъзоларни кўриш учун пляжлар, хожат-хоналар олдида узоқ вақт кутиб туришлари мумкин. Улардан айримлари мунтазам равишда гинекологик кабинетларнинг ойналари тагида пайдо бўладилар, кечалари шаҳар бўйлаб дайдиб юришади ва хонадонларнинг деразаларидан мўралашади. Буайеризм одатда мастурбация билан кечади.

**Фетишизм** (французчадан *fetiché* - санам, тумор) – жинсий шерикни ифодаловчи турли жонли ва жонсиз буюмларга сиғиниш ва жинсий жунбушга келиш билан кечадиган, уларга бўлган жинсий мойиллик. Фетиш сифатида кийим-бошлар (дастрўмоллар, ички кийим, кийим, пойабзал) ёки тананинг маълум қисмлари (оёқлар, сочлар, сут безлари, жинсий аъзолар ва ҳк.) бўлиши мумкин.

Фетиш одатда, аниқ бир севги объектини, ёхуд «бутун ўрнига бир қисм» тамойили бўйича афзалроқ объектларнинг жамланма қиёфасини ифода этилади. Бунда у мойиллик объектига айланган ҳолда севги объектининг ўрнини босади, девиантнинг шахвоний фантазияларини ишга солади, максимал жинсий жунбушга келишга эришиш учун ёрдам беради. Бунда жинсий фаоллик худди фетишнинг ўзи билан бўлгани каби, унга эга бўлган, барча шахсий ўзига хослиги девиант томонидан рад этилаётган исталган одам билан амалга ошиши мумкин. Унинг фарқловчи хусусиятлари фетиш билан шахсиятсиз мойиллик объекти сифатида содир

этилаётган ҳаракатларнинг тўлиқ эркинлигидан, шеригидан максимал даражада мустақил эканидан, севги муносабатларининг коммуникатив бошланишининг бузилишидан, унда қандай бўлса ҳам ҳиссиётли муносабатга умуман имкон йўқлигидан иборат. Жинсий қониқишга шунчаки исталган предметга эга бўлиш билан эмас, балки уни ҳидлаш, сезиш, жинсий аъзоларига теккизиш, «мастурбация» билан уйғун равишда тўшакка «ётқизиш» йўли билан эришилади. "Ички кийимли" фетишизм кўпинча қарама-қарши жинснинг ички кийимини кийиш билан кечади, бу эса трансвестизмни эса солади. Фарқи шундаки, фетишизмда ўзини қарама-қарши жинс ролида тасдиқлашга интилиш мавжуд эмас. Қийинчиликларни енгиш зарур бўлган фетишга эга бўлиш жараёнининг ўзи лаззатланишни сезиларли даражада кучайтиради, шунинг учун фетишни сотиб олишмайди, уни ўғирлашади. Фетишистлар ажрата олувчи бўладилар, уларнинг ҳар бирида ўз афзал кўргани бўлади. Аёллар кўпинча соқол, мўйлов, чандиқлар, татуировкалар, овоз тембри, мундирларга интиладилар. Фетишизмнинг алоҳида шакллари гетерохромофилия – шеригининг бошқача рангдаги териси жинсий рағбат бўлиб хизмат қилади, пигмалионизм – ҳайкалларга мойиллик, ретифизм – пойабзалга мойиллик, аёлнинг оёғидан ўз қўли билан ечиб олинган туфли фетиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баъзан фетишизмни мазохизм билан бирлаштириш кузатилади, бунда ҳиссиётнинг алоҳида ўткирлигига эришиш учун фетиш билан азоб беришни илтимос қилишади.

**Зоофилия** – ҳайвонларга бўлган жинсий мойиллик ва улар билан алоқадан жинсий лаззат олиш. Зоофилия кўпроқ чорвачилик зоналарида учрайди. Гарчи зоофилия барқарор мустаҳкамланиши ва тўғри жинсий ҳаётнинг ўрнини тўлиқ босиши мумкин бўлсада, кўпроқ бунга ақли чекланган шахслар дучор бўлади. Одатда кишида ҳайвонга турғун жинсий мойиллик юзага келмайди ва тўғри жинсий қониқиш олиш имконияти пайдо бўлганда алоқа тўхтайд.

Эркакларга жинсий лаззат олиш объекти сифатида уй ҳайвонлари: эчкилар, қўйлар, урғочи эшаклар, отлар, сигирлар, чўчқалар хизмат қилади, лекин казуистика сифатида уй паррандалари (товуқлар, ғозлар) ва майда жониворлар (куёнлар, мушуклар ва ҳоказо) билан жинсий алоқа қилиш ҳолатлари ҳам

учраб туради, бу эса одатда садизм аломатлари билан кечади. Аксарият ҳолларда эркакларнинг ҳайвонлар билан мулоқоти жинсий алоқа кўринишида ўтади. Аёллар орасида зоофилия анча кам тарқалган бўлиб, кўпинча итлар ва мушуклар билан куннилингус сифатида ўтади.

**Куннилингус** – клиторга лаблар ва тил воситасида таъсир кўрсатиш йўли билан жинсий жунбушни юзага келтириш.

**Некрофилия** – мурдаларга жинсий мойиллик ва улар билан шахвоний ҳаракатлар содир қилиш. Иккала жинс болаларидаги оргазм кўпинча кўрқув ва хавотир аффекти билан бирлашади, шунинг учун жинсий қониқиш учун бола баъзан кўрқинчли ҳикоялар ўқиш ёки хаёлига шунга хос тасаввурларни келтириш йўли билан ўзини хавотир ҳолатига олиб келади. Бу ҳолатнинг юзага келишида нафақат болаларни қабристонлар, мурдалар ва ўликлар билан кўрқитиш, балки аксарият болаларнинг ривожланишнинг мазкур босқичида бу ҳикояларни ўзлаштириш, "кўрқувни ҳис қилиш ташвишларига бўлган эҳтиёж"га интилиши маълум аҳамиятга эгадир. Кўпинча некрофилия руҳий касаллар, биринчи навбатда, ақли заифлик ёки психопатик доира билан касалланган беморларда учрайди. Бундан ташқари, некрофилиянинг шаклланишида мурдани хор қилиш ва таҳқирлашда намоён бўладиган садизм ёки мурда билан алоқа қилишдаги жирканиш ва фош бўлишдан кўрқиб билан боғлиқ мазохизм маълум рол ўйнайди.

Мурда билан жинсий алоқа қилиш учун объект излаш маълум қийинчиликларни намоён қилади. Некрофиллар мурдаларни пойлаб юрадилар, ўлик бор уйларга кириб олишга уринадилар, улар ўликхоналарга ишга жойлашадилар. Фавқулодда кам ҳолларда некрофиллар лаззат олиш объектини излаб қотилликка қўл урадилар, шундан сўнг қурбоннинг мурдаси билан жинсий алоқа қиладилар. Бундай ҳолларда қотиллик садистча одатларни қондириш билан боғлиқ бўлмайди, балки олдига қўйилган мақсадга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади.

*Объектнинг ёши бўйича руҳий-жинсий йўналишнинг бузилиши.*

**Педофилия** – болаларга нисбатан жинсий мойиллик. Педофилия шаклланиши учун асос бўлиб, руҳий-жинсий ривожланиш ретардацияси, бошқа жинс кишилари билан алоқаларнинг бузилиши ва кўпинча тўғри жинсий ҳаётга халақит берувчи

жинсий бузилишлар хизмат қилади. Педофилия кўпинча ўсмирларда, 30 ёшли ва ёши катта эркекларда кузатилади. Ўсмирлар орасида асосий қисми руҳий-жинсий ва ҳиссий ривожланишдан орқада қолиш сабабли тенгдош қизлар билан мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг кўнглини овлашни билмайдиган шахслар ташкил қилади. 30 ёшлилар гуруҳини уйланганлар, лекин ўз жинсий ва ижтимоий муносабатларини ташкил эта олмаганлар ва кўпроқ қиз болалар билан ўйнаганда жинсий лаззат оладиган ҳамда катта ёшли аёллар билан яқинликка боришга таваккал қила олмайдиган фрустрацияланган эркеклар ташкил қилади. Кексалар орасида баъзан ёлғиз шахслар ва жинсий бузилишлардан азоб чекаётганлар учрайди. Ёлғизлар қиз болалар билан мулоқотда ўзларининг етим ҳолатларидан чиқиш йўллари излайдилар, улардан аксарияти аёллар билан мулоқот қилишда қийинчиликларни бошдан кечирадилар, жинсий бузилишларга учраган кекса эркеклар эса бу мулоқотдан ўзларининг сўниб бораётган шахвонийлигини қўзғатиш учун фойдаланадилар.

Педофилияда камдан-кам ҳолларда жинсий алоқалар, шунингдек номусга тегишлар учраб туради. Одатда, ҳамма нарса «ихтиёрий»ликка асосланади. Фақат ўсмирларгина қўрқитиш ва таҳдидларни қўллайдилар. Қиз болани йўлдан урувчи ҳаракатлар одатда, ишқий муносабатлар ҳақидаги ҳикоялар, порнографик суратлар намойиши, жинсий аъзоларни кўздан кечириш ва кўрсатиш, эркалалашлар, юзаки ва чуқур петтинг, баъзан оралли-генитал алоқаларни ўз ичига олади, камдан-кам ҳолларда иш генитал алоқагача боради.

**Петтинг** (ингл. pet – эркалалаш, силаб-сийпаш, қўзғатиш) – гениталийларга бевосита тегилишини истисно қилган ҳолда икки томонлама алоқа шароитларида эроген зоналарни сунъий қўзғатган ҳолда атайлаб оргазм олиш.

Ҳар қандай ҳолатда йўлдан уриш боланинг вақтидан олдин руҳий-жинсий ривожланишига, унинг жинсийлиги ва руҳиятининг бузилишига, кўпинча эса йўлдан урувчилар томонидан мажбурланган жинсий бузилишларга олиб келади. Айрим ҳолларда педофилия садизм билан уйғунлашиши мумкин, бу эса янада каттароқ хавф солади.

**Эфебофилия** - ўсмирлик ва йигитлик ёшидаги шахсларга жинсий мойиллик. Бу мойилликнинг шаклланишида, худди



педофилиядаги сингари, тенгдошлари билан мулоқот қилишдаги қийинчиликлар, гарчи анча кам ифодаланган бўлсада, охириги ролни ўйнамайди. Кўпинча эфебофилия жинсий бузилишга учраган шахсларда ривожланади, бунда уларни ўсмирлар билан жинсий алоқа қилишга йигитларнинг тажрибасизлиги, уларнинг жинсий алоқа техникасини билмасликлари ва шундан келиб чиқувчи ўз жинсий ҳаракатларининг қораланишини эшитиш эҳтимолининг камлиги ундайди. Бундан ташқари, эркак жинсидаги шахсларнинг йигитларча гиперсексуаллиги уларга нафақат юқори жинсий фаолликни, балки жинсий майлни рўёбга чиқариш усулларига бўлган айрим индифферентликни таъминлайди. Эфебофилларнинг маълум қисмини ўсмирларнинг тажрибасизлиги ўзига жалб қилади ва улар бажонидил уларни «ўқитиш» билан шуғулланишади. Шунинг учун, эфебофилияга дучор бўлган шахслар ўсмирлар жамоасида иш топишга интилишади, уларнинг сирини чиқармаслиги натижасида улар билан алоқалар сезилмай қолади. Айниқса, аёлларда эфебофилия намоён бўлиши ўсмир йигитлар томонидан оддий, хатто миннатдорлик ҳисси билан қабул қилинади.

Аёллар ихтиёрий равишда ўсмирларнинг жинсий ҳаётга илк кадам қўйишларида улар устидан устозлик қилишни ўзларига оладилар. Эфебофиллар ўз васийлигидаги ўсмирларнинг тажрибасизлигидан энг кўп лаззат оладилар, чунки ўқитиш уларда жинсий жунбушни кўзғатади. Эркак эфебофиллар анча қийинроқ ҳолатда қоладилар, чунки қизлар жинсий муносабатга анча қийинроқ киришадилар ва уларни йўлдан уриш учун кўп вақт талаб этилади.

**Геронтофилия** – кексайган шахсларга жинсий мойиллик. Геронтофилия негизида боланинг катта ёшдаги одамга идеалга, бутга, тақлид қилиш намунаси сифатидаги муносабати ётади. Эътиборнинг етишмаслиги, ота-оналари билан алоқаларнинг бузилиши, катталар томонидан ғамхўрлик йўқлиги туфайли болалар кўпинча мустақил равишда бунинг ўрнини тўлдиришга уринадилар. Айрим ҳолларда улар мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига меҳр билан муносабатда бўладилар, уларнинг бағрига ёпишадилар, уларга мулойим сўзларни айтадилар. Мактаб йилларидаги илк муҳаббат, айниқса қизларда, кўпинча ўқитувчи, артист ва ҳоказога қаратилган бўлади. Геронтофилиянинг

ривожланишига ўзидан катта дўст топишга, ҳолбуки жинсий шерик эмас, балки унга ғамхўрлик билан ҳомийлик қилувчи кишини топишга интилиш таъсир кўрсатиши мумкин. Бу баъзан инфантил шахсларда, биринчи навбатда жинсий мойиллиги заиф бўлган қизларда айниқса аниқ кўринади.

Геронтофилия катталар томонидан болалар ва ўсмирларни йўлдан уриш ва ўзига оғдириш натижасида шаклланиши мумкин. У ёки бу сабабга кўра катта ёшдаги одамлар билан боғлиқ илк жинсий ташвишлар мустаҳкамланиши ва келгусида жинсий майл йўналишини белгилаши мумкин. Катта ёшдаги эркакларга мойиллик баъзан ёш аёлларда ўхшаш шерикни излаш жараёнида пайдо бўлади, бу эса тенгдошлари билан жинсий алоқадаги омадсизликлар билан боғлиқ бўлади.

Геронтофиллар ёши ўзларидан анча катта бўлган одамлар орасидан танлашади. Геронтофиллар тенгдошлари билан жинсий алоқаларда жинсий қониқишни ҳис этмайдилар, ёки у унча жўшқин бўлмайди. Эркакларда кўпинча ўз ёшидаги аёл билан яқинлик қилишга уринишлар жинсий мойиллик билан кечмайди ва эрекциялар етишмаслиги оқибатида омадсизлик билан тугайди, аёлларда эса тўлқинланиш ва оргазм содир бўлмайди. Агар геронтофилия садистча одатлар асосида юзага келса, унда жинсий фаоллик кекса одамларнинг номусига тегиш, азоблаш ва таҳқирлаш билан боғлиқ бўлади.

*Объектнинг жинси бўйича руҳий-жинсий йўналишининг бузилиши.*

**Гомосексуализм** (юн. homois – бир хил ва лот. sexus - жинс) – ўз жинсидаги шахсларга жинсий мойиллик, шунингдек улар ўртасидаги жинсий алоқалар.

Гомосексуализм кечки палеолит давридан буён маълумдир: тасдиқловчи қояга ўйилган тасвирлар топилган. Социобиологик концепцияларга кўра, гомосексуализм илк инсоният жамияти тузилишида муҳим элемент каби ривожланган. Ота-оналик бурчидан қутулган уруғ гуруҳининг гомосексуал аъзолари яқин қариндошларига ов қилишда, уй ишларида, бола тарбиясида ёрдам бера олган. Модомики, бундай ёрдам уруғнинг омон қолиши ва бола-чақани ўстириш имкониятини кўпайтирган экан, уруғнинг умумий генлари ўз жинсини афзал билиш генлари билан бирга авлоддан-авлодга ўтиб борган. Шундай қилиб, гомосексуалликка

мойиллик уруғнинг коллатерал (ён) чизиқлари орқали ривожланиши мумкин бўлган. Тахминан 6% эркеклар ва 4% аёллар фавқулодда гомосексуал йўналиш олган деб ҳисобланади, эркекларнинг камида учдан бир қисми ва аёлларнинг камида тўртдан бир қисми эпизодик ёки вақтинчалик алоқаларга киришган. Ҳозир гомосексуализм деярли ҳамма мамлакатларда қайд қилинган, зеро айрим мамлакатларда гомосексуал никоҳларга расман рухсат берилган.

Гомосексуализмнинг табиати тўғрисидаги баҳслар анча илгари бошланган ва ёндашувларнинг принципиал фарқи топилган. XIX аср охирларида француз мутахассиси О.Тардьё гомосексуализмга ҳатто жинсий органларнинг анатомио-морфологиясида намоён бўлувчи ва бичиб қўйишгача бўлган жазо чораларини талаб этувчи маънавий ва жисмоний мажруҳлик деб баҳо берган. Бошқалар унчалик журъатли бўлмаган. Немис олими К.Ульрихс гомосексуалистлар гениталийлар эркекчасига ривожланадиган, мия бўлинмалари эса аёллар типи бўйича ривожланадиган нотўғри эмбрионал ривожланишнинг қурбонлари, деган ғояни илгари сурган. Ҳозирги вақтда гомосексуализмни тушунтириш икки назария асосида амалга оширилади.

*Тиббий-биологик ёндашув.* Гомосексуализм миянинг жинсий дифференциацияси жараёнидаги бузилиш деб белгиланади. Гомосексуал эркекларда миянинг нотўлиқ маскулинизацияси ва унинг гомосексуал аёллардаги қисман маскулинизацияси шуни кўрсатади. Миянинг жинсий дифференциацияси бузилишлари, ўз навбатида, гипоталамуснинг гармонал таъсирлари сезувчанлигини бузиб кўрсатилишини ифодалайди.

*Жинсий йўналиш олиш назарияси.* Гомосексуализм илк болалик, сўнгра ўсмирлик ёшида ота-оналарининг таъсири, масалан қарама-қарши жинсга нисбатан ёқимсиз муносабатларга ишонтириш остида жинсий тарбиянинг етарли эмаслиги оқибатида юзага келади. Бундай тарбия айниқса, аёлларда намоён бўлади. Онанинг қизини эрта йўлдан уришларга барҳам беришга ва қизини ҳамма эркеклар разил ва қабих эканлигига ишонтиришга уринишлари эркекларга салбий муносабатни шакллантиради, бу эса гетеросексуал мойиллик пайдо бўлишига ва тенгдошлари билан мулоқотга киришишга халақит бериши мумкин.

Шунингдек сохта – ёлгон ёки вазиятли гомосексуализм мавжуд. У ўз жинсидаги шахслар билан, либидо йўналиши билан эмас, балки иложсиз ҳолатлар (мажбурлаш, йўлдан уриш, ғаразгўйлик ва ш.к.) сабабчи бўлган жинсий алоқаларни англатади. Гомосексуал алоқалар, шунингдек одатда ажратиб қўйилган бир жинсли гуруҳларда юзага келади (масалан қамоқ) сунъийлик характериға эга ва гетеросексуал шериклар топилганида тўхта-тилади.

---

---

## ГЛОССАРИЙ

*Ахлоқ* - шахсининг ички фаоллик ва кўпинча, ташқи ҳаракат ва қилиқлар шаклига эга бўлган индивидуал хусусиятлари восита-сида муҳит билан ўзаро ҳаракати жараёни.

*Ахлоқнинг тенглиги* - аниқ вазият, шароит билан ахлоқнинг мувофиқлиги.

*Аддиктив ахлоқ* - тобе ахлоқ.

*Аддикция* - тобелик.

*Анозогнозия* - оғриқ ёки унинг оғирлигини инкор қилиш.

*Антиижтимоий ахлоқ* - ижтимоий тартиб ва атрофдаги одамларнинг тинчлигига хавф тугдирувчи, ижтимоий меъёрларга зид ахлоқ.

*Асоциал ахлоқ* - ахлоқий-маънавий меъёрларни бажаришдан оғишувчи ахлоқ.

*Аттитюд* - ижтимоий кўрсатма - шахсининг гуруҳли ёки ижтимоий қадриятлар ориентацияси, уларга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлиги.

*Аутистик ахлоқ* - одамлар ва атрофдаги воқеликдан бевосита чекланган, шахсий фантазиялари оламига шўнғиш кўринишида намоён бўладиган ахлоқ.

*Аутодеструктив ахлоқ* - ўз организми ва шахсини барбод қилиш, ўзига зарар етказиш билан боғлиқ ахлоқ.

*Ахлоқ детерминацияси* - муайян ахлоқни уйғотувчи, кўзғатувчи, кучайтирувчи ва қўллаб-қувватловчи омиллар жамланмаси.

*Вуайеризм (визионизм)* - жинсий муносабатлар ёки яланғоч одамларга қарашга интилиш билан боғлиқ жинсий девиация.

*Гендер* - жинс.

*Геронтофилия* - кекса одамлар ва қарияларга жинсий майл билан боғлиқ жинсий девиация.

*Гомосексуализм* - субъект томонидан жинсий кўзғалиш ва қониқишга эришиш учун битта жинсдаги объектни танлаш.

*Девиантология* - девиацияни ўрганувчи фан бўлими.

*Девиация* - меъёрдан оғишиш.

*Мослашмаганлик* - шахсий аҳамиятли бўлганидек муҳит талабларини қабул қилиш ва бажаришга, шунингдек, аниқ ижтимоий шароитларда ўз индивидуаллигини амалга ошира олишга суист қобилият ҳолати (истамаслик, уддаламаслик).

*Деликт* - ҳуқуқий меъёрларни бузувчи ҳаракатлар.

*Делинквент ахлоқ* - жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий меъёрлардан оғадиган, жамоат тартибига хавф солувчи муайян шахс ҳаракати.

*Деструктив ахлоқ* - барбод бўлишга олиб келувчи, зарар етказувчи ахлоқ.

*Тобе (аддиктив) ахлоқ* - психик ҳолатни ўзгартириш мақсадида қандайдир моддани истеъмол қилиш ёки ўзига хос психологик ёки жисмоний тобелик билан боғлиқ ахлоқ.

*Тобелик* - лаззат олиш ёки мослашиш мақсадида кимгадир ёки нимагадир суянишга умид қилишга бўлган интилиш.

*Тажовуз* - кимнидир ўзига бўйсундириш ёхуд улардан устунлик қилиш мақсадида реал ахлоқ ёки фантазияда намоён қилинадиган тенденция (интилиш).

*Тажовузкор ахлоқ* - бундай мурожаатни истамайдиган бошқа тирик мавжудотга зарар етказиш ёки босим ўтказишга йўналтирилган ахлоқ.

*Мослашув* - атроф-муҳит талабларига мослашиш жараёни.

*Муҳофазаловчи ахлоқ* - одамлар унинг воситасида ижтимоий муносабатларда оғриқ ва фрустрациядан қочадиган ҳаракат.

*Зоофилия* (содомия) - ҳайвонларга жинсий майл билан боғлиқ жинсий девиация.

*Интервенция* - ижобий ўзгаришлар мақсади билан, масалан, исталмаган ахлоқни енгиш (ахлоқ коррекцияси, шахс реабилитацияси) билан таъсир кўрсатиш.

*Классик шартланганлик (шартли ёки респондент рефлекс)* - бу шартсиз рағбат билан вақт ва борликда (организмнинг туғма реакциясини чақирувчи) шартли реакцияга ўрганиш (индифферент рағбатга реакция).

*Клептомания* - патологик ўғрилиқ.

*Конформистик ахлоқ* – индивидуалликдан маҳрум ахлоқ.

*Копинг-ахлоқ* - стрессни енгмоқ.

*Копинг-ресурслар* - аниқ шахсинин стрессни муваффақиятли енгишига ёрдамлашувчи ички ва ташқи ресурслар йиғиндиси.

*Копинг-стратегиялар* - стрессни енгишнинг индивидуал стратегиялари.

*Либи́до*— жинсий майл, жинсий яқинликка интилиш.

*Маргина́лик* - меъёрнинг охирги чегараси, шунингдек, чегарали субмаданиятга мансублик.

*Ахлоқнинг мотивацияланганлиги* - шахснинг етакчи эҳтиёжлари, қадриятлари ва мақсадлари билан бошқариладиган ҳаракатга ички тайёрлик.

*Нарциссик ахлоқ* - шахсий буюклик туйғуси ва ўзига либи́до мурожаат, шунингдек, ўзининг аҳамиятлилигига ташқаридан тасдиқлашларига юқори эҳтиёж билан бошқариладиган ахлоқ.

*Некрофи́лия* - мурдаларга жинсий майл билан боғлиқ жинсий девиация.

*Таълим* - юзага келган вазият асосида муайян ахлоқ турларини сақлаш ва эгаллаш жараёни.

*Оперант* - ўз оқибати билан белгиланган ахлоқ.

*Оперант шартланганлик* - ахлоқ ва ўзини ўзи мустаҳкамлаш шарофати билан шартли реакция (таълим) ни ишлаб чиқиш.

*Оперант ахлоқ* - натижа пайдо қилиб, атроф-муҳитда операцияланадиган ахлоқ.

*Оғишган (девиант) ахлоқ* - бирмунча муҳим ижтимоий меъёрлардан оғишган, шахснинг ўзи ёки жамиятга реал зарар келтирувчи, шунингдек, унинг ижтимоий мослашмаганлиги билан бирга борувчи шахснинг турғун ахлоқи.

*Педофи́лия* - болаларга жинсий қизиқиш билан боғлиқ жинсий девиация.

*Пенитенциар тизим* - қонунбузарларни сақлаш тизими, уларнинг жазони ўташ жойи.

*Перверсия* - жинсий объект ёки жинсий қониқиш усулларини танлашда оғиш билан боғлиқ қайд қилинган кучли жинсий ахлоқ.

*Пиромания* - куйдиришга патологик ишқивозлик.

*Превенция* - огоҳлантириш мақсадидаги таъсир — исталмаган хулқ профилактикаси.

*Ахлоқнинг маҳсулдорлиги* - шахс ахлоқида онгли мақсадларини амалга ошириш даражаси.

*Промисцуитет* - субъект соғлиги ва унинг шахслараро муносабатлар учун хавф туғдирувчи тартибсиз жинсий алоқалар.

*Психологик ҳимоя* - шахснинг мақсади ва мустаҳкамлигига хавф солувчи ҳар қандай ўзгаришларни бартараф қилиш ёки камайтиришнинг онгсиз механизмлари.

*Релаксация* - бўшашиш.

*Ретризм* - ижтимоий меъёрлар, ижтимоий ўзаро таъсирдан кетиш.

*Садомазохизм* – камситиш ёки шеригига азоб бериш орқали жинсий қониқишга эришиш билан боғлиқ жинсий аддикция.

*Ижтимоий оғишлар* - оммавийлик, турғунлик ва тарқалганлик билан характерланувчи ижтимоий меъёрларнинг бузилиши, масалан, жиноятчилик ёки пиёнисталик.

*Социопатик шахс* - атрофдаги одамларга ишонч танқислиги ва душманликни ҳис қилувчи, узоқ вақт яқин муносабатлар ўрнатишга қодир бўлмаган, ўз мақсадларига эришиш учун куч ва манипуляциядан фаол фойдаланувчи антиижтимоий шахс.

*Суицид* - атайин ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш.

*Суицидал ахлоқ* - ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш ҳақидаги тасаввурларга йўналтирилган англанган ҳаракат.

*Трансвестизм* - перверсия, психологик қулайлик ёки жинсий кўзғалишга эришиш мақсадида тасаввурда ёки ҳақиқатан аёллар кийимини кийиб олиш билан боғлиқ эркакларга нисбат бериладиган жинсий девиация.

*Транссексуализм* - ўз жинсини хирургик ўзгартиришга интилишда кўринувчи жинсий мансубликнинг бузилиши (қарама-қарши жинс билан ўхшашлик оқибатида).

*Трихотиломания* - патологик соч юлиш.

*Толерантлик* - нимагадир чидаш бериш, бардош бериш, таъсирга берилмаслик.

*Фанатик ахлоқ* - қандайдир ғоя, қарашларга кўр-кўрона ихлосмандлик шаклида чиқувчи ахлоқ.

*Фетишизм* - шахс жинсий кўзғалиш ва қониқиш учун фетиш (жонсиз предмет ёки тана қисми) дан фойдаланадиган жинсий девиация.



*Фрустрация* - эҳтиёжни қондириш имконсизлиги ёки мақсадга эришиш йўлидаги тўсиқлар билан боғлиқ психик ҳолат.

*Эвтаназия* - шифокор ёрдамида ўз-ўзини ўлдириш, қачонки беморнинг азоблари чидаб бўлмас даражада бўлиб, унинг касали даволанмайдиган ва у соғлом ақл билан эвтаназия ҳақида бир неча бор сўраса.

*Эксгибиционизм* - жинсий қониқиш учун ечинишдан фойдаланиладиган жинсий девиация.

*Эфебофилия* - ўсмирлик ва йигитлик ёшидаги шахсларга жинсий мойиллик.

---

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

*Амбрумова А.Г., Пустовалова Л.И.* Семейная диагностика в суицидологической практике. – М., 1983.

*Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В.* Психология и психотерапия семьи. – СПб., 1999.

Энциклопедия глубинной психологии / Под ред. А. М. Боковой. – М., 2001.

*Игумнов С.А.* Клиническая психотерапия детей и подростков: Справ, пособие. – Минск, 1999.

*Комилова Н.Ф.* Хулқи оғишган болалар психологияси: Услубий кўлланма. – Т., 2008

*Кинг М., Коэн У., Цитренбаум Ч.* Гипнотерапия вредных привычек. – М., 1998.

*Кулаков С.А.* Диагностика и психотерапия аддиктивного поведения у подростков: Учеб.-метод. пособие. – М., 1998.

Наркомания: Метод, рекомендации по преодолению наркозависимости / Под ред. А. Н.Гаранского. – СПб., 2000.

*Нишанова З.Т., Туляганова. Ш.Т.* Ўсмирлик даврида кўркув ҳолатларининг намоён бўлиши: Услубий кўлланма. – Т., 2009.

Психология деструктивных культов: Профилактика и терапия культовых травм //Журнал практического психолога. Спец. вып. – М., 2000. – № 1-2.

Психология и лечение зависимого поведения / Под ред. С. Даулинга. - М., 2000.

Психосоциальная коррекция и реабилитация несовершеннолетних с девиантным поведением / Под ред. С.А. Беличевой – М., 1999.

Психотерапевтическая энциклопедия / Под ред. Б. Д. Карвасарского. – СПб., 1998.

*Чезаре Ломброзо.* Гениальность и помешательство.– Минск. 2000.

<http://lossofsoul.com>

---

---

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....3

### *I боб. ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ*

1-§. Меъёрдан оғувчи хулқ-атвор ҳақида умумий тушунча.....5  
2-§. Меъёрдан оғувчи хулқ-атворнинг шаклланиш  
сабаблари ва турлари.....10

### *II боб. ДЕЛИКВЕНТ АХЛОҚ ВА АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАРИ*

1-§. Деликвент ахлоқ – девиант хулқ-атворнинг шакли сифатида.....21  
2-§. Агрессив хулқ-атвор.....54  
3-§. Ўзини ўзи барбод қилаётган шахс ахлоқининг  
психологик таҳлили.....58

### *III- боб. СУИЦИДАЛ АХЛОҚ ВА ШАХС АХЛОҚИНИНГ АНОМАЛ ТУРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ*

1-§. Суицидал хулқ-атвор психологияси.....84  
2-§. Шахс ахлоқининг аномал турлари психологияси.....93

### *IV боб. РУҲИЙ-ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШ ПСИХОЛОГИЯСИ*

1-§. Руҳий-жинсий ривожланиш девиацияси.....131  
2-§. Жинсий ролли ахлоқ стереотипининг бузилиши шакллари.....135

ГЛОССАРИЙ .....149  
Фойдаланилган адабиётлар .....154

# ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ПСИХОЛОГИЯСИ

*Ўқув қўлланма*

*Муҳаррирлар: И. И. Хувайтов  
Техник муҳаррир Д.Х. Хамидуллаев*

Босишга рухсат этилди 18.02.2014. Нашриёт ҳисоб табағи 8,6.  
Адади нусха. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68